



# KRIMINOLOGIYA VA JINOIY ODIL SUDLOV

2021/1-2



ILMIY-AMALIY JURNAL

# TAHRIR HAY'ATI

## Q. ABDURASULOVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrası professori, yuridik fanlar doktori – bosh muharrir

## Y. KOLENKO

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi boshlig'i – bosh muharrir

## N. SALAYEV

Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori, yuridik fanlar doktori, professor – bosh muharrir o'rinbosari

## K. HAKIMOV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrası mudiri, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori – mas'ul muharrir

## M. RUSTAMBAYEV

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiya harbiy-texnik instituti boshlig'i, yuridik fanlar doktori, professor

## A. OTAJONOV

Yuristlar malakasini oshirish markazi direktorining o'quv-uslubiy va ilmiy ishlar bo'yicha birinchi o'rinbosari, yuridik fanlar doktori, professor

## B. PULATOV

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi akademiyasi "Qonunchilik ijrosi ustidan nazoratni tashkil etish" kafedrası professori, yuridik fanlar doktori

## F. RAXIMOV

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi akademiyasi "Prokurorlik faoliyatini tashkil etish va boshqarish" kafedrası professori, yuridik fanlar doktori

## B. UMIRZAKOV

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi "Kriminologiya" kafedrası katta o'qituvchisi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

## M. O'RAZALIYEV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrası professori, yuridik fanlar doktori

## I. ERGASHEV

Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy boshqarma boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori, dotsent

## M. KURBANOV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrası dotsent v.b., yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

## V. DAVLYATOV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Sud, huquqni muhofaza qiluvchi organlar va advokatura" kafedrası mudiri, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

## D. BAZAROVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat-protsessual huquqi" kafedrası mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor

## A. Baratov

Toshkent davlat yuridik universiteti "Kriminalistika va huquqiy ekspertiza" kafedrası mudiri, yuridik fanlar nomzodi

## G. TULAGANOVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat-protsessual huquqi" kafedrası professori, yuridik fanlar doktori

## D. SUYUNOVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat-protsessual huquqi" kafedrası professor v.b., yuridik fanlar doktori

"Kriminologiya va jinoiy odil sudlov" ilmiy-amaliy jurnali O'zbekiston matbuot va axborot agentligida 2021-yil 18-martda 1160-sonli guvohnoma bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi bilan hamkorlikda tashkil etilgan.

Mualliflik huquqlari Toshkent davlat yuridik universitetiga tegishli. Barcha huquqlar himoyalangan. Jurnal materiallaridan foydalanish, tarqatish va ko'paytirish muassis ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Sotuvda kelishilgan narxda.

ISSN 2181-2179

© Toshkent davlat yuridik universiteti



# MUNDARIJA

## 12.00.08 – JINOYAT HUQUQI. KRIMINOLOGIYA. JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

**Хакимов Рахимжон Расулжонович**

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ – ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ..... 5

**Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович**

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ..... 13

**Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна**

КРИМИНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ ..... 24

**Камалова Дилдора Гайратовна**

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА  
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ПРИНЦИПИ ..... 30

**Ниёзова Саломат Сапаровна**

ОИЛАДАГИ ЖИНОЙИЙ ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ ..... 39

**Абзалова Хуршида Мирзиятовна**

РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОЙ СТРАТЕГИИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ УБИЙСТВА  
НА ОСНОВЕ АНАЛИЗА ЛИЧНОСТИ УБИЙЦЫ ..... 46

**Ахмедова Гузалхон Уткуровна**

ВОПРОСЫ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ ЖЕНЩИН, ОСВОБОДИВШИХСЯ ИЗ МЕСТ  
ЛИШЕНИЯ СВОБОДЫ ..... 63

**Исмоилов Олимжон Юсупжон ўғли**

ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ: ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 72

**Махмудов Суннатжон Азим ўғли**

ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР ЖИНОЯТЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ..... 79

**Акбаралиева Мухайё Караматулло кизи**

СПОСОБЫ НАЗНАЧЕНИЯ БОЛЕЕ МЯГКОГО НАКАЗАНИЯ ..... 90

## 12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI. KRIMINALISTIKA, TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA SUD EKSPERTIZASI

<b>Базарова Дилдора Бахадировна</b> К ВОПРОСУ ЭФФЕКТИВНОСТИ УГОЛОВНОГО ПРАВОСУДИЯ .....	95
<b>Рузметов Ботиржон Хайитбаевич</b> ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЙ – КЛЮЧЕВАЯ ЗАДАЧА УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ .....	107
<b>Каримов Бобуржон Зокиржонович</b> ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ .....	117
<b>Хамидов Бахтиёржон Хамидович</b> ЭЛЕКТРОН ЁХУД РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРГА ОИД УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМ .....	127
<b>Ниязов Максуд Кадамович</b> ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБОСНОВАННОСТИ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ МЕРЫ ПРЕСЕЧЕНИЯ В ВИДЕ ЗАКЛЮЧЕНИЯ ПОД СТРАЖУ .....	146

## 12.00.14 – HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI. JAMDAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH. PROBATSIIYA FAOLİYATI

<b>Тулаганова Гулчехра Захитовна, Қодиралиев Саддам Бахтиёржон ўғли</b> ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА УШБУ ФАОЛИЯТНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ .....	154
<b>Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна</b> ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ .....	164
<b>Рахмонова Дилдора Мирзакаримовна</b> ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ТЕХНИКАСИ (ЮНУСОБОД ТУМАНИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА) .....	171
<b>Хамрақулов Шавкатжон Салимович</b> ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ .....	179
<b>Эшмуродов Элбек</b> ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА .....	189



# ИЛМИЙ ЁНДАШУВ – ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Хакимов Рахимжон Расулжонович,**

Тошкент давлат юридик университети ректори, ю.ф.д., профессор

*Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.*

**Шавкат Мирзиёев**

**Аннотация.** Мазкур мақолада илмий ёндашув – жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим омили юзасидаги масалалар баён этилган. Шунингдек, муаллиф мақолада соҳага оид кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган юридик чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

**Калит сўзлар:** илмий ёндашув, жиноятчилик, қарши курашиш, кадрлар, малака ошириш, қайта тайёрлаш, инновация, ҳуқуқ, давлат.

## НАУЧНЫЙ ПОДХОД – ВАЖНЫЙ ФАКТОР В БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

**Хакимов Рахимжон Расулжонович,**

доктор юридических наук, профессор,  
ректор Ташкентского государственного  
юридического университета,

**Аннотация.** В данной статье рассматривается вопрос научного подхода как важный фактор борьбы с преступностью. Также автором обсуждаются правовые меры, направленные на подготовку и переподготовку кадров в сфере.

**Ключевые слова:** научный, подход, преступность, противодействие, кадры, повышение квалификации, переподготовка, инновация, право, государство.

## THE SCIENTIFIC APPROACH - AN ESSENTIAL FACTOR IN FIGHTING AGAINST CRIME

**Khakimov Rakhim Rasuldjonovich,**

Rector of Tashkent State University of Law,  
Doctor of Law, professor

**Abstract.** This article discusses the scientific approach - the issues of an essential factor in the fight against crime. Also, the author discusses legal measures aimed at training and retraining of personnel in the related field.

**Key words:** scientific, approach, crime, counteraction, personnel, advanced training, retraining, innovation, law, state.

Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда рўёбга чиқиши қонунни қўллаш амалиётига бевосита боғлиқдир. Зеро, ушбу жараённинг самарадорлигини

таъминлашда айнан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг билими, малакаси ва касбий кўникмаси муҳим ўрин тутади.

Жорий йилнинг 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги нутқи мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг жамиятда эмин-эркин яшашига қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини самарали ташкил этиш **асосий вазифалардан бири** этиб белгиланган.

Бу борада сўнгги беш йилда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси шиддатли, ўз самарасини бераётган, **энг аввало, халқимизни рози қилаётган ислохотлар олиб борилмоқда**. Ўтган давр мобайнида жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Тошкентда “хавфсиз шаҳар”, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида “хавфсиз туризм”, Паркент туманида “хавфсиз дам олиш” концептуал лойиҳалари жорий этилди.

Ички ишлар вазирлиги фаолияти тубдан ислоҳ этилди. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутлақо янгича тизим йўлга қўйилди. Профилактика инспекторларининг моддий, ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари энг замонавий техникалар билан таъминланди. Янги тузилма – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Мамнуният билан айтиш керакки, профилактик тадбирлар натижасида жиноятчилик сони йилдан-йилга камаймоқда. Рақамларга эътибор берсак, агар 2016 йилда **87,4 минг** жиноят содир этилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич **62 минг**ни ташкил этган бўлиб, ўтган даврга нисбатан **қарийб 29 фоизга** тушган. Бу жуда катта кўрсаткич.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар **100 минг** аҳолига Россия Федерациясида **1379 та**, Қозоғистонда **1315 та**, Украинада **1059 та**, Арманистонда **906 та**, Озарбайжонда **266 та**, Тожикистонда **244 та** жиноят тўғри келмоқда.

Қувонарлиси шундаки, мамлакатимизда ушбу кўрсаткич **177 тани** ташкил этади. Бу МДҲга аъзо мамлакатлар орасида энг паст демакдир. Албатта, бунинг замирида Давлатимиз раҳбари томонидан соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ётибди, десак айни ҳақиқатдир.

### Соҳага оид кадрларни тайёрлаш тизимини изчил такомиллаштириш муҳим

Соҳага оид кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган изчил мамлакатда юридик чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Зеро, жиноятчиликка





қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, энг аввало, **инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолининг тинчлигини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқиб**, Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бугун жаҳонда COVID-19 пандемияси шароитида рўй бераётган глобал ўзгаришлар барча соҳалар қатори, ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини тубдан ислоҳ қилишни, ҳуқуқ устуворлигини таъминлай оладиган ҳар томонлама профессионал ва замонавий кадрлар тайёрлашни тақозо этмоқда.

Бунда айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни тергов қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда илмий ёндашувни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Академияси фаолияти тубдан ислоҳ қилиниши ва Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослашган филиали ташкил этилиши ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги шиддатли ислоҳотларни амалга оширишга қодир юридик кадрларни тайёрлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, **Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида “юриспруденция” йўналиши бўйича юридик факультетлар** ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, олий таълим муассасалари ўртасидаги соғлом рақобат таълим сифатини ўсишига замин яратди.

Шунингдек, бугунги кунда прокуратура органларини том маънода **“халқ прокуратураси”**га айлантириш мақсадида Бош прокуратура Академиясида прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан бирга, соҳага оид чуқур илмий-тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

**Бир сўз билан айтганда, халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳага юқори малакали кадрларни тайёрлашга оид ислоҳотларни амалга оширишни замоннинг ўзи талаб қилаётган эди, десак муболаға бўлмайди.**

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон Фармонида асосан Тошкент давлат юридик университетида **«илмий-инновацион марказ – кафедра – ишлаб чиқариш»** триадаси тизими яратилди. Бу эса ўз навбатида, соҳага оид илмий ижод ва амалиёт узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Университетда **“Криминалистика ва суд экспертизаси”, “Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура”, “Жиноят ҳуқуқи, кримнология ва коррупцияга қарши курашиш”** каби янги кафедралар ташкил этилди. Уларнинг методологик базаси кучайтирилди.

Шу билан бирга, университетнинг етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлигини фаоллаштириш орқали эркин халқаро алмашинувни жорий қилиш имконияти яратилди. Масалан, **“Халқаро арбитраж ва низоларни ҳал қилиш”** ҳамда **“Адвокатлик фаолияти”** йўналишлари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Давлатимиз раҳбарининг Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида бу борадаги ишларга холис **баҳо берибгина қолмай**, мавжуд муаммолар, шу жумладан кўпгина масалалар ҳамда **уларнинг оқилона ечимини топиб берди.**

Хусусан, бугунги кун талабига мос, профессионал, энг муҳими, Ватанини севадиган, ҳалол ва адолатли кадрларни тайёрлаш, бу борада таълим жараёнига илғор хорижий тажрибани жорий этиш тараққиётимизнинг энг муҳим йўналишлардан бири эканлигига урғу берилди.

### Юнусобод туманида ўзига хос тажриба ва методика яратилади

Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиқиб, амалиётчилар билан бир қаторда, юридик фан ва таълим соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, тадқиқотчилар ва зиёлилар муҳим устувор вазифаларни белгилаб олди.

Маълумки, муайян ҳудудда криминоген вазиятнинг туб илдизини ўрганмай туриб, уни бартараф этиш бўйича таъсирчан чораларни белгилаш мумкин эмас. Бундан юқори самара кутиш амри маҳол. Қолаверса, сўнгги йилларда бирон-бир янги механизмларни йўлга қўйишда эксперимент тариқасида муайян ҳудуд танлаб олиниб, ислохотнинг таъсирчанлигини баҳолашда самарали фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг нутқидан келиб чиқиб, Университет Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани мисолида жиноятчилик ҳолатини ҳар томонлама илмий тадқиқ этишни асосий вазифалардан бири этиб белгилади. Нима учун айнан мазкур тумани, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Айтиш керакки, Юнусобод ҳудуди ва аҳолисининг сони жиҳатдан азим пойтахт туманларининг ичида энг йириги ҳисобланади. Қолаверса, Университет ва унинг Ихтисослашган филиали айнан мазкур туманда жойлашган. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотчи олимлар ва мутахассисларнинг ҳудудда илмий фаолиятни йўлга қўйишида ўзига хос қулайлик яратади.

Шу боис, Университет томонидан тумандаги жиноятчилик даражаси юқори бўлган “Хусниобод” ва “Матонат” маҳаллалари танлаб олиниб, уларда илмий ёндашув асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш бўйича методика ва тажриба яратиш юзасидан Йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Туман ҳокими, прокурори, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ҳамда Университет ректори томонидан тасдиқланган ушбу ҳужжатда маҳаллаларда жиноятчилик сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган **10 дан ортиқ** аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Эндиликда “Хусниобод” ва “Матонат” маҳаллаларининг геоинформацион харитасини ишлаб чиқилади, сўнгги беш йилда жиноятчилик ҳолати, содир этилган жиноятлар сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар аниқланади ва таҳлил қилинади, жиноят содир этган шахслар ҳамда жабрланувчиларнинг виктимологик портрети яратилади.

Шунингдек, фош этилмаган жиноятлар бўйича танланма асосда 5 та жиноят иши доирасида тергов қилиш муаммолари илмий тадқиқ этилиб, уларнинг ечими бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Айни дамда, “Хусниобод” маҳалласида 2637 та оила истиқомат қилса, “Матонат” маҳалласида жойлашган 3350 та оила яшайди. Университет Юридик клиникаси мазкур маҳаллалар аҳолисига ҳар ойда камида икки маротаба сайёр қабуллари ташкил этишни режалаштирган.

Бунда маҳалладаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва яқунда мавжуд ҳолатни яхшилаш юзасидан услубий кўмак бериш назарда тутилмоқда. Натижа аниқ – туманда





**“маҳаллабай” тизими** асосида жиноятчиликни аниқлаш, унинг олдини олиш бўйича намунавий методология ишлаб чиқилади. Асосий мақсад мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича ягона ва самарали ёндашувни таъминлаш имконини яратишдан иборат.

Чиндан ҳам, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Айни пайтда, **профилактика инспектори** жамоат хавфсизлигини таъминлашда энг қуёи бўғинларидан бири, шунингдек, ҳуқуқбузарлик билан энг биринчи галда тўқнаш келувчи ҳуқуқ-тартибот органи ходими десак, тўғри бўлади.

**Бугунги профилактика инспектори аслида қандай бўлиши керак? Қандай сифатларга эга бўлиши ва қайси талабларга жавоб бериши лозим?**

Тўғриси айтганда, ушбу саволга жавоб бериш бир тарафдан осон, иккинчи тарафдан ўзига хос мураккаб ҳисобланади. Лекин, бир нарса аниқ – бугунги шиддатли ўзгаришлар жараёнида профилактика инспекторининг билими мунтазам янгиланиши, малака ва кўникмаси доимий оширилиши, бир сўз билан айтганда, бугунги ахборот асри талабларидан келиб чиқиб, реал воқелик ва ислохотларга ҳамоҳанг бўлиши зарур.

Шу боис, профилактика инспекторлари, терговчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида бир қатор таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишни ўз олдимишга мақсад қилганмиз.

Хусусан, сўнгги йилларда кўп содир этиладиган жиноятларнинг криминалогик тавсифи, уларга қарши курашиш, олдини олиш ва профилактика қилиш, бу турдаги жиноятларни тергов қилиш услубиёти юзасидан содда, халқчил тилда камида 10 номдаги илмий-оммабоп рисола тайёрлаш ва ҳар бир профилактика инспекторига етказиш бош мақсадларимиздан ҳисобланади.

Қолаверса, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш бўйича долзарб мавзулар юзасидан Юнусобод тумани мисолида камида 3 та докторлик (PhD, DSc) илмий тадқиқотлари, 50 га яқин битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш назарда тутилган.

### **Юридик фан ва таълим – соҳани ривожлантириш “драйвери”**

Университет томонидан бошланган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича **замонавий, инновацион онлайн ўқув порталини яратиш ишлари** илмий ижод ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Мазкур портал профилактика соҳасидаги қонунчилик базаси, қонун ҳужжатлари шарҳлари, ўқув, услубий қўлланма, илмий мақолалар, ахборот-таҳлилий ва статистик материаллар ҳамда бошқа адабиётлар туркумидан иборат бўлади ва мунтазам янгиланиб борилади.

Яна бир муҳим янгиллик, Университет ташаббуси билан, тез-тез содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноят турларида келиб чиқиб, уларни аниқлаш, олдини олиш ва баратараф этиш бўйича услубий кўрсатмаларни тайёрлаш, зарура ахборот материалларини уларга етказиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур вазифалар ҳуқуқ-тартибот органларининг юкини енгиллаштириш билан бир қаторда, ҳудудда соҳага оид муаммоларни ҳал этишнинг ягона ёндашувини ишлаб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган ташкилий ишларни тизимлаштириш мақсадида Университетда яқин истиқболда **“Криминология ва жиноят-ижроия ҳуқуқи” кафедрасини ташкил этиш** режалаштирилган. Ушбу кафедра айнан ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича фундаментал илмий тадқиқот базасини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, хусусан Германиянинг Регенсбург, Япониянинг Нагоя университетлари билан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Айни пайтда Университет муассислигида **“Юридик фанлар ахборотномаси”, “Юриспруденция”, “Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили”, “TSUL Legal Report”** илмий-амалий журналлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда илмий тадқиқотчилар, олимларнинг доимий равишда соҳага оид долзарб масалалар ва уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлари илгари сурилмоқда. Ушбу нашрларда ҳуқуқнинг долзарб назарий ва амалий муаммолари, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича мақолалар эълон қилиб боришмоқда.

Эндиликда соҳага оид Университет томонидан **“Криминология ва жиноий одил судлов”** илмий-амалий, таҳлилий журнални таъсис этиш мақсадга мувофиқ. Келгусида мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилади.

Журналда энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги мавжуд криминоген вазият аниқ статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиниши, мавжуд муаммолар юзасидан илмий асосланган хулосалар, таклиф ва тавсиялар бериб борилиши, шунингдек, илғор халқаро ва бой хорижий тажриба кенг ёритилиши кўзда тутилган.

Галдаги муҳим вазифа амалиёт ходимларини илм-фандаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор қилиб бориш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш, шунингдек, назария – амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида ушбу журналларни ҳуқуқ-тартибот органларига мунтазам етказиб туриш ҳисобланади.

### **“Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”**

Дарҳақиқат, Имом Бухорий бобомизнинг ушбу фикрлари нечоғлик тўғри эканлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Айни пайтда, юридик фан ва таълим фидойиларининг олдида бир қатор долзарб масалалар борки, улар соҳа ривожига катта туртки бериши аниқ.

**Биринчидан**, бугунги кунда дастлабки тергов ҳаракатларини илмий ёндашувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, илмсиз келажак йўқ. Шу боис, тергов органларида оғир ва очиш қийин бўлган жиноятларни тергов қилишга методик жиҳатдан кўмаклашувчи **илмий-методик бўлимлар ташкил қилиш** ҳамда тегишли йўналишлар бўйича тергов амалиётига оид **даврий нашрларни** (тергов амалиёти таҳлили) **чоп этишни** йўлга қўйиш зарур.

Ушбу тузилмалар ҳар бир жиноятни тергов қилиш услуги, содда қилиб айтганда, жиноят содир этилганда терговчи ишни нимадан бошлаб, қандай яқунлашигача бўлган барча жараёнларни батафсил услубий кўрсатмалар тайёрлаб беради. Ушбу амалиёт терговчиларда касб маҳоратини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Иккинчидан**, аччиқ бўлса ҳам тан олиб айтиш керакки, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан сўнгги уч йил ичида **юриспруденция соҳасида бирорта ҳам**



**инновацион, фундаментал ва амалий лойиҳалар ажратиш** бўйича ишлар ачинарли аҳволда қолмоқда. Бу эса, криминология, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид замонавий ёндашув ва илмий асосларни яратиш имконини бермаяпти.

Шу мақсадда, академик ҳамжамият томонидан илмий ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни молиялаштириш, илмий ишларни тижоратлаштириш мақсадида **алоҳида манзилли инновацион грант лойиҳаларини эълон қилиш тизимини жорий этиш** мақсадга мувофиқ.

Масалан, келгусида профилактика инспекторлари билан тезкор боғланиш ва содир этилган жиноятлар ҳақида зудлик билан хабар бериш имкониятини яратувчи **онлайн платформа ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ**. Бундан ташқари, инновацион грант асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича замонавий, инновацион **онлайн ўқув портали ишлаб чиқиш сингари инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин**.

Шунингдек, республика ҳудудларининг криминоген вазиятини ўрганиш методологиясини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда замонавий АКТ имкониятларини қўллаш, фирибгарлик, кибержиноятчилик профилактикасини такомиллаштириш мавзуларида **фундаментал лойиҳалар бўйича танловлар эълон қилиб бориш** лозим.

Ушбу чоралар соҳага ушбу амалиётнинг жорий этилиши олимлар учун чуқур илмий тадқиқот олиб бориш имконини яратган бўлар эди.

**Учинчидан**, бугунги кунда юриспруденциянинг турли соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айтиш керакки, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга оид илмий тадқиқотлар сифати ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим дастурлари учун йиллик ажратиладиган қабул квоталари сони етарли даражада эмас.

Хусусан, бугунги кунга қадар 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича атиги **2 та ўрин** ажратилган бўлиб, бу ҳолат мазкур соҳадаги илмий-тадқиқотлар сифатига сезиларли салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Умуман, юртимизда юриспруденция соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари салмоғи ҳавас қилгулик даражада эмас. Биргина 2014 йилда АҚШда **67 минг**, Германияда **28 минг**, Буюк Британияда **25 минг**, Хиндистонда **24 минг** ва Японияда **16 минг** тадқиқотчи фан доктори (PhD) илмий даражасига эришган. Мазкур кўрсаткич ҳам мамлакатимизда юриспруденция соҳасида илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурлигини яққол тасдиқлайди.

Шу боис, Университетда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш соҳасида олий таълимдан кейинги таълим дастурлари учун йиллик ажратиладиган қабул квоталари сонини **беш бараварга** ошириш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида, аниқ муаммони ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг амалий натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тўртинчидан**, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш бугун ҳар қачонгидан долзарб масала ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккиси бир-бирини тўлдиради, зеро амалиётчилар илм вакилларида илмий асослантирилган хулосаларни кутишса, ўз навбатида, олимлар улардан янги чақириқларни қабул қилади.

Хусусан, илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, **жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан** илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотларига жиноятлар сабаблари, жиноятчи шахсини, криминоген вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш, оғир ва очиш қийин бўлган жиноятларни тергов қилишнинг замонавий услубиётини яратиш каби долзарб масалалар бўйича илмий тадқиқот амалга ошириш учун **давлат буюртмаларини бериш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ**. Бу эса, соҳа ривожини йўлида ҳар қандай муаммони илмий ечим орқали самарали ҳал этиш имконини беради.

Шу билан бирга, докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базасини соҳага оид долзарб муаммолар асосида мунтазам янгиланган бориш лозим. Бунда илмий тадқиқот иши натижаси сифатида жиноятчилик ҳолати пасайишига хизмат қилиши даркор.

**Бешинчидан**, сир эмаски, илмий тадқиқот ишининг сифати зарур материаллар, хусусан, суд, ҳуқуқни қўллаш ва назорат амалиётининг статистик ҳисоби ҳамда таҳлили натижаларига бевосита боғлиқ бўлади.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда соҳада чуқур илмий тадқиқот олиб бориш учун амалиёт материаллари, жумладан статистика билан танишиш имконияти чекланган. Масалан, Давлат статистика қўмитаси расмий сайтида эълон қилинаётган ахборот тўлақонли ва кенг қамроқли тадқиқот олиб бориш учун етарли эмас.

Шу боис, жиноий-ҳуқуқий статистикадан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан очиқ маълумотлар базасини кенгайтириш, жумладан содир этилган жиноятлар бўйича барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи **criminal.stat.uz** порталини ишга тушириш лозим.

Ушбу портал жиноятчилик ҳолати, унинг барча криминологик жиҳатлари, яъни жиноятлар сони, тури, динамикаси, жиноят содир этган шахсга оид хусусиятлар (жинси, ёши, касби ва б.), ҳудудлар, яъни “Республика–вилоят–туман–шаҳар–маҳалла” кесимида тақдим этишни йўлга қўйиш зарур.

**Олтинчидан**, Университетда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Ҳуқуқий журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш мақсадида “**Ҳуқуқ ва журналистика**” магистратура мутахассислигини очиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий мавзуларни профессионал ёритишга, журналистлик фаолиятини амалга оширишда қонун устуворлиги тамойилига риоя этилишига, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши самарали курашишга ва пировардида жамиятда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

### Хулоса

Илмсиз тараққиёт ва ривожланишни тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги шароитда олий таълим тизимига замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, уларни реал воқелик билан узвийлигини таъминлаш, забардаст олимларимизнинг илмий салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Давлат раҳбарининг мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ва унда яшовчи инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларида илмий ҳамжамият оддий иштирокчи эмас, балки ушбу шиддатли ўзгаришларда фаол ташаббускор қатлам сифатида соҳа ривожига ҳал қилувчи ҳиссасини қўшишига ишонамиз.





# ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович,**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети бошлиғи, профессор, ю.ф.д.

**Аннотация.** Мазкур мақолада одам савдосига қарши кураш бўйича хорижий давлатлар тажрибасига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада АҚШ, Италия, Германия Федератив Республикаси ва МДХга кирувчи давлатларнинг одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ қонунчилигини таҳлил этилиб, бу масалани ҳал этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берган.

**Калит сўзлари:** одам савдоси, жиноят, жавобгарлик, жазо, қарши курашиш, жабрланувчи, шахс, фоҳишабозлик, мажбурлаш, сотиш.

## ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В БОРЬБЕ С ТОРГОВЛЕЙ ЛЮДЬМИ

**Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович,**

д.ю.н., профессор,  
начальник Университета общественной  
безопасности Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с опытом зарубежных стран в борьбе с торговлей людьми. Также в статье анализируется законодательство США, Италии, ФРГ и государств-участников СНГ о противодействии торговле людьми, вносятся соответствующие предложения и рекомендации по решению данного вопроса.

**Ключевые слова:** торговля людьми, преступление, ответственность, наказание, противодействие, потерпевший, лицо, проституция, принуждение, торговля.

## EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE FIGHT AGAINST HUMAN TRAFFICKING

**Rustambaev Mirzayusup Khakimovich,**

Head of the University of Public Security  
of the Republic of Uzbekistan, Professor, DSc

**Abstract.** This article deals with issues related to the experience of foreign countries in the fight against human trafficking. The article also analyzes the legislation of the USA, Italy, Germany and the CIS member states on combating human trafficking, makes appropriate proposals and recommendations to address this issue.

**Keywords:** human trafficking, crime, responsibility, punishment, opposition, victim, person, prostitution, coercion, trade.

Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг тезлашиши, ноқонуний миграция жараёнларининг кучайиши, давлатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовут, ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши, “оммавий маданият” таъсирининг ортиши, трансмиллий жиноий ташкилотларнинг фаоллашуви натижасида одам савдосининг кўлами кенгайиб, инсоният тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдид солаётганлиги боис, унга қарши курашнинг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш объектив заруриятга айланди.

Шулардан келиб чиқиб, бу жиноятга қарши курашда, жаҳонда одамга нисбатан қонунга ҳилоф битимни амалга ошириш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш сингари одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш, мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, етказилган зарарни ундириш, жиноят профилактикаси механизмлари, хорижий давлатлар қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатларда жиноят қонунларининг қиёсий таҳлили уларда трансмиллий жиноят ҳисобланган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланганлигининг аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жумладан, Италия одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилинган жабрланувчиларни қабул қилувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қонунчилик тизими анча мукамал бўлиб, у халқаро меъёрларга асосланади.

Флоренция университети билан ҳамкорлик қилаётган “Parsec” ташкилотининг маълумотларига кўра, Италия одам ёлловчилар учун қабул қилувчи мамлакат ҳисобланади. 1997 йилда мамлакатда 19 мингдан 26 мингтагача аёллар эксплуатация қилинганлар. Бундан ташқари, Италия транзит мамлакат вазифасини ҳам бажариб келган[1].

Италия БМТ ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги, “Қуллик тўғрисида”ги, “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танафурушлиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияларни ва бошқа кўпгина халқаро ҳужжатларни ратификация қилган[2].

Одам савдоси учун жиноий жавобгарлик Италиянинг турли қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Хусусан, Италия Республикаси Жазолар тўғрисидаги кодексининг 535, 536 и 537-моддаларида шахсни чет давлатга олиб бориб, мажбурлаш, қўрқитиш ёки алдаш йўли билан уни фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган [3].

1958 йилдаги 75-сонли “Мерлини қонуни” деб номланган ҳужжатга кўра одам савдоси билан шуғулланадиган шахснинг хулқ-атворида алдаш ёки мажбурлаш ҳолатларининг мавжудлиги ёки йўқлиги факти бўйича жиноий жавобгарликка жалб қилишда ҳар қандай чеклаш ман этилади [4]. Бироқ, бу қонун айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, аслида фоҳишабозлик мақсадида амалга ошириладиган ихтиёрий миграцияни тақиқлайди ва одам савдоси ҳамда одам ёлловчиларни тегишли даражада таъқиб этишга олиб келмайди.





Қонунда “одам савдосига хос бўлган умумий жиҳат шунда кўринадик, бунда жабрланувчи ўз хоҳишига кўра, кўчиб юришда эркин бўла олмайди ва шу тариқа у одатда қуллик шароитига тушиб қолади”, деб белгиланади. Қонуннинг 5-моддасида Италия давлати зиммасига одам ёллаш ва одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш мажбурият юкланади. “Муҳожир аёллар савдоси аёлни оғир меҳнат ва қуллик шароитларида бўлишга мажбур қилади ва “маърифатли мамлакат”нинг бирламчи мажбурияти – бундай аёлга ҳимояни таъминлаш ва унинг инсоний шаънини тиклашдан иборатдир” [5].

Қонуннинг мақсади сифатида ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва тезкор чора-тадбирларни қўллаш бўйича давлат марказини ташкил этиш кўрсатилган мажбуриятларни бажариш унинг вазифаларига киради.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қонун анча мукамал бўлиб, унда амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга БМТ Протоколи лойиҳасига киритилган одам савдосини амалга оширувчи шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкни мусодара қилиш ҳамда улардан жабрланганларга компенсация тариқасида фойдаланиш тўғрисидаги қоидаларни амалга ошириш назарда тутилган. Бироқ ушбу қонун айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, у аёлларга мамлакатда вақтинчалик қолиш имкони берилмаган, жабрланувчиларга оид шахсий маълумотларни сир сақлаш бўйича чоралар назарда тутилмайди. Ҳолбуки, бу имкониятлар жабрланувчиларни муҳофаза этишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Таиланд Қироллиги “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция”ни ва бошқа ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган, бироқ “Қуллик тўғрисида”ги ҳамда “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танафурушлиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияларни ратификация қилмаган [6]. Айтиш жоизки, Таиланд Ўзбекистон Республикасидан фоҳишабозлик ва мажбурий меҳнатда эксплуатация қилиш учун ёлловчилар томонидан одамлар олиб чиқиб кетилаётган давлатлар орасида саккизинчи ўринни эгаллайди.

1997 йил ноябрда Таиланд Жазолар тўғрисидаги кодексига одам савдоси ва одам ёллашга алоқадор қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, хусусан 283-модданинг биринчи қисмига кўра “алдаш воситалари, кўрқитиш, ноахлоқий таъсир кўрсатиш ёки ҳар қандай кўринишдаги руҳий мажбурловдан фойдаланиш йўли билан учинчи шахс шахвоний эҳтиёжини қондириш учун қўшмачи ролини бажарган, шахвоний мақсадларда шармандали фойдаланиш учун шахсни бошқа шахсга таклиф қилган ёки етказиб берган шахс жазоланади”.

Моддада, шунингдек мазкур жиноятни содир этганлик учун шахснинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи квалификацияловчи белгилар ҳам назарда тутилган:

– агар мазкур жиноят 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

– агар жиноят 15 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса.

Ушбу кодекснинг 283<sup>2</sup>-моддасига кўра:

15 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган шахсни, ҳаттоки унинг бунга розилиги бўлган тақдирда ҳам, шахвоний мақсадларда шармандали фойдаланиш учун, бошқаларга етказиб берган шахс жазоланади.

Оғирлаштирувчи тавсифловчи белги бўлиб жабрланувчининг 15 ёшга тўлмаганлиги ҳисобланади.

2. Одам савдосининг жабрланувчисига айланган бошқа шахсни яширган шахс ҳам юқорида кўрсатилган тартибда жазоланади.

Бизнинг фикримизча, ушбу қонуннинг камчилиги шундаки, у асосан одам ёллашга қарши қаратилганлиги билан ажралиб туради, ваҳоланки одам савдосида фоҳишабозликка мажбурлаш мақсадларида содир этилиши (“шаҳвоний мақсадларда шармандали фойдаланиш”) инobatга олингани ҳолда ёлловчиларда мақсадлар бутунлай бошқача бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида”ги Протоколининг 3-моддасида кўрсатилган мақсадлар эътиборга олинмаган.

Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг маълумотига кўра, Қўшма Штатларда ҳар йили тахминан эллик минг киши, асосан, аёллар ва болалар одам савдосининг жабрланувчиларига айланмоқдалар [7].

АҚШ одамларни энг кўп қабул қилувчи дунёнинг етакчи давлатларидан бирidir. “Куллик тўғрисида”ги Конвенция ва бошқа мавзуга оид ҳуқуқий ҳужжатлар АҚШ томонидан ратификация қилинган, бироқ “Одамлар савдоси ва учинчи шахсларнинг фоҳишабозликдан фойдаланишини таъқиб қилиш тўғрисида”ги ва “Хотин қизлар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциялар ратификация қилинмаган.

АҚШ Қонунлар тўпламига (18 бўлим) одамлардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ турли ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қатор боблар, хусусан:

110-боб – шаҳвоний эҳтиёжларни қондириш мақсадларида болалардан фойдаланиш ва уларга нисбатан амалга ошириладиган бошқа суиистеъмоликлар (2251-параграф, болалардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш; 2251а-параграф, болаларни сотиш ёки харид қилиш; 2252-параграф, болалардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланишга оид муайян фаолиятни амалга ошириш; 2252а-параграф, болалар порнографиясини яратиш ёки уни намоён этишга дахлдор муайян фаолият; 2260-параграф, шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун болаларни АҚШга олиб кириш бўйича жиноий фаолият) киритилган.

АҚШда 1910 йилдаёқ одам савдосида айбланаётган шахсларни жиноий таъқиб қилиш учун ҳозиргача қўлланиб келинаётган қонун қабул қилинган эди. Мазкур норматив ҳужжат Mann Act (White Slave Act) – Оқ куллик тўғрисидаги қонун номи билан машҳур. Қонун АҚШ Қонунлар тўпламининг 117-бобига 18-бўлим сифатида киритилган. Оқ куллик тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинганидан бери ўтган вақт мобайнида анчагина ўзгарганлиги, табиийки, уни қўллаш амалиёти натижасидир.

Оқ куллик тўғрисидаги Қонун фоҳишабозликка ёки шаҳвоний тусдаги бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга жалб қилиш мақсадида бошқа шахсни давлат ёки штат чегарасидан онгли тарзда олиб ўтган ҳар қандай шахсга нисбатан амал қилади [8]. Фоҳиша мазкур ҳолатда, жиноят жабрланувчиси ҳисобланади ва унинг бу ишга розилиги ҳам айбни енгиллаштирмайди. Бундай қилмиш 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки жарима билан жазоланади [9]. Қонуннинг бошқа қонун ҳужжатларидан фарқланувчи асосий хусусияти шундаки, биринчидан, жиноий тартибда одам савдосининг дастлабки босқичи - одам ёллаш ва ташиш таъқиб қилинади, иккинчидан эса, барча нормаларда муҳим белги сифатида фоҳишабозликка ва шаҳвоний фаолиятга жалб қилиш назарда тутилади. Шундай қилиб, Оқ куллик тўғрисидаги қонунда шаҳвоний соҳага, унга борган сари янгидан янги қурбонлар жалб этилишига қарши курашиш асосий вазифа деб белгиланган.

Трафик тўғрисидаги қонун Оқ куллик тўғрисидаги қонуннинг 18-бўлим 77-бобига ўзгартиришлар киритиш ҳамда куллик шароитида сақлаганлик, кейинчалик кул қилиб сотиш мақсадида ўғирлаганлик, қизиқтирганлик ва куллик ҳолати ёки кулликка ўхшаш



институтлар билан боғлиқ бошқа қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш йўли билан унинг қоидаларини ривожлантиради. У одам савдосини амалга оширувчи шахслар ва ёлловчилари учун 20 йилгача қамоқ жазоси ва қонунни “тегишли модда (1581 (а)-пар., 1583 ва 1584-пар.) билан жазоланадиган бузиш инсон ўлимига олиб келганда, агар бундай бузиш қотилликка суиқасд ёки айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда шахвоний мажбурлаш ёхуд шахвоний мажбурлашга суиқасд қилиш ёки ўғирлаш ёхуд ўғирликка суиқасд қилишдан иборат бўлса”, умрбод қамоқ жазосини белгилашни назарда тутди.

Қонуннинг 18-бўлим 77-боби олтита янги параграф (1589-1594) билан тўлдирилган. 1589-параграф, масалан мажбурий меҳнатга бағишланган бўлиб, шахснинг жисмоний ва юридик мақомига дахлдор муайян тоифадаги суиистеъмолликлар йўли билан меҳнат ёки хизматлардан фойдаланганлик ёхуд меҳнат ёки хизмат улар билан худди шу йўсинда таъминланганлик учун жавобгарликни назарда тутиб, бунда қилмиш “(1) ушбу ёки бошқа шахсга нисбатан жиддий зарар етказиш ёки жисмоний чекловларни қўллаш хавфи остида; (2) агар шахс топширилган ишни бажармаслиги ёки хизматлар кўрсатмаслиги мумкин деб тахмин қилинган вазиятларда ушбу ёки бошқа шахсга нисбатан жиддий зарар етказиш ёки жисмоний чекловларни қўллаш масаласида тегишли хулқ-атвор режаси, чизгиси ёки андозасидан фойдаланиш орқали; (3) меъёрий ёки процессуал ҳужжатлардан қасддан ғаразли мақсадларда фойдаланиш билан қўрқитиш ёки фойдаланиш йўли билан содир қилганда” [10].

1590-параграф жиноий қилмиш сифатида пеонаж [11], қуллик, қул меҳнати, мажбурий меҳнат ёки шунга ўхшаш хизматлардан фойдаланиш мақсадларида амалга ошириладиган одам ёллашни назарда тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозир АҚШда айнан одамлар савдоси жиноятига жалб этилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи кенг қамровли қонун мавжуд эмас. Қўшма Штатларда мавжуд қонунлар АҚШга кириб келаётган ва АҚШдан чиқиб кетаётган одам савдосининг оқимини тўхтатиб қолишга, шунингдек, Қўшма Штатларда одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилишга қодир эмас. Ҳозирги вақтда одамлар савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдо тизимининг алоҳида жиҳатларига оид қонунларни, масалан, тутқунликка солиш, қуллар савдоси, пеонаж, зўрлаш ёки ноқонуний шахвоний соҳадаги иш ёхуд иммиграция қонунларини бузганлик учунгина таъқиб қилинадилар. Қонунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг хос томонлари, бундай савдо тизимининг алоҳида жиҳатлари учун жазо белгиловчи чораларда ўзифодасини топмаганлиги ўз навбатида одам савдоси жиноятида айбдорлиги исботланиб, судланган шахсларга белгиланадиган жавобгарликнинг заифлашувига олиб келади. Шу билан бирга, “одам савдоси жабрланувчиларига соғлиқни сақлаш соҳасида кўмак бериш, уларни турар-жой билан таъминлаш, уларга таълим ва юридик ёрдам бериш билан шуғулланувчи зарур хизматлар мавжуд эмас, бу эса жамиятда одамлар савдоси жабрланувчиларининг таназзулига олиб келиши мумкин” [12], деган фикрдаги тадқиқотчилар нуқтаи назарларига эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабли Қўшма Штатлар ҳукумати ҳозирги кунда, айниқса, ушбу муаммога нисбатан катта эътибор қаратмоқда.

Германия Федератив Республикаси деярли Россиядан ва МДХга кирувчи бошқа мамлакатлардан келаётган одам савдоси жабрланувчилари учун энг асосий манзил нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Одамлар савдоси натижасида Ғарбий Европага олиб кирилатган аёлларнинг 2/3 қисми Германияга олиб ўтилади [13].

Германия Аёлларга қарши камситилишнинг барча шакллари тугатиш бўйича Конвенцияни, Қуллик тўғрисидаги Конвенцияни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган. Германия Демократик Республикаси Одамлар савдосини ва

учинчи шахсларнинг фоҳишабозликдан фойдаланишини таъқиб қилиш тўғрисидаги Конвенцияни биринчилардан бўлиб ратификация қилган [14].

ГФРнинг Жазолар тўғрисидаги кодексида одамлар савдоси ва одамларни эксплуатация қилишга қарши қаратилган қуйидаги нормалар мавжуд.

180 а-модда. Фоҳишабозликка кўмаклашиш

1) Шахс тадбиркор сифатида ўз корхонасида бошқа шахсларнинг фоҳишабозлик билан шуғулланишига йўл қўйганлиги ва ушбу шахсларнинг шахсий ёки иқтисодий жиҳатдан бўйсунтириш муносабатларида бўлганлиги учун 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки пул жаримаси билан жазоланади.

2) Шахс, агар 18 ёшдан кичик бошқа бир шахсга фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун хона берса, худди шу тарзда жазоланади [15].

180 б-модда. Одамлар савдоси

1) Бошқа шахсни тобелик ва фоҳишабозликка мажбурлаш ҳолатига тушириш учун ғараз мақсадларни кўзлаб унга таъсир этган шахс 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки пул жаримаси билан жазоланади. Бошқа шахснинг ноилож аҳволидан фойдаланиб ғараз мақсадларда уни бошқа мамлакатда бўлишига ва фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаган шахс ҳам худди шу зайлда жазоланади [16].

181-модда. Оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган одамлар савдоси

1) Шахс, агар

1. Зўрлаш ёки жисмоний таъсир қўллаш таҳдиди ёхуд алдаш билан бошқа шахсни фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурласа;

2. Шахснинг бегона мамлакатда бўлиши билан боғлиқ ноиложлигидан фойдаланган ҳолда алдаш, зўрлаш ёки жисмоний таъсир қўллаш таҳдиди билан ҳаракатлана туриб уни учинчи шахсга нисбатан шахвоний тусдаги хатти-ҳаракатларни содир этишга ёки ўзига нисбатан учинчи шахс томонидан содир этилган шахвоний тусдаги хатти-ҳаракатларни бажаришга мажбурласа;

3. Шахснинг бегона мамлакатда бўлиши билан боғлиқ ноиложлигидан фойдаланган ҳолда моҳирона ҳаракатланиб уни фоҳишабозликка мажбурласа,

1 йилдан 10 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

181 а-модда. Қўшмачилик

1. Фоҳишабозлик билан шуғуллланаётган шахсдан фойдаланса;

2. Ғараз мақсадларда фоҳишабозлик билан шуғулланаётган шахсни назорат қилса ва унинг фоҳишабозлик билан шуғулланиш жойи, вақти, ҳажми ва бошқа шароитларини белгиласа ёки мунтазам равишда бундай шахснинг фоҳишабозлик машғулотини тўхтатишига йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатларни амалга ошириб келса.

Юқорида келтирилган одамлар савдоси ва одам ёллашга қарши кураш бўйича қонунда ўрнатилган чораларнинг мавжуд бўлишига қарамай, Германиядаги расмий шахслар мамлакат ҳудудида ноқонуний бўлиб турган шахсни ҳибсга олишлари ва депортация қилишлари мумкин.

Россия Федерацияси бугунги кунда – жиной гуруҳлар томонидан одамлар савдосининг халқаро жиной тизимида асосий “етказиб берувчи” мамлакатлардан бири ҳисобланади, бу мамлакатдаги турли жиной гуруҳларнинг фаоллашуви ва кейинги йилларда бутун дунё бўйича халқаро одамлар савдоси жараёнида кам аҳамиятли роль ўйнамайдиган “рус мафияси”нинг фаоллашуви билан узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга, Россия одамлар савдоси оқимлари учун (асосан – Осиёдан Европа йўналишида) транзит мамлакат ва МДХ мамлакатлари, асосан – Украина, шунингдек





Осиё мамлакатлари Вьетнам, Хитой ва Таиланддан келадиган одамлар савдосининг оқимлари учун манзил мамлакат ҳисобланади.

Россия Конституциясига кўра “ҳар ким эркин ва шахсий дахлсиз бўлиш ҳуқуқига эга” ва “ҳеч ким зўрлашга дучор қилиниши мумкин эмас” деган қоидаларни мустаҳкамлайди [17].

Россия Федерацияси Жиноят кодексида вояга етмаган шахсларни ёллаш тўғрисида махсус модда ёки диспозиция йўқ, бироқ ҳар бири одам ёллаш ҳаракатининг қисмларини баён қилувчи Жиноят кодексининг бир неча моддаларини бирлаштирган ҳолда, бу жиноятнинг “терма” квалификациясини ҳосил қилиш мумкин.

120-модда: Инсон аъзолари ёки тўқималарини трансплантация қилиш учун олишга мажбурлаш, яъни жабрланувчини унга нисбатан ҳар қандай жисмоний ёки руҳий зўрликни қўллаш орқали трансплантация учун унинг аъзолари ёки тўқималарини олишга мажбурлаш [18].

126-модда: Одам ўғирлаш, яъни кейинчалик озодликдан маҳрум қилишдан иборат жонли одамни эгаллаб олиш кўринишида яширин ёки ошкора амалга ошириладиган қилмиш [19].

127-модда: Одам ўғирлаш билан боғлиқ бўлмаган ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, яъни ўғирлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсонни шахсий эркинлиги(кўчиб юриш)дан маҳрум қилишдан иборат хатти-ҳаракатлар. Бундай жиноятни содир этиш усули бўлиб жисмоний ёки руҳий зўрлаш ҳисобланади [20].

Вояга етмаганлар савдоси деганда, яъни вояга етмаган шахсни сотиш-харид қилиш ёки вояга етмаган шахсга нисбатан уни бериш ва унга эгалик қилиш шаклидаги бошқа битимларни амалга оширишни тушуниш лозим. Россия Федерациясининг ЖКнинг 152-моддаси айнан вояга етмаганлар савдоси деб номланган бўлиб, вояга етмаганларни сотиш, сотиб олиш ва уларга эгалик қилишнинг бошқа ҳолатларини назарда тутди. Аммо, ушбу моддаларнинг бирортасида ҳам айнан болаларни эксплуатация қилиш жиноятлари назарда тутилмаган.

Украинада ҳам одам савдоси жиноятини бартараф қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида одам савдоси ва одам ёллаш жиноятини бартараф қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, зўрлашнинг барча кўринишларидан ҳимоя қилиш масаласи, жумладан, Украина Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 сентябрдаги 993-сонли қарори билан тасдиқланган Аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган 1997-2000 йилларга мўлжалланган фаолият миллий режасининг таркибий қисми ҳисобланади. 1999 йилнинг 25 сентябрида Украина Вазирлар Маҳкамаси 1768-сонли “Аёллар ва болалар савдосини бартараф қилиш дастури тўғрисида” қарор қабул қилиб, ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни Украина Оила ва ёшлар ишлари бўйича давлат қўмитаси зиммасига юклатди. Ушбу Дастур 35 та банддан иборат бўлиб, уларда Украина ҳудудида одамлар савдоси ва одам ёллаш масаласида олиб бориладиган профилактика ишларининг турли жиҳатлари мужассам этилган [21].

Шубҳасиз, бундай қадамлар ушбу жиноятга қарши курашишда зарур ҳисобланади.

Украина “Аёлларга қарши камситилишнинг барча шакллари тугатиш бўйича” Конвенцияни, “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган, бироқ “Қуллик тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилмаган.

Украина Конституцияси “ҳар бир инсон эркин ва дахлсиз бўлиш ҳуқуқига эга” деган қонидани мустаҳкамлайди [22].

1998 йилга қадар (Украина Жиноят кодексига 124<sup>1</sup>-модда “Одамлар савдоси” қўшимча қилинган) “одамлар савдоси” атамаси қонунчиликда ишлатилмаган. Бу фаолият учун жавобгарлик ЖКнинг 210-моддаси – “Фоҳишахоналар сақлаш ва қўшмачилик қилиш”, 208-моддаси – “Вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш” бўйича вужудга келган. Айрим муаллифлар томонидан Украинада одамлар савдоси ва одам ёллаш муаммосининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот 1998 йилгача амалда бўлган Украина жиноят қонунчилиги (ЖКга 124<sup>1</sup>-модда билан қўшимча киритилгунига қадар) бундай қилмишларнинг анча катта қисми учун жавобгарликни белгилаганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Албатта, бу қонунчилик аёллар ва болалар савдоси ва уларни ёллашга қарши курашишни ҳуқуқий таъминлаш нуқтаи назаридан кенг қамровли ҳисобланади. Шу муносабат билан 1998 йилнинг 24 мартда ва 2001 йил 5 апрелда Украина Жиноят кодексига киритилган қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларга тўхталиш ўринли кўринади. Хусусан, “Фарзандликка олинувчига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни амалга ошириш” деб номланган янги 115<sup>2</sup>-моддага кўра болани фарзандликка олиш, уни ҳомийга ёки фуқаро оиласига тарбия учун бериш масаласида ноқонуний воситачилик фаолиятини ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширганлик учун жиноий жавобгарлик юзага келади [23]. Бу норма ҳозирги кунда кескин тус олиб бораётган болалар савдосини жиноят ҳуқуқий тартибга солиб, ушбу қилмишда воситачи жиноятчиларни таъқиб остига олади.

Мазкур Кодекснинг 124<sup>1</sup>-моддаси асосида (Одамлар савдоси) белгиланганидек, “одамни кейинчалик сотиш ёхуд шахвоний мақсадларда ёки порнобизнесда фойдаланиш, жиноий фаолиятга жалб этиш ёки қарз орқали қарамликка солиш, тижорат мақсадларида фарзандликка олиш, ҳарбий можароларда, мажбурий меҳнатда фойдаланиш учун ҳақ эвазига бошқача тарзда бериш мақсадида, одамни унинг розилиги билан ёки розилигисиз Украина давлат қонуний йўл билан ёки ғайриқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ошкора ёки махфий эгаллаб олиш” жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Ана шу хилдаги жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи малакалани белгилари ҳам қайд этилган бўлиб, булар: ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсга, бир неча шахсларга нисбатан содир этилса, такроран, гуруҳ томонидан олдиндан тил бириктирилган ҳолда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки жабрланувчи моддий ёки бошқа бирон-бир тарзда қарам бўлган шахс томонидан ёки ўша ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан содир қилинса, ёхуд болаларни ноқонуний тарзда чет элга олиб чиқиш ёки уларни ноқонуний тарзда Украинага олиб кириш ёки трансплантация учун жабрланувчининг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш мақсадида ёхуд мажбурий донорлик билан боғлиқ содир этилса деган белгилардан иборат.

Қирғизистон Республикасида ҳам 2005 йилнинг 4 январидида “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни, одам савдосига қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тартибини белгилайди, одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар тизимини ўрнатади.

Мазкур Қонуннинг 1-моддаси одам ёллашни “бирон-бир ишларни бажариш, муайян фаолиятни, шу жумладан, ҳуқуққа зид фаолиятни амалга оширишга жалб қилиш, бирон-бир ташкилот, шу жумладан, фаолият юритиши қонун билан тақиқланган ташкилот таркибига қўшиш мақсадида шахсларни ёллаш, қабул қилиш” [24] сифатида белгилайди. Бундан ташқари, Қонунда одам савдоси ва одам ёллашга қарши туриш





бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, булар сирасига хусусан қуйидагилар киради: инсон ва фуқаро эркинлиги, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг устуворлиги; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасидаги фаолиятни ижтимоий, миграцияга оид ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасида Қирғизистон Республикаси қонунчилигининг бажарилиши устидан мустақил ва таъсирчан назорат ва контролни амалга ошириш; одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича самарали механизмни шакллантириш ва амалга ошириш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш; одам савдосидан жабрланган шахсларга бепул тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш; одам савдоси бўйича ҳар бир аризани пухта ҳисобга олиш ва унинг юзасидан тергов олиб боришнинг мажбурийлиги, шу асосда унинг сабабларини бартараф этувчи чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, бу ҳақда аҳолини хабардор қилиш; одам савдосидан жабрланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш, миграция органлари ва бошқа тегишли органларда мутахассисларни тайёрлаш; ноҳукумат ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш [24].

Қирғизистон Республикасининг “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ одам савдосидан жабр кўрганларнинг вақтинча яшашлари учун бошпана кўринишида махсус муассасаларни ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш назарда тутилади. Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 124-моддасида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, бу давлатда ҳам айнан одам савдоси жинояти учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Қирғизистон Республикасида, шунингдек, одам савдосига қарши кураш доирасида Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузурида Одамлар савдоси ва одамларни ноқонуний олиб чиқиб кетишга қарши кураш олиб бориш бўйича Миллий Кенгаш ташкил этилганлигини таъкидлаш зарур [25]. Шу ўринда Қирғизистон томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, айниқса одам савдоси, уларни эксплуатацияси, қуллик меҳнатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ўринли деб ҳисоблаймиз.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор давлатларнинг жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи норма билан бирга, болалар савдоси учун жавобгарликни белгиловчи нормалар ҳам мавжуд бўлиб, алоҳида моддада келтирилган. Мисол учун, Азәрбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасида (“Вояга етмаганлар савдоси”), Грузия ЖКнинг 172-моддасида (“Вояга етмаганлар савдоси”), Испания Жиноят кодексининг 222-моддасида, Козоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 133-моддасида (“Вояга етмаганлар савдоси”), Молдовия Республикаси ЖКнинг 206-моддасида (“Болалар савдоси”), Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 18-бўлими, 236-моддасида (“Болалар савдоси”), Эстония Республикаси Жиноят кодексининг 123<sup>1</sup>-моддасида (Болани олиш-сотиш) болалар савдоси учун жавобгарлик белгиланган. Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги илғор амалиётларни

мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этиш зарурияти ҳам болалар савдоси учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни мустақил норма сифатида алоҳида моддада шакллантирилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, одам савдосини фош этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарлигига доир нормаларни халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабига янада мувофиқлаштириш лозим.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси (2000 йил 15 ноябрдаги) 26-моддасида, зарур ҳолларда, ушбу конвенцияда қамраб олинган бирор жиноятни тергов қилиш ёки жиноий таъқиб этишда жиддий ҳамкорлик қилган айбланувчининг жазосини енгиллаштириш белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатларнинг аксарияти қонунчилиги халқаро стандартлар ва принципларни ўзининг қонун ҳужжатларига киритган бўлиб, одам савдосига қарши курашда самарали ташкил этишга имкон яратади. Бироқ, баъзан миллий миқёсда амалга оширилган фаол чоралар одам савдосининг бошқа ҳудудларга кўчиб ўтишига олиб келиши мумкин. Шу боис, хорижий тажрибадан фойдаланишда ҳар жиҳатдан мулоҳаза қилиб, сўнг қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Kodeks o nakazaniikh Ital'ianskoi Respubliki. Vyderzhki [Penal Code of the Italian Republic. excerpts]. The fight against human trafficking and the prospects for the modern development of Russia. Information biuletin, 2003, no. 3, p. 66.
2. Shamkov S.V. Sovershenstvovanie zakonodatel'stva po protivodeisviu torgovle liud'mi [Improvement of anti-trafficking legislation]. 2002, pp. 4-5.
3. Kodeks o nakazaniikh Ital'ianskoi Respubliki [Penal Code of the Italian Republic]. St. Petersburg, Legal Center Press, 2002, p. 380.
4. Italian Parliamentary Proceedings. Chamber of Deputies. 13<sup>th</sup> Legislature. Annex B to the Reports. Session of May 14, 1997, p. 5.
5. The problem of human smuggling: tasks of the OSCE. OSCE Review Conference. BDIP, Abstracts of reports, 1999, paras. w-sh.1999, pp. 6-7.
6. Orlovskaya N.A. Torgovlia liud'mi kak transnatsional'naia problema [Human trafficking as a transnational problem]. Available at: <http://newasp.onis.kred.ru/>.
7. Orlovskaya N.A. Torgovlia liud'mi kak transnatsional'naia problema [Human trafficking as a transnational problem]. Available at: <http://newasp.onis.kred.ru/>.
8. Kherman P. Novoe rabstvo [New slavery]. Independent information and analytics from the USA, 2000. Available at: [www.info.washprofile.org/](http://www.info.washprofile.org/).
9. Ugolovnoe i immigratsionnoe zakonodatel'stvo SShA sovremennogo varvarstva i rabstva, torgovli zhenshchinami v tseliakh seksual'noi i inoi ekspluatatsii i dlia zashchity ot drugikh form nasiliia [Ugolovnoe i immigratsionnoe zakonodatel'stvo SShA sovremennogo varvarstva i rabstva, torgovli zhenshchinami v tseliakh seksual'noi i inoi ekspluatatsii i dlia zashchity ot drugikh form nasiliia]. 2005. Available at: [www.crime.vi.ru/](http://www.crime.vi.ru/).
10. Mironova Ia.A. Voprosy i problemy, svyazannye s transgranichnoi torgovlei liud'mi [Issues and problems related to cross-border human trafficking]. 2006. Available at: [www.crime.vi.ru/](http://www.crime.vi.ru/).
11. Peonaj-bu xo'jayinning kuchli tazyiqi bilan belgilanuvchi tobelikka xos bo'lgan shaxsdan foydalanish shaklidir [Peonage is a form of subordination that is characterized by a strong pressure from the boss]. Bolshoy yuridicheskiy slovar. under red. A.Ya. Suxareva., V.E. Krutskix. Moscow, INFRA-M, 2000, p. 66.



12. Shamkov S.V. Sovershenstvovanie zakonodatel'stva po protivodeistviu torgovle liud'mi [Improvement of anti-trafficking legislation]. Vladivostok, 2002, pp. 2-3. Available at: [www.crime.vi.ru/](http://www.crime.vi.ru/).

13. Turov A. Mir nesvobody [Peace of innocence]. Moscow, 2003 no. 5, pp. 76-77.

14. Abramiuk L. Bor'ba s torgovlei zhenshchinami v Respublike Belarus' [Combating trafficking in women in the Republic of Belarus]. Legislation of Belarus and the countries of the European Union in the field of combating trafficking in women. International Conf. Abstracts of reports, 2006, November 4-5, Minsk, 2006, pp. 10-11.

15. Uголовnyi kodeks Federativnoi Respubliki Germanii [Criminal Code of the Federal Republic of Germany]. Moscow, Zertsalo, 2001, pp. 112-113.

16. Uголовnyi kodeks Federativnoi Respubliki Germanii [Criminal Code of the Federal Republic of Germany]. St. Petersburg, Legal Center Press, 2002, p. 380.

17. Konstitutsii gosudarstv-uchastnikov SNG [Constitutions of the CIS member states]. Moscow, Norma, 1999, p. 445.

18. Kommentarii k Uголовnomu kodeksu Rossiiskoi Federatsii [Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation]. Rep. ed. IN AND. Radchenko; scientific ed. A.S. Mikhilin. Moscow, Spartak, 2000, p. 259.

19. Uголовnyi kodeks Rossiiskoi Federatsii [Criminal Code of the Russian Federation]. Moscow, Norma–Infra, 2001, p. 51.

20. Uголовnyi kodeks Rossiiskoi Federatsii [Criminal Code of the Russian Federation]. Moscow, Norma–Infra, 2001, p. 52-53.

21. Savona E.U. Organizatsionnye ramki Evropeiskoi prestupnosti v protsesse globalizatsii [Organizational framework of European crime in the process of globalization]. Tokyo, Japan. 108 International Seminar on Problems of Combating Organized Crime. February 27, 1998. Available at: <http://www.jus.unitn.it/transcrime/papers/wp20.html/>.

22. Konstitutsii gosudarstv-uchastnikov SNG [Constitutions of the CIS member states]. Moscow, Norma, 1999, p. 664.

23. Uголовnyi kodeks Ukrainy [Criminal Code of Ukraine]. St. Petersburg, Legal Center Press, 2001, pp. 132-133.

24. Article 1 of the Law of the Kyrgyz Republic "On Prevention and Combating Trafficking in Human Beings" of January 4, 2005. Available at: <http://adviser.kg/>.

25. Kholshchevnikova T.V. Formirovanie zakonodatel'stva Rossiiskoi Federatsii o protivodeistvii torgovle liud'mi [Formation of the legislation of the Russian Federation on combating human trafficking]. Trafficking prevention: legislative and legal aspects. Russian and international experience, 2006, pp. 24-25.

# КРИМИНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

**Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга  
қарши курашиш” кафедраси профессори,  
юридик фанлар доктори

**Аннотация.** Мазкур мақолада криминология фанининг долзарб вазифаларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек мақолада, ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг барвақт олдини олиш, хулқ-атвори жиноят содир этишига ёки жабрланишга мойил шахсларнинг хулқини тузатиш, жиноятларнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш масалалари криминология фанининг долзарб вазифалари эканлиги қайд этилган.

**Калит сўзлар:** криминология, фан, ҳуқуқбузарлик, жиноят, барвақт, олдини олиш, вазифалар, субъектлар, сабаб, шарт-шароит.

## АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ ПРЕДМЕТА КРИМИНОЛОГИИ

**Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна,**  
доктор юридических наук,  
профессор кафедры «Уголовное право, криминология  
и противодействие коррупции»  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены актуальные задачи предмета криминологии. В статье также отмечается, что предупреждение правонарушений (преступлений), коррекция поведения лиц, склонных к совершению преступления или потерпевшего, выявление причин совершения преступлений, условий, допускающих это, и их устранение являются важными задачами криминологии.

**Ключевые слова:** криминология, наука, правонарушение, преступление, ранее предупреждение, задачи, субъекты, причина, состояние.

## CURRENT TASKS OF THE SUBJECT OF CRIMINOLOGY

**Abdurasulova Kumriniso Raimkulovna,**  
Doctor of Law,  
Professor of the Department of Criminal Law, Criminology  
and combating corruption,  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article discusses the actual tasks of the subject of criminology. The article also notes that the prevention of offenses (crimes), the correction of the behavior of persons



*prone to committing a crime or the victim, identifying the causes of the commission of crimes, the conditions that allow this, and their elimination are important tasks of criminology.*

**Keywords:** *criminology, science, offense, crime, early warning, tasks, subjects, cause, condition.*

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-атвори жиноят содир этишга ёки жабрланишга мойил шахсларнинг ҳуққини тузатиш, жиноятларнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ва қатор фармонлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантиришнинг мутлақо янги механизмлари белгилаб берилди.

Юқоридаги ҳужжатларда қўйилган вазифаларни бажариш, ҳал этишда кримнология фанининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бошқа ҳуқуқий фанларга нисбатан “ёш” бўлса-да, у ижтимоий ҳуқуқий фан сифатида ҳам ижтимоий, ҳам ҳуқуқий фанлар билан алоқадорликда ижтимоий салбий ҳодиса – жиноятчилик, унинг алоҳида турлари, муайян жиноятнинг мавжуд бўлиши, содир этилиши ва ўсишининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш (зарарсизлантириш) ва ҳамда улар билан жиноятчиликка қарши курашиш амалиётини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Бу эса, жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш орқали жиноятчилик даражасини имкон қадар энг кичик миқдоргача камайтиришга қаратилган билимларни яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этишни назарда тутди.

Олимлар кримнологиянинг вазифаларини бир нечта гуруҳларга ажратадилар. Хусусан, А.И. Долгова кримнологиянинг асосий вазифалари сифатида:

1) жиноятчиликнинг профилактикасини янада жадаллаштириш мақсадида кримнологик ҳодисаларни илмий тушунтириш ва прогноз қилиш;

2) мавжуд концепциялар ва ишланма(ғоя)ларни реал таҳлил қилиш, улардаги эътиборли жиҳатларни сақлаб қолиш, шунингдек, қотиб қолган ва ҳақиқатга зид ҳолатлардан воз кечиш; жиноятчилик ва унинг тенденцияларини дарҳол шакллантириш; криминоген детерминантлар тизимини тўлиқ аниқлаш;

3) кримнологик билимларни амалиётга татбиқ этиш – кримнологик нуқтаи назардан асосланган ва жиноятчиликдаги ўзгаришларга таъсирдан келиб чиқиб норматив актларни экспертизадан ўтказиш, илмий асосланган тавсияларини жиноятчиликка қарши курашиш амалиётига жорий этиш;

4) жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш;

5) жиноятларнинг ўта хавфли турлари (иқтисодий жиноятчилик, вояга етмаганлар жиноятчилиги, зўрлик ишлатиб содир этилган оғир жиноятлар, уюшган жиноятчилик, терроризм, коррупция)ни ўрганиш ва уларга қарши курашишнинг самарали чораларини ишлаб чиқишни кўрсатган.



В.Е. Эминов криминологиянинг вазифаларини қуйидаги гуруҳларга ажратган:

1) ўрганиш вазифаси (жиноятчиликнинг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг қонуниятларини, жиноятчи шахси ва турли жиноятларнинг содир этилиши “механизм”ларини, ижтимоий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясини ўрганиш);

2) прогноз қилиш;

3) давлат органлари ва жамоат ташкилотлари учун криминологларнинг тавсиялари ўзгараётган ижтимоий ва техник ҳаётий шарт-шароитларни, жиноятчиликнинг олдини олиш субъектларнинг фаолияти бўйича кундалик амалиётига жорий этиш;

4) аҳолини хабардор қилиш (билимини ошириш).

Н.Ф. Кузнецова криминология фанининг предмети ва табиатдаги келиб чиқиб, унинг қуйидаги вазифаларини кўрсатган:

1) таҳлилий (жиноятчиликни, унинг умумий ҳолати ва жиноятлар турлари, жиноятчи шахси, жиноятчиликнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни, олдини олшининг тизими ва самарадорлигини тадқиқ этиш);

2) прогноз қилиш (криминологик ҳодисаларининг ривожланиши эҳтимоли ҳақидаги фикрлар билдириш);

3) амалий (криминологик тавсияларни қонун ижодкорлиги ва уни қўллаш амалиёти татбиқ этиш);

4) ҳалқаро (БМТ, Интерпол ва бошқа ташкилотлар йўналишида жиноятчиликка қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш).

Юқорида кўрсатилган криминология фанининг вазифаларини тизимлаштириш асосида жамият ривожининг ҳозирги босқичида унинг қуйидаги вазифаларини қайд этиш лозим деб ўйлаймиз:

а) жиноятчилик ҳақидаги билимларни бойитиш учун у ҳақидаги объектив ва ҳақиқий ҳажми (ҳолати), бунда ўтмишдаги ва ҳозирги вақтдаги жиноятчилик динамикаси, даражаси, тузилишга оид билимларга эга бўлиш;

б) жиноятчилик турларига қарши курашишни дифференциация қилиш учун уларни криминологик тадқиқ этиш;

в) жиноятчилик сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва илмий нуқтаи назардан ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

г) жиноятчи шахсини ва муайян жиноятнинг содир этилиш мезанизминини ўрганиш, турли жиноятларни классификациялаш ва жиноятчи шахсларни типларга ажратиш;

д) жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг воситалари ва йўналишларини аниқлаш;

е) муайян ҳудудлардаги жиноятчиликка илмий диагноз қўйиш;

ж) ҳалқаро ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ютуқларидан фойдаланиш.

Ҳар қандай фан сингари криминология ҳам амалиётни аниқ тавсиялар, қулай ахборотлар билан таъминланишига хизмат қилади.

Бу борада асосий эътибор юқори малакали, билимдон ва ўз ишини севадиган, жиноятлар ва жиноятчи шахсига дифференциация нуқтаи назаридан ёндашадиган кадрларни тайёрлаш, шунингдек, олдини олиш чораларига қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.





Шулардан келиб чиқиб, криминология фани қуйидаги вазифаларни:

- жамиятда жиноятчилик, унинг алоҳида турлари, муайян жиноят мавжуд бўлиши, содир этилиши ва ўсиб боришининг сабаблари ва уни бартараф этиш бўйича зарур илмий хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқади;
- жиноятчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб, чуқур илмий хулосаларга таянган ҳолда, жиноятлар профилактикасининг самарадорлигини янада ошириш бўйича зарур тавсиялар беради;
- жиноятчиликка қарши кураш амалиётини жиноятлар профилактикасининг самарадорлигини янада ошириш бўйича зарур тавсиялар билан таъминлайди;
- хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиб, уни жиноятлар профилактикасида қўллаш бўйича тавсиялар беради;
- жиноятчиликни прогноз қилиш ва жиноятчиликка қарши курашишни режалаштиради;
- махсус илмий методлар ёрдамида криминологияга таалуқли ходисаларни ўрганади, уларга доир мавжуд билимларни бугунги кун жиноятчиликка қарши курашиш назарияси ва амалиётининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб янгилайди;
- жиноятлар профилактикасини такомиллаштиришга доир илмий-амалий тадқиқотларни ташкил этади ва ўтказди.

Мухтасар қилиб айтганда, криминология фанининг асосий вазифаси криминологик ижтимоий ҳодисаларга доир мавжуд билимларни бугунги кун жиноятчиликка қарши курашиш назарияси ва амалиётининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб янгилаш, мавжуд муаммоларни назарий ва методологик жиҳатдан асосланган ечимларини ва жиноятлар профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш ҳисобланади.

Ушбу оғир, шарафли вазифаларни бажаришда криминология ўзининг илмий асосланган тавсияларни яратади. Мазкур тавсиялар эса, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда зарур манба ҳисобланади.

Шуни унутмаслик зарурки, криминология фани жиноятларнинг профилактикасига доир самарали илмий-назарий ва амалий тавсияларни яратмоғи жуда муҳим. Чунки ҳар қандай фан сингари криминология ҳам илмий-назарий жиҳатдан бойитилиб борилмаса, жиноятчиликка қарши курашишда зарур вазифаларни бажара олишга қодир фан сифатида ривожлана олмайди. Бу борада назария амалиётнинг кўзи эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Криминология фанининг жиноятчиликка қарши курашиш амалиётидаги аҳамияти ошиб борапти. Унинг илмий тавсиялари асосида ишлаб чиқилган илғор тажрибалар жиноятчиликка қарши кураш борасида муҳим қарорларга келиш имкони яратилмоқда. Хусусан, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳудудлардаги жиноятларни ўрганиш методикаси, ҳудудлардан жиноятчиликни прогноз қилиш бўйича қатор методик қўлланмалар яратилди.

Криминология фани ўзининг вазифаларини қуйидаги асосий функциялари орқали амалга оширади:

1) *йиғиш функцияси* – тадқиқотлар олиб бориш орқали жиноятчилик билан боғлиқ у ёки бу жараённинг қандай кечаётганлиги ва қандай рўй бераётганлиги хусусида зарур криминологик ахборотларни йиғишни назарда тутди;

2) *таърифлаш функцияси* – олинган эмперик ахборотларни таҳлил қилиш, гуруҳларга ажратиш ва умумлаштириш асосида криминология предметига кирувчи

жараёнларни ёритишни назарда тутати. Бунда у ёки бу ҳолатнинг қандай рўй берганлиги очиб берилади ва мавжуд воқелик хусусида тўпланган маълумотлар назарий жиҳатдан маълум бир тартибда ўрганилади. Шунингдек, криминалогик воқеликка дахлдор ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш асосида ўзига хос тушунчалар ва назарий концепциялар яратилади;

3) *прогноз қилиш функцияси* – бунда у ёки бу жараённинг қандай кечиши ва шу асосида келгусида юзага келадиган оқибатлар, умуман олганда, ўрганилаётган жараённинг қай тарзда ривожланиши мумкинлиги олдиндан илмий башорат қилинади. Криминалогия криминалогик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ва жараёнлар йўналишини, келажакдаги ўзгаришларини ўрганиб, уларнинг кейинги аҳволини ва йўналишини прогноз қилади.

4) *аҳолини хабардор қилиш функцияси* – ҳозирги вақтда жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти жиноятчиликни назарий жиҳатдан тубдан ўрганиш вазифасини янада қатъий қилиб қўймоқда. Умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари асосий ўринга қўйилаётган, ҳозирги вақтда тўсиқ бўлаётган салбий ҳодисаларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, бу ҳодисаларда келажакда қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини прогноз қилиб, жиноятчиликка қарши курашнинг самарали чораларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Криминалогия фанининг асосий вазифалари самарали бажарилишини таъминлаш учун қуйидагилар тақлиф этилади:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ихтисослаштирилган статистика хисоботларидан криминалогик илмий тадқиқотларни олиб боришда самарали фойдаланиш механизмини яратиш, жумладан ИИБ Академияси ва Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида жиноятчиликка доир статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи Илмий Марказ ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

2) криминалогиянинг долзарб муаммолари бўйича самарали илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва амалга ошириш, бу борадаги илғор ҳалқаро тажрибани ва чет мамлакатлар амалиётини ҳисобга олиш;

3) жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усуллари тўғрисида электрон (публицистик, юридик, илмий-оммабоп) адабиётларни тарқатишни жадаллаштириш. Жумладан ИИБ Академияси ва Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида Интернет тармоғида “Криминалогиянинг долзарб масалалари” номли халқаро илмий-амалий электрон журнални ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу: бир томондан, мамлакатимиз илм-фани, хусусан криминалогия фани ютуқларининг халқаро миқёсда эътироф этилишига хизмат қилса, бошқа томондан эса, тадқиқотчиларга ўз илмий мақола (тезис)ларини нашр эттиришларида қулайликлар яратадую

Ўйлаймизки, юқорида таъкидлаган тақлиф, тавсия ва хулосаларнинг амалиётда ўз ифодасини топиши бу борадаги муаммоларини ҳал этишда ижобий натижаларга эришишни таъминлайди.

## REFERENCES

1. Available at: <https://lex.uz/docs/3141186/>.
2. Available at: <https://lex.uz/docs/3556832/>.



3. Available at: [http://stavf.krdu.mvd.ru/upload/site122/document\\_file/Lekciya\\_1\(21\).pdf/](http://stavf.krdu.mvd.ru/upload/site122/document_file/Lekciya_1(21).pdf/).
4. Available at: <http://ebooks.grsu.by/criminal/9-zadachi-kriminologii-na-sovremennom-etape.htm/>.
5. Available at: [http://urss.ru/PDF/add\\_ru/159482-1.pdf/](http://urss.ru/PDF/add_ru/159482-1.pdf/)краткий курс лекций/.

# ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ПРИНЦИПИ

**Камалова Дилдора Гайратовна,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноий одил судлов факультети декани,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Аннотация.** Мазкур мақолада жиноят ҳуқуқидаги устувор ғоя – жиноят кодекси принциплари ва уларнинг тамом бўлмаган жиноятлардаги ифодаси таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан жиноий жазоларни тайинлаш принциплари, уларнинг умумий ва махсус турлари, жиноят-ҳуқуқий аҳамияти ва бу борадаги илмий-назарий қарашлар баён этилган. Шунингдек, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазони индивидуаллаштириш мезонлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тамом бўлмаган жиноят, жиноий жазоларни тайинлаш принциплари, қонунийлик принципи, одиллик принципи, индивидуаллаштириш принципи, тенг ҳуқуқлилик, рағбатлантирувчи нормаларнинг қўлланилиши, жиноятни охирига етказмаслик сабаблари

## ПРИНЦИП ИНДИВИДУАЛИЗАЦИИ В НАКАЗАНИЯХ ЗА НЕОКОНЧЕННЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

**Камалова Дилдора Гайратовна,**  
доктор философских наук (PhD) по юридическим наукам, доцент,  
декан факультета уголовного правосудия  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье анализируется приоритетная тема в уголовном праве – принципы УК и их выражение в неоконченных преступлениях. Автор описывает принципы назначения уголовных наказаний, их общие и специальные виды, уголовное значение и научно-теоретические взгляды на этот счет. Также рассмотрены критерии индивидуализации наказания за неоконченные преступления.

**Ключевые слова:** неоконченное преступление, принципы назначения уголовных наказаний, принцип законности, принцип справедливости, принцип индивидуализации, равенство, применение побудительных норм, причины недоведения преступления.

## PRINCIPLE OF INDIVIDUALIZATION IN PUNISHMENT OF UNFINISHED CRIMES

**Kamalova Dildora Gayratovna,**  
Tashkent State University of Law  
Dean of the Faculty of Criminal Justice, Associate Professor, PhD

**Abstract.** This article devoted to elaborating the main principle of Criminal Law – the principle's role in relation with inchoate crime. Author illuminates the principle of sentencing, their types



– *general and special, their characteristics and theoretical foundations. It also concerned with individualisation of punishment for inchoate crimes.*

**Key words:** *inchoate offence, the principles of sentencing, the principle of legality, the principle of justice, the principle of individualization, equality, the use of incentive norms, the reasons for not completing a crime.*

Жазони индивидуаллаштириш жиноят-ҳуқуқий принциплар ва жиноий жазо тайинлаш қоидалари асосида амалга оширилади.

Аввало жиноий жазоларни тайинлаш принципларига асосан иккита муҳим устувор тамойилни киритиш мақсадга мувофиқ: а) жазоларни индивидуаллаштириш принципи; б) жавобгарлик ва жазоларни дифференциациялаш принциплари [2, 106-б.]. А.М. Мифтахановнинг фикрича, жазоларни индивидуаллаштириш жиноят қонунчилиги принциплари, вазифалари, жазонинг мақсади ва бошқа муҳим қоидалари билан узвий боғлиқ ҳисобланади [7, 38-б.]

С.А. Велиевнинг фикрича, жазони тайинлаш принциплари деганда, суд томонидан ҳар бир ҳолатда эътиборга олинadиган объектив жиҳатдан зарур бўлган устувор ғоялар ҳисобланади. Жиноят қонунида жазони тайинлаш принциплари атамаси мавжуд эмас. Бироқ, жазо тайинлаш фаолияти таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жазо тайинлаш принциплари бу айнан жиноят қонунининг принципларидан бири ҳисобланади, модомики, суд жазо тайинлашда айнан шу принципларга таяниши зарурдир [2, 335-б.].

В.Н. Воронин томонидан жазо тайинлаш принциплари қуйидагича таърифланган. “Жазо тайинлаш принциплари соҳалараро устувор қоидалар бўлиб, қонунда белгиланган ёки жиноят-ҳуқуқий нормалар жамланмасидан ташкил топган жиноят ҳуқуқи принципларига асосланади ва жиноий жазони тайинлаш қоидаларини тартибга солиб, зарур ва етарли жазо чорасини аниқлаш, жазодан кўзланган мақадга эришишга қаратилган бўлади”. Олимнинг нуқтаи назарига кўра, амалдаги жиноят қонунчилигида 20 дан ортиқ жазо тайинлаш принциплари назарда тутилган: қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик, жазо (жиноий жавобгарлик) ни индивидуаллаштириш, жазонинг муқаррарлиги, жазо чораси (жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси)нинг иқтисодиёти, жазонинг мақсадга мувофиқлиги, жиноий жавобгарликни дифференциациялаш, жазонинг асослилиги, айб (айбдорлик)нинг асослилиги, тенг ҳуқуқлилиги, жазо тайинлашда посткриминал хулқ-атворнинг рағбатлантирилиши, судьяларнинг ҳуқуқий онги, жазога сазоворлик, шахсий жавобгарлик, ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинланиши, жиноий фаолиятни давом эттиришдан воз кечган ҳолларда жазо тайинлашда рағбатлантирилиши, жазонинг самарадорлиги, жиноий жазо чорасининг тўғри рационал қўлланилиши ва мақсадлилиги. Аммо муаллиф фикрига кўра, уларнинг барчаси ҳам жиноят-ҳуқуқий принциплар тоифасига кирмайди ва жазо тайинлаш принциплари ҳисобланмайди, масалан, судьяларнинг ҳуқуқий онги, жазонинг асослилиги ва демократизм жиноят-процессуал хусусиятдаги принциплар ҳисобланади. Бундан ташқари, шахсий жавобгарлик принципи ва жиноий жавобгарлик дифференциацияси принципи жиноий жавобгарлик институтининг асосий қоидалари тоифасига киради [3, 22-б.].

Жазо тайинлаш принциплари таҳлили асосида муаллиф юқорида номлари қайд этилган 20 та принципдан фақат учтасини жазо тайинлаш принциплари



тоифасига киритган: қонунийлик принципи, одиллик принципи, жиноий жазоларни индивидуаллаштириш принципи [3, 20-21-б.].

Судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир. Шунинг учун жиноятлар учун жазо тайинлашда жазо тайинлаш принциплари ва уларнинг амалда татбиқ этилиши алоҳида аҳамиятли. Жазо тайинлаш принциплари жиноят ҳуқуқининг ҳар бир институти ва айниқса тугалланмаган жиноятлар учун муҳим ҳисобланади. Сабаби, шахснинг қилмиши охирига етказилмаган ва кўзланган жиноий натижа юз бермаганлигига қарамасдан, содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш жазо сазовор хатти-ҳаракат сифатида белгиланган. Жумладан, ЖК 14-моддаси 2-қисмида ижтимоий хавfli қилмиш деганда, жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган, балки зарар етказишнинг реал хавфини юзага келтирадиган қилмиш тушунилиши белгиланган. Шу билан бир қаторда, тугалланмаган жиноятларда жиноий оқибат юз бермаганлиги унинг ижтимоий хавfliлик хусусиятини бир мунча пасайтиради ва ўз навбатида бу ҳолат жиноят содир қилишнинг ҳуқуқий оқибати – жазо чорасида ифодаланиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг қуйидаги принципларини ажратиш ўринли. Уларда умумий жазо тайинлаш принципларидан фарқланади ва айнан шу асосга кўра тамом бўлган жиноятлар учун жазо тайинлашда ажралиб туради. Мазкур принципларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: умумий жазо тайинлаш принциплари ва махсус жазо тайинлаш принциплари.

Умумий жазо тайинлаш принципларига **қонунийлик принципи ва одиллик принциплари** киради.

*Тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда қонунийлик принципи* деганда, Ўзбекистон Республикаси ЖК айнан 43-моддасида назарда тутилган жазоларнинг тайинланиши, суд томонидан мазкур моддада назарда тутилмаган бошқа жазоларни тайинлаш ёки жазо қўллаш тартибига ўзгартириш киритиш ваколатига эга эмаслиги назарда тутилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 58-моддаси тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш масаласига бағишланган бўлиб, мазкур норма назарда тутилган қоидалар қўлланилиши мажбурий, императив хусусиятдаги норма ҳисобланади. Қонунийлик принципи кафолатининг навбатдаги функционал элементи жазо чорасининг миқдор кўрсаткичларидир. Яъни қонундаги жазо миқдори ва муддатлари чегараларининг қатъийлиги бўлиб, ЖК Умумий қисм моддаларида белгиланган ҳар бир жазо чорасининг минимал ва максимал муддати ёки миқдорининг белгиланганлиги ҳамда Махсус қисм тегишли санкцияларида назарда тутилган миқдор ёки муддатларга амал қилишнинг мажбурийлиги билан ифодаланади.

Бундан ташқари, суд томонидан жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига амал қилиниши билан бирга, жазо тайинлашнинг махсус қоидаларига риоя қилиниши зарур (тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш (ЖК 58-модда), иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлаш (ЖК 58-модда), бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш (ЖК 59-модда), бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш (ЖК 60-модда) ва ҳ.к.)

Қайд этиш керакки, жиноят ҳуқуқи назариясида жазони индивидуаллаштириш ва жазо тайинлашда одиллик принциплари ўртасидаги тафовут ва фарқлар хусусида яқдил ёндашув мавжуд эмас. Айрим муаллифлар индивидуаллаштириш принципини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси ва хусусияти, айбдор шахси,



енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг эътиборга олиниши ҳамда жиноят содир этган шахсга жазонинг муқаррарлиги принциpidан келиб чиққан ҳолда одилона жазо тайинлаш сифатида изоҳлаган [3, 19-б.].

Одиллик принципи ижтимоий адолатни тиклаш мақсадини кўзлайди, жамоатчиликнинг муносабати ва тайинланган жазога нисбатан жабрланувчининг фикрини аниқлашга қаратилган бўлади. Жазони индивидуаллаштириш принциpidа асосан айбдорнинг шахсини тавсифловчи мезонлар инобатга олинади ҳамда айбдорни қайта тарбиялаш ва индивидуал (хусусий) превенция мақсадларини кўзлашга қаратилган бўлади.

**Махсус жазо тайинлаш принципларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- *тенг ҳуқуқлилик*, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг хатти-ҳаракати жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нафақат зарар етказган, ҳатто зарар етказиш хавфи остида қолган ҳолларда жазога сазовор қилмиш сифатида баҳоланади;

- *жазоларни индивидуаллаштириш* тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноятнинг оғир енгиллиги, жиноятни охирига етказилмаслик сабаблари инобатга олинади ва жазо тайинлашда индивидуал ёндашилади;

- *жиноий фаолиятни давом эттиришдан возкечгандарағбатлантирувчинормаларнинг қўлланилиши*, яъни жиноят шахсга боғлиқ бўлган ҳолларда охирига етказилмаган ва шунга қарамасдан жиноий оқибат юз берган ҳолларда рағбатлантирувчи нормалар қўлланилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, жазо тайинлашнинг умумий асослари ва жазо тайинлаш принциплари тушунчалари ўзаро фарқли тушунчалар ҳисобланади. “Принциплар ва жазо тайинлашнинг умумий асослари ўзаро боғлиқ ва шу билан бирга жиноят ҳуқуқининг мустақил категориялари ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи принциплари асосий, муҳим, раҳбарий ғоялардир. Умумий қоидалар жиноят қонуни принциплари асосида жазо тайинлашда суд томонидан эътиборга олиниши лозим бўлган қонун талаби (мезони) ҳисобланади” [5, 214-215-б.]. Фикримизча, жазо тайинлашнинг умумий асослари жиноят қонуни принциплари билан узвий боғлиқ тушунчалар, бироқ жиноят ҳуқуқи принциплари кенг тушунча бўлиб, жазо тайинлаш қоидалари айнан шу принципларга асосланган ҳолда қўлланилиши лозим.

В.Н. Воронин фикрига кўра, “жазо тайинлаш принциплари ва жазо тайинлашнинг умумий қоидаларининг ўзаро мувофиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1) жазо тайинлашда қонунийлик принципи жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс ЖК Умумий қисм қоидаларига мувофиқ ҳолда, ЖК Махсус қисм тегишли моддаларида назарда тутилган жазо чоралари тайинланиши асосида амалга оширилади;

2) жазо тайинлашда одиллик принципи умумий қоидага кўра амалга оширилади, унга кўра содир этилган жиноят учун назарда тутилган қаттиқ жазо чораси жазодан кўзланган мақсадга енгилроқ жазо чорасини тайинлаш орқали эришиб бўлмаган тақдирда тайинланади;

3) жазо тайинлашда индивидуаллаштириш принципи умумий қоидаларда ифодаланади, унга кўра жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, айбдор шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, шунингдек, тайинланган жазо чорасининг маҳкумнинг ахлоқан тузалиши ва оиласининг яшаш шароитига таъсир кўрсатиши эътиборга олинади. Шунини айтиш керакки, мазкур умумий қоидалар принципларнинг мавжудлигини инкор этмайди,

балки ифодаланиш шакли ҳисобланади. Юқоридаги қоидалардан ташқари, жазо тайинлаш принциплари норматив шаклда мустаҳкамланмаган махсус қоидаларда ҳам ифодаланади” [3, 35-36-б.].

Шуни қайд этиш керакки, айрим МДХ давлатлар қонунчилигида жазо тайинлашда индивидуаллаштириш принципи норматив равишда мустаҳкамланган ва Жиноят кодексида алоҳида принцип сифатида назарда тутилган. Хусусан, Молдова ЖК 7-моддаси “Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазони индивидуаллаштириш принципи” деб номланади, унга кўра, жиноят қонунини қўллашда содир этилган жиноят зарарининг хусусияти ва даражаси, айбдор шахси, жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олинади. Ҳеч ким битта жиноят учун такроран жиноий таъқиб қилиниши ва жиноий жазога тортилиши мумкин эмас” [12].

Арманистон ЖК 10-моддаси “Одиллик ва жавобгарликни индивидуаллаштириш принципи” деб номланган. Унга кўра, жиноят содир этган шахсга қўлланиладиган жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғирлиги, жиноятни содир этиш ҳолатлари, айбдор шахсга мувофиқ бўлиши, шахсни тузалиши учун зарур ва етарли бўлиши ҳамда янги жиноят содир этилишини олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Қонунда назарда тутилгандан бошқа ҳолларда, шахс битта жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас” [10].

Беларусь Республикаси ЖКнинг 62-моддаси “Жиноий жазо тайинлашнинг умумий қоидалари” деб номланади, мазкур модданинг иккинчи хатбошисига кўра, жазо тайинлашда суд жазони индивидуаллаштириш принциpidан келиб чиқиши, яъни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, мотиви ва мақсади, айбдор шахси, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, жиноий йўл билан қўлга киритилган фойда, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, хусусий айблов ишларида жабрланувчининг фикри, ҳукмда тайинланган жазо чорасининг асосланиши эътиборга олинади [11].

Шунга ўхшаш норма Тожикистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида келтирилган: суд жазо тайинлашда жазони индивидуаллаштириш принципи, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятидан келиб чиқади, яъни қўриқладиган манфаатларнинг қиймати, содир этилган қилмиш мотиви, усули, айбдор шахси, етказилган зарар хусусияти ва миқдори, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, хусусий айблов ишларида жабрланувчининг фикри эътиборга олинади [13].

Фикримизча, Ўзбекистон Жиноят қонунчилигида ҳам мазкур принцип назарда тутилиши мақсадга мувофиқ:

Жазо тайинлашда принципларнинг аҳамияти ва судлар томонидан мазкур принципларга мувофиқ ҳолда иш юритилиши зарурлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорида тушунтириш берилган.

Унга кўра, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазоёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш



орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозим.

**Тамом бўлмаган жиноятлар учун жазони индивидуаллаштириш мезонлари.**

Жиноят қонунида жазони индивидуаллаштиришнинг умумий мезонлари билан биргаликда махсус мезонлари ҳам назарда тутилган. Агар умумий мезонлар барча турдаги жиноятлар учун қўлланилса, махсус мезонлар жазо тайинлашнинг алоҳида нормаларида белгиланган ва судлар учун муайян тоифадаги ишларни индивидуаллаштириш имконини беради.

ЖК 58-моддасида тамом бўлмаган жиноятлар учун махсус жазо тайинлаш қондаси назарда тутилган, унга мувофиқ, суд тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноятни охирига етказилмаганлик сабабларини эътиборга олиши зарурлиги белгиланган. Мазкур ҳолатлар умумий мезонлар билан биргаликда судлар учун тугалланмаган жиноий фаолият учун жазони индивидуаллаштириш имконини беради. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд учун жазо тайинлашда тўртта ҳолатни ажратиш зарур: 1) жиноятга тайёргарлик кўрган ёки суиқасд қилган шахснинг хавфлилик даражаси; 2) жиноятга тайёргарлик даражаси; 3) жиноий оқибат юз беришининг яқинлиги; 4) жиноятни охирига етказилмаганлик сабаблари.

Юқоридаги ҳолатлар жазони индивидуаллаштиришга таъсир кўрсатиши мумкин, жумладан, тамом бўлмаган жиноят содир этган шахснинг хавфлилиги алоҳида мезон – айбдор шахсида инобатга олинади; жиноятга тайёргарлик кўриш даражаси фақат жиноятга тайёргарлик кўришда аҳамиятли, бунда суд шахс томонидан содир этилган барча ҳаракатларни таҳлил қилиши, уларни етарлигини ва яқунланганлигини баҳолаши лозим. Жиноятга суиқасд қилиш босқичи, жиноий оқибат юз бериши яқинлиги билан боғлиқ бўлиб, мазкур объектив мезон муҳим ҳисобланади [3, 176-177-б.].

Жиноятга тайёргарлик кўриш учун жиноятга суиқасд қилишга нисбатан жиноятга суиқасд қилиш эса тамом бўлган жиноятга нисбатан енгилроқ жазоланиши лозим. Шунга мувофиқ, индивидуаллаштиришнинг умумий ва махсус мезонлари ўртасидаги боғлиқлик юзага келади – жиноий ниятнинг амалга оширганлик даражаси ва жиноий оқибат юз бериш хавфи тамом бўлмаган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти енгилроқ эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, тамом бўлмаган жиноий фаолият индивидуализациясининг махсус мезони умумий мезон – жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг ифодаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур масалада Ўзбекистон Республикасининг Олий судининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида қуйидагича тушунтириш берилган. “Жиноят кодекси 58-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бунда энг кўп жазо деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (модданинг

қисмида) назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори муддати ёки миқдори тушунилиши лозим”. Демак, мазкур банд тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда индивидуаллаштириш принципига риоя қилиниши зарурлигини мустаҳкамлаган.

Жазони индивидуаллаштиришнинг махсус мезони бўлган жиноятнинг охирига етказилмаганлик ҳолатлари илмий адабиётлар ва жиноят қонунчилигида етарли даражада таҳлил қилинмаган.

Илмий адабиётларда уларнинг икки тури: объектив ва субъектив турлари келтирилади. Объектив сабаблар деганда, тасодифан юзага келган ҳолатлар тушунилади, субъектив сабаблар субъектга хос бўлган шахсий хусусиятлар англашилади. Биринчиси жазо тайинлашга етарли даражада таъсир кўрсатмайди.

Е.В. Благов жиноятни охирига етказилмаслик сабабларини шахсий ва ташқи сабаблар каби гуруҳларга ажратган. “Ташқи омиллар атроф-муҳитдан келиб чиқади ва жиноятни охирига етказилмаслигига тасодифан таъсир кўрсатади. Шахсий омиллар ташқи омилларга нисбатан ижтимоий хавфлилик хусусияти камроқ бўлиб, енгилроқ жазоланиши мақсадга мувофиқ” [1, 150-б.].

А.Ю.Решетников жиноятни охирига етказилмаслик сабабларини жазо тайинлашдан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга ажратган:

1) ижобий сабаблар – жиноят субъекти иродасига бўйсундирилган, яъни тамом бўлган суиқасдда қилмиш хусусияти ва объекти белгиларининг тасаввуридан келиб чиқади. Масалан, шахс томонидан ўзига боғлиқ бўлган барча қилмишлар содир этилган бўлсада, қилмиш шахснинг малакасизлиги ёки етарли даражада тайёргарлик кўрилмаганлиги туфайли охирига етказилмайди;

2) негатив сабаблар – жиноят содир этган шахсга қасдни амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳолатлар бўлиб, жазони чораси оғирлаштирилишига олиб келади. Масалан, тамом бўлмаган суиқасдда шахс томонидан жиноятни тугалланиши учун зарур бўлган барча ҳаракатларни содир этмаслик ёки ўзга шахсларнинг аралашуви, жабрланувчининг фаол қаршилиги, ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз бермаслиги ва ҳ.к.;

3) бетараф сабаблар – шахснинг хатоси билан боғлиқ бўлиб, объектнинг хусусияти тўғрисидаги нотўғри тасавури, яроқсиз воситаларнинг танланганлиги (шахсни ўлдиришда қуролнинг отилмаслиги) туфайли яроқсиз суиқасд қилинишини келтириш мумкин [8, 83-84-б.].

Айрим тадқиқотчилар томонидан тамом бўлмаган жиноятларни учун жазо индивидуаллаштиришда суиқасд тури эътиборга олиниши таъкидланади. Хусусан, А.С. Жумаев фикрича, “тамом бўлмаган суиқасд учун тайинланадиган жазо чораси ёки муддати ЖК Махсус қисм санкциясида назарда тутилган оғирроқ жазонинг 3/2 қисмидан ошмаслиги, тамом бўлган суиқасд учун 4/3 қисмидан ошмаслиги лозим” [4, 141-б.]. Шунга ўхшаш таклифлар В.М. Степашин [9, 120-б.], Л.Л.Кругликов, А.В. Васильевский [6, 114-б.] томонидан ҳам илгари сурилган. Фикримизча, тамом бўлган суиқасдда жиноятни тугалланган деб топилиши учун етарли бўлмаган муайян оқибатлар юз бериши мумкин, бироқ тажовуз объектига муайян зарар етказилади, бу эса мазкур турдаги суиқасднинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини орттиради. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилишда жабрланувчининг соғлиғига енгил даражадан оғир даражагача шикаст етказилиши мумкин ёки жабрланувчининг соғлиғига ҳеч қандай зарар етказилмаслиги мумкин; жуда кўп миқдордаги мулкни ўғирлашга қасд қилишда айбдор ўзга шахснинг мулкни талон-торож қилишга





улгурмаслиги ёки аксинча кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиши мумкин. Шунинг учун етказилган ҳақиқий зарар, унинг хажми, миқдори, хусусияти, суиқасдни квалификацияга таъсир кўрсатмаса-да, жазони индивидуаллаштиришда содир этилган тамом бўлмаган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодалайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, **жиноий жазоларни тайинлаш принциплари жиноий жазонинг ва унинг умумий асосларини мазмунини белгиловчи, унга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган жазо тайинлашга оид нормаларида мужассамлашган бошланғич раҳбарий-назарий ғоялари тушунилади.**

*“Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан жазо қонунийлик, одиллик, индивидуаллаштириш принципларига мувофиқ тайинланади.*

*Қонунийлик принципага кўра, ЖК Махсус тегишли моддасида назарда тутилган миқдор ва муддатда ЖК Умумий қисм қоидаларини инobatга олган ҳолда жазо тайинланади. Содир этилган жиноят учун ЖК Махсус қисм тегишли моддасида назарда тутилганидан бошқа оғирроқ жазо бир неча ҳукм ва бир неча жиноят учун жазо тайинланган ҳолларда тайинланиши мумкин.*

*Одиллик принципага кўра, содир этилган жиноят учун назарда тутилган оғирроқ жазо чораси енгилроқ жазо чораси жазодан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаган ҳолларда тайинланиши мумкин.*

*Индивидуаллаштириш принципага кўра, жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, айбдор шахси, шу билан бирга, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, тайинланадиган жазо чорасининг маҳкумни тузалиши ва оилавий яшаш шароитига таъсири ва бошқа ҳолатлар инobatга олинади”.*

Назаримизда, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда умумий ва махсус принциплар алоҳида эътиборга олиниши, судлар томонидан таҳлил қилиниши, суд ҳукмида мазкур ҳолат тўлиғича акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, индивидуаллаштириш принципини таъминлайдиган ҳолатларни объектив ва субъектив ҳолатларга ажратиш лозим.

Объектив ҳолатларга: а) жиноят тамом бўлган ҳолларда етказилиши мумкин бўлган зарар; б) содир этилган қилмишнинг жиноий натижанинг яқинлиги; в) жиноятга тайёрланганлик даражаси; г) жиноий натижанинг юз бермаганлик сабаблари. Субъектив ҳолатларга қуйидагилар киради: а) шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси; б) мотив ва мақсад; в) субъектнинг тавсифига тааллуқли бўлган бошқа ҳолатлар (оилавий ҳолати, ёши, соғлиғи ва ҳ.к.).

## REFERENCES

1. Blagov E.V. *Primenenie spetsial'nykh nachal naznacheniiia ugovnogo nakazaniia* [The use of special principles for imposing criminal penalties]. Moscow, Iurlitinform, 2007, p. 150.
2. Veliev S.A. *Printsipy naznacheniiia nakazaniia* [Principles of sentencing]. St. Petersburg, Legal Center Press, 2004, p. 106.
3. Voronin V.N. *Individualizatsiia nakazaniia: poniatie, kriterii, znachenie* [Individualization of punishment: concept, criteria, meaning]. PhD thesis. Moscow, 2015, p. 22.



4. Zhumaev A.S. Spetsial'nye pravila naznacheniiia nakazaniia za edinichnoe prestuplenie. PhD thesis. Moscow, 2009. S. 141.
5. Zubkova V. I. Ugolovnoe nakazanie i ego sotsial'naia rol': teoriia i praktika [Criminal punishment and its social role: theory and practice]. Moscow, 2002, pp. 214-215.
6. Kruglikov L.L., Vasil'evskii A.V. Differentsiatsiia otvetstvennosti v ugolovnom prave [Differentiation of responsibility in criminal law]. St. Petersburg, Legal Center Press, 2003, p. 114
7. Miftakhov A.M. Individualizatsiia nakazaniia pri ego naznachenii s uchetom iskluchitel'nykh obstoiatel'stv v rossiiskom ugolovnom prave [Individualization of punishment in its appointment, taking into account exceptional circumstances in Russian criminal law] . PhD thesis. Nizhny Novgorod, 2012, p. 38.
8. Reshetnikov A.Iu. Pokushenie na prestuplenie v rossiiskom ugolovnom prave [Attempted crime in Russian criminal law]. PhD thesis. Moscow, 2008, pp. 83-84.
9. Stepashin V. M. Spetsial'nye pravila naznacheniiia nakazaniia [Special sentencing rules] . Omsk, Publishing house of the Omsk State University, 2011, p. 120.
10. Ugolovnyi kodeks Respubliki Armeniia ot 18.04.2003 (s izm. i dop. ot 03.06.2021 g.) Available at: <http://www.parliament.am/>.
11. Criminal Code of the Republic of Belarus' July 9, 1999 No. 275-Z. Available at: <https://etalonline.by/>.
12. Criminal Code of the Republic of Moldova No. 985 dated 18.04.2002. Available at: <https://www.legis.md/>.
13. Criminal Code of the Republic of Tajikistan Akhbori Majlisi Oli of the Republic of Tajikistan, 1998, No. 9, Art. 68. Available at: <http://ncz.tj/>.



# ОИЛАДАГИ ЖИНОЙИЙ ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

**Ниязова Саломат Сапаровна,**

Тошкент давлат юридик университети  
“Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга  
қарши курашиш” кафедраси профессор  
вазифасини бажарувчи, юридик фанлар доктори;  
s.niyozova@tsul.uz

**Аннотация.** Мазкур мақолада оиладаги зўравонликлар тушунчаси ва турларига доир масалалар баён этилган. Мазкур мақолада зўравонликнинг руҳий, жисмоний ва иқтисодий ва бошқа турлари таҳлил этилган. Ушбу мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, ҳозиргача оиладаги зўравонликлар тушунчаси ва уларнинг турларига доир алоҳида масалалар алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлигидир. Шунингдек, мазкур мавзунинг долзарблиги оиладаги зўравонликлар тушунчаси ва турларига доир масалаларни илмий ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, бу борада тегишли таклиф ва тавсиялар беришдан иборат. Мақолани ёзиш жараёнида умумилмий услублар: функционал ёндашув, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган. Мазкур мақоланинг натижаларидан қўзланган мақсад шуки, криминология фанини ривожлантириш, оиладаги зўравонликлар тушунчаси ва унинг турлари таҳлили ва бу борадаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳамда оиладаги зўравонликларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, бу борада олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил этилиб, криминология фанини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** оила, зўравонлик, олдини олиш, вояга етмаганлар, жисмоний, руҳий, тажовуз, жиноятчилик, жиноят, профилактика.

## ПОНЯТИЕ И ВИДЫ ПРЕСТУПНОГО НАСИЛИЯ В СЕМЬЕ

**Ниязова Саломат Сапаровна,**

доктор юридических наук, и.о. профессора  
кафедры «Уголовное право, криминология  
и противодействие коррупции»

Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с предотвращением домашнего насилия, а также национальный и международный опыт. Актуальность темы данной статьи заключается в том, что ранее конкретные вопросы профилактики домашнего насилия, опыт зарубежных стран в данной сфере не анализировались и не изучались как отдельный предмет исследования. Также актуальность заключается в проведении научно-теоретических исследований по предупреждению домашнего насилия и внесении соответствующих предложений и рекомендаций по данному вопросу. В процес-

се подготовки статьи использовались общенаучные методы: функциональный подход, логический, систематический, исторический, сравнительно-правовой, статистический, социологический опрос. Результаты данной статьи будут использованы для развития криминологии, в целях предупреждения домашнего насилия, совершенствования деятельности субъектов и законодательства в этой сфере, а также при разработке мер по предотвращению домашнего насилия. Результаты данной статьи также могут быть использованы при организации деятельности субъектов профилактики, в правоохранительной практике и учебном процессе. Проанализированы взгляды и мнения ученых и даны соответствующие рекомендации по совершенствованию теории уголовного права.

**Ключевые слова:** семья, насилие, профилактика, несовершеннолетний, физическое, психическое, агрессия, правонарушение, преступность, профилактика.

## THE CONCEPT AND TYPES OF DOMESTIC VIOLENCE

**Salomat Saparovna Niyozova,**

Doctor of Law, Acting Professor of the Department of Criminal Law,  
Criminology and Anti-Corruption,  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article discusses the concept and types of domestic violence. This article analyzes mental, physical, economic and other types of violence. The relevance of this article lies in the fact that the concept of domestic violence and its types have not yet been studied as a separate topic. Also, the relevance of this topic lies in conducting a scientific and theoretical study of the concept and types of domestic violence, as well as making appropriate proposals and recommendations. In the process of writing the article, general methods were used: a functional approach, logical, systematization, historical, comparative legal, statistical, sociological surveys. The purpose of this article is the development of criminological science, the analysis of the concept of domestic violence and its types, as well as the improvement of legislation in this area, as well as the adoption of measures to prevent domestic violence. The views of scientists are also analyzed and recommendations are given for improving criminological science.

**Keywords:** family, violence, prevention, juvenile, physical, mental, aggression, delinquency, crime, prevention.

Кўпинча ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик оиладаги келишмовчиликлар, ичкилик-бозлик ва ҳ.к. ижтимоий ҳаётдаги мураккаб салбий омиллар билан боғлиқ бўлиб, соғлом турмуш тарзи кўп жиҳатдан ушбу ҳодисани вужудга келтирувчи сабаблар билан алоқадор бўлган муаммолар синалган ва улар илмий асосланган чора-тадбирларни амалга оширилиши билан ҳал қилиниши мумкин.

Гарчи жиноятчиликнинг замонавий кўринишлари фаол тадқиқ этилаётган бўлса-да, бироқ оилада содир этилаётган жиноий ҳодисаларни ўрганиш тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда. Бу эса оила аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларига жиноий тажовуз қилиш миқдорининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ушбу муаммо оммавий ахборот воситалари, қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг диққат марказида эканлиги табиий ҳолдир.

Дарҳақиқат, оилаҳар доим жамият муҳофазасида бўлган. Оиланинг жамият томонидан муҳофаза қилинишига дунё миқёсида тан олинаётган инсон ҳуқуқларига оид бўлган



хуқуқий ҳужжатлар ҳам асосий таянч вазифасини ўтамоқда. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, давлатларнинг конституцияси ва асосий қонунлари ҳисобланади. Лекин, дунёда мавжуд бўлган барча конституцияларда ҳам оила ва оилавий муносабатларга етарлича эътибор берилмаган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўз тараққиёт йўлини танлади. Давлат бошқаруви тизими ва уларнинг вазифа ҳамда функциялари, мазкур органлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Умуминсоний ва миллий қадриятларимизни ўзида сингдирган ҳолда ишлаб чиқилган Конституция ва қонунларимизда барча давлат ҳокимияти органларининг тизими ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. Жамиятда мавжуд ҳар қандай муаммоларни қонуний ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Шу сабабдан, мамлакатимизда мустақиллик йилларидан никоҳ, оила, оила муносабатларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби (63-66-моддалар) бевосита оилага бағишланганлиги, бундан ташқари, оилавий муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, оиланинг шахс, жамият ва давлат ҳаётида ўрни ва аҳамиятини жуда юқори эканлигини инобатга олган ҳолда, оила доирасида ва оилага қарши содир этиладиган жиноятларни олдини олиш, бундай жиноятларга қарши курашиш давлатнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси доирасига киритилганлиги ҳам алоҳида эътиборни жалб этади.

Маълумки, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги муаммолар ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Бу борадаги муаммоларни ўрганиш, илмий тадқиқ этиш, айниқса бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади[1].

Шарқ мутафаккирларининг бизларга қолдирган бой илмий-маданий меросларида ўзбек халқининг оила-турмуш қоидалари, ундаги катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги маданият, айниқса, эр-хотин муносабатлари тўғрисидаги инсон тарбиясида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган фикр-мулоҳазалар, таълимотлар мавжуд.

Мазкур муаммо буюк алломаларимиз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилган [2].

Ушбу масалага Бурҳониддин Марғиноний ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, “жамиятнинг негизи ҳам, инсон руҳий-маънавий оламининг бешиги ҳам оиладир” [3], деб таъкидлаган эди.

Зеро, азалдан инсонни ҳурмат қилиш ва улуғлаш халқимиз табиатига хос миллий қадриятдир. Қадимги тарихий манба ҳисобланмиш – зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, айниқса инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси ўз аксини топган. Ушбу нодир манба инсоният ва илм-фан тараққиёти ҳамда инсоний қадриятларнинг ривожланишига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшган. “Авесто”да жиноят ва жазо, оила-никоҳ муносабатларига, бу муносабатлар жараёнида инсоннинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган.

Айниқса, жиноят содир этиш оғир гуноҳ эканлиги, ундан сақланиш ғояси муқаддас ислом динида ўз ифодасини топган. Хусусан, буларда инсон ҳуқуқларига дахлдор

кўплаб қоидалар мавжуд [4]. Чунки, бу манбаларда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, шаъни, обрўси, қадр-қиммати бирламчи қадрият сифатида тан олинган. Оила, қариндош уруғ, эр-хотин ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларда раҳм-шавқатли бўлиш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Оилада содир этиладиган зўравонлик кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги тажовузкорликда намоён бўлади. Бу ҳолат кундалик оила-турмуш муносабатлари доирасида турлича тажовузкор хулқ-атворда намоён бўлади.

Зўравонликнинг криминалогик тавсифи, сабаби, шарт-шароитлари, табиати, ижтимоийлиги ва белгилари ҳақида жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик адабиётларда турлича тушунчалар берилган. Бир қатор илмий ва юридик адабиётларни таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, фанда ҳанузгача “зўрлик” ва “зўравонлик”ка оид ягона тушунча мавжуд эмас. Гарчи, “зўрлик” ва “зўравонлик” тушунчаларига турли соҳа мутахассислари томонидан эътибор қаратилган бўлса-да, бу ҳақида ягона тўхтамга келинмаган.

Зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан ҳўрлаши, жабр-зулм қилиши [5] ёхуд шахснинг конституция билан кафолатланган шахсий дахлсизлиги бузилишига сабаб бўладиган, бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказишидир [6].

Баъзи бир адабиётларда зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, куч ишлатиш йўли билан зўрлаши, жабр-зулм қилиши сифатида келтирилган. У инсонни жисмоний ва маънавий зўрлаш ёхуд жабр-зулм қилиш шаклида намоён бўлади [7].

Зўравонлик – қонун билан тақиқланган маънавий, руҳий ва жисмоний зарар етказувчи ҳаракатларни шахс хоҳиш иродасига қарши равишда амалга ошириш [8]. “Зўравонлик” зўравонларга хос хатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш, ўзгаларга қонунсиз равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи, жисмоний бақувватлик, кучлилик, улканлик, шиддатлилик [9], деб эътироф этилади.

Айтиш жоизки, ушбу зўравонликлар деярли айнан оилада содир этилиб, инсоннинг ихтиёри ва эркига зид равишда жисмоний куч ишлатиш ёхуд руҳий таъсир этиш орқали амалга оширилади. Шахсга зўрлик ишлатилишида унинг ихтиёрига зид бўлган хатти-ҳаракатлар амалга оширилади.

Оиладаги зўравонлик шахсга қарши ноқонуний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, мажбур қилиш, таъсир кўрсатиш, ўз ҳукмронлигини ўтказиш каби белгилар орқали ифодаланади. У асосан жисмоний ёки руҳий кўринишда бўлиши мумкин. Руҳий зўравонлик эса кўп ҳолларда қўрқитиш (бир шахсни иккинчи бир шахс томонидан қўрқитиб бўйсундириш, ўзини кўрсатиш ёхуд ўзига қарам қилиш) шаклида ифодаланади. Руҳий зўравонлик асабийлашишнинг маҳсули бўлиб, бир шахсни қўрқитиб ўзига бўйсундириш, унинг “ихтиёрига зид” ёки “тарбиялаш” мақсадларида қўлланилиши ҳам мумкин. У айбдорга унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига нисбатан бевосита қўлланилишида намоён бўлади. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳар хил оғирлик даражасида баданга шикаст етказиш, калтаклаш ва бошқа жисмоний куч ишлатишни жисмоний зўравонлик деб баҳолаш лозим.

Бизнингча, зўравонлик жисмоний куч ёки қўрқитиш билан амалга ошириладиган жиноий фаолиятдир. Бунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилиш орқали ҳуқуқ ва эркинлиги поймол этилади. Мазкур ҳолатда таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб





берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Зўравонлик оқибатида шахснинг баданига салгина оғриқ етказадиган ва ҳатто ёқимсиз ҳис уйғотадиган ўзгаришни ҳам зўравонлик деб аташ мумкин. Зўравонликка фақат тананинг дахлсизлиги бузилишини эмас, балки шахсга тааллуқли ҳар қандай салбий хатти-ҳаракатни киритиш керак. Масалан, шахс устидан кулиш, туҳмат, ҳақорат қилиш кабилар шахснинг конституциявий ҳуқуқини поймол қилиши билан бирга, унга кўрсатилган руҳий зўравонлик ҳисобланади.

Жисмоний таъсир кўрсатувчи зўравонлик ҳаракатлари қаторига, бизнинг фикримизча, инсон баданига куч билан таъсир қилишнинг ҳар қандай усули, яъни зарба беришда ифодаланмайдиган хатти-ҳаракатларни ҳам киритиш лозим. Масалан, сочдан тортиш, қўлни оғритиб ушлаш, тананинг бирор қисмини қисиш, оғриқ бериш, итариб юбориш ва ҳ.к.

Зўравонликлар жумласига қийноққа солиш, яккалаб қўйиш, иродага қарши ҳаракат қилишга мажбурлаш ёки ундаш, ушлаб туриш, зўрлаш, тегажоғлик қилиш, таҳқирлаш ва ҳўрлаш кабиларни киритиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида ички ишлар органларининг профилактика хизмати ходимлари ҳамда жамоат тузилмалари аъзолари ўртасида “Оиладаги жиноий зўравонлик деганда нимани тушунасиз?” деб сўралганда, респондентларнинг 94,7 фоизи “Оилада бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний ва руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатиши”, деб жавоб беришган.

Бизнингча, “оиладаги жиноий зўравонлик деганда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиш ёхуд қўллаш билан кўрқитиш орқали унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлигини, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш орқали ўз ҳукмронлигини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик”ни тушуниш лозим.

Оиладаги жиноий зўравонликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳоказолар кўринишида бўлиши мумкин[10]. Бунда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан қасддан унинг ҳаёти, соғлиғига ёки баданининг турли жойларига шикаст етказиш каби хатти-ҳаракатларни содир этилиб, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: шапалоқ тортиш, тегиш, турткилаш, мушт билан уриш; кучли зарб билан итариб юбориш; турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш; қурол билан хавф солиш ёки яралаш; уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик; кечаси ухлашга қўймаслик.

Руҳий зўрлик – жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, мол-мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказиш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш ва ҳоказолар билан кўрқитиш [11]. Руҳий зўрлик ва жисмоний зўрлик бир-бирини тақозо этувчи ва бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин. Бунда қасддан оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш орқали унинг руҳиятига таъсир кўрсатиш, ҳис туйғуларини сўндирувчи ҳаракатлар қилиш, кўрқитиш ва ҳақоратлаш билан унинг руҳиятига шикаст етказувчи сўзлар ва ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади: ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик; устидан кулиши; жазо чораси сифатида унинг ҳиссиётларига эътибор бермаслик; ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўзининг

манфаати йўлида фойдаланиш; дўстлари ва қариндошларига хавф етказиш билан қўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик; у билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш; оила бюджетини ўзи назорат остига олиши; қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш; уйдан кетишини айтиб қўрқитиш; касал ёки ҳомиладор бўлганида унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилиқ кўрсатиш.

Оиладаги жинсий зўравонлик жинсий алоқага қилишга мажбурлайдиган хатти-ҳаракатлар қилиш орқали дўқ-пўписа қилиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб шахснинг жинсий дахлсизлиги ва озодлигига тажовуз қилиш билан ифодаланади. Масалан, эркакнинг аёли билан жинсий объект сингари муомала қилиши; жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга нисбатан тажовузкор муносабатда бўлиш; жинсий алоқада мажбурий хатти-ҳаракатлар қилдириш; жинсий алоқани ўта шафқатсизлик билан амалга ошириш; зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш; аввал калтаклаб кейин жинсий алоқа қилиш; парнографик кўринишдаги бузуқ хатти-ҳаракатларни кўришга ёки такрорлашга мажбурлаш ва ҳоказо.

Умумий кўринишда оиладаги зўравонликни қуйидагиларга: аёлларга, болаларга ва қариндошларга нисбатан зўравонлик ишлатиш кабиларга ажратиш мумкин.

Оиладаги жинсий зўравонликнинг келтириб ўтилган таърифлари бир шахснинг иккинчиси устидан унинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказиш мақсадини кўзда тутиб, унинг ихтиёрига қарши қасддан жисмоний куч ишлатишига келиб тақалади.

Хулоса қиладиган бўлсак, оиладаги жинсий зўравонликнинг юридик маънодаги тушунчаси унинг ҳақиқий мазмунини торайтиради, чунки бир қатор ҳолатлар ҳисобга олинмайди. Шулардан келиб чиқиб қуйидагиларга ўз эътиборимизни қаратишимиз лозим. Жумладан:

*биринчидан*, агар жисмоний зўравонлик тўғрисида сўз юритилса, у ҳолда инсон организмига бевосита жисмоний куч ишлатиш билан таъсир кўрсатишни қўшиш мумкин эмас. Зўравонликнинг ушбу турини зўравонлик билан чеклаш ҳамда жабрланувчини озодликдан маҳрум қилишга киритиш тақозо этилади.

У одатда жисмоний ва маънавий азобни келтириб чиқарувчи, баъзан жиддий жисмоний ва руҳий жароҳат (масалан, жабрланувчини қишда иситилмаган хонада сақлаб туриш)га олиб келиши ҳам мумкин;

*иккинчидан*, зўравонликни инсон организмига “унинг ихтиёрига қарши” таъсир кўрсатиш сифатида кўриб чиқиш ҳам мумкин эмас.

Зўравонликни инсонга унинг иродасидан ташқари таъсир кўрсатиш сифатида тавсифлаш тўғрироқ бўлар эди, чунки жабрланувчи ўз иродасини намоён этадиган ҳолатда, зўравон унга қарши ҳаракат қилади ва бу ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Кўп ҳолларда айбдор жабрланувчининг иродасини менсимайди;

*учинчидан*, зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишни фақат жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилишга қўшиш мумкин эмас. Руҳиятга нафақат жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилиш, балки бошқа манфаатларга, кўпинча муҳимлиги жиҳатдан соғлиқ ва ҳатто ҳаётдан маҳрум қилишдан ҳам қолишмайдиган бошқа (масалан, шаън, қадр-қиммат, эркинлик, обрў-эътибор, мулк) қадриятлар ҳам таъсир қилади;

*тўртинчидан*, зўравонликни фақат бевосита инсон иродасига таъсир кўрсатиш сифатида кўриб чиқиши ҳозирги кунда анча тордек туюлади, чунки инсонга таъсир ўтказиш қонун билан қўриқланадиган бошқа нарсалар, масалан, моддий бойликлар, мулк орқали ҳам намоён бўлиши мумкин.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Karimova V. Oila himojasi davlat siyosatining ustuvor jo'nalishi [Family protection is a priority of state policy]. Right to duties, 2007, no. 5, p. 31.
2. Fayzieva M., Jabborov A. Oilaviy munosabatlar psixologiyasi [Psychology of family relations]. Tashkent, Yangi asr avlodi, 2007, p. 7.
3. Choriev A. Inson falsafasi [Human philosophy]. Tashkent, Uzbekiston faylasuflari milliy zhamiyati nashriyoti, 2007, p. 184.
4. Husanov O., Karimova O., Azizov X., To'ychieva H., Karimov Z. Inson huquqlari [Human rights]. Tashkent, Shark Publ., 1997, p. 16.
5. O'zbekiston yuridik ensiklopediyasi [Encyclopedia of Law of Uzbekistan]. Tashkent, 2009, p. 199.
6. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi [National Encyclopedia of Uzbekistan]. Tashkent, 2002, vol. 4, p. 47.
7. Yuridik ensiklopediya [Legal encyclopedia]. Tashkent, 2001, p. 171.
8. Arifxodjaeva I.X. Ichki ishlar idoralari psixologiyasi [Psychology of Internal Affairs]. Tashkent, IIV Akademiyasi, 2008, p. 405.
9. O'zbek tilining izohli lug'ati [Annotated dictionary of the Uzbek language]. Tashkent, 2009, pp. 167–168.
10. Rustambaev M.H. Jinoyat huquqi: Mahsus qism [Criminal law: Special section]. Tashkent, TSUL, 2006, p. 42.
11. Tahirov F. Ajrim horij mamlakatlarda jinsij jinoyatlar uchun javobgarlik [Liability for sexual crimes in some foreign countries]. Editor-in-Chief M.H. Rustamboev. Tashkent, TSUL, 2009, pp. 95-96.

# РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОЙ СТРАТЕГИИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ УБИЙСТВА НА ОСНОВЕ АНАЛИЗА ЛИЧНОСТИ УБИЙЦЫ

**Абзалова Хуршида Мирзиятовна,**  
доктор юридических наук (DSc),  
и.о. доцента кафедры "Уголовное право, криминология и  
противодействие коррупции"  
Ташкентского государственного юридического университета,  
lawyerabzalova@mail.ru

**Аннотация.** В данной статье характеристика личности, совершившего преступление в виде умышленного убийства, была изучена на основе методов анализа судебных приговоров, принятых судами Республики Узбекистан, и статистических данных. В статье указано, что повышение эффективности борьбы с умышленными убийствами требует осуществления следующих задач: во-первых, проведение комплекса мер по улучшению социально-экономического состояния, благосостояния личности; во-вторых, формирование целостной системы профилактики и раннего предупреждения насильственных преступлений, в частности, умышленных убийств; в-третьих, проведение рационально сдерживающей уголовно-правовой политики, в уголовном законодательстве должен соблюдаться баланс «карательных» и «либеральных» мер; в-четвертых, реформирование системы исполнения наказаний, в частности пенитенциарной системы; в-пятых, это внедрение и использование научных достижений и результатов исследований в борьбе с убийствами. В статье указывается, что предупреждение убийств, в частности насилия в отношении несовершеннолетних в семьях, осуществляется общесоциальными средствами через всю совокупность крупномасштабных мероприятий – принятия комплекса социальных, экономических и правовых мер.

**Ключевые слова:** личность убийцы, уголовное законодательство, убийство, профилактика, судебно-следственная деятельность, статистика убийства.

**ОДАМ ЎЛДИРИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ: АЙБДОР ШАХСИНИНГ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА**

**Абзалова Хуршида Мирзиятовна,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга  
қарши кураш кафедраси доценти в.б.,  
юридик фанлар доктори (DSc)



**Аннотация.** Мазкур мақолада қасддан одам ўлдирган шахснинг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган суд ҳукмларини ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилиш усули асосида ўрганилган. Мақолада қасддан одам ўлдиришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ўз навбатида, қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини талаб қилиши қайд этилган: биринчидан, шахснинг эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилган пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш; иккинчидан, қасддан одам ўлдиришнинг олдини олиш (огоҳлантириш)нинг замонавий тизимини яратиш ва ривожлантириш; учинчидан, оқилона тийиб турувчи жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш; жиноят қонунчилигида қатъийроқ ва юмшоқроқ чораларнинг оқилона мувозанати сақланиши керак; тўртинчидан, пенитенциар тизимни тубдан қайта ислоҳ этиш; бешинчидан, бу жиноятчиликка қарши курашишга оид илмий тавсиялардан кенг ва изчил фойдаланиш. Мақолада одам ўлдириш, жумладан оилаларда вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг умумижтимоий воситалар орқали олдини олишга қаратилган кенг миқёсли – ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий чораларнинг қабул қилиниши орқали амалга оширилиши кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** қотил шахси, жиноят қонунчилиги, одам ўлдириш, профилактика, суд-тергов фаолияти, қотиллик статистикаси.

## DEVELOPING AN EFFECTIVE MURDER PREVENTION STRATEGY: BASED ON THE ANALYSIS OF THE KILLER'S PERSONALITY

**Abzalova Khurshida Mirziyatovna,**

Doctor of Science in Law (DSc),

Tashkent State University of Law,

Acting Associate Professor of the Department  
of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption

**Abstract.** In this article, the characteristics of the person who committed the crime of premeditated murder were studied on the basis of methods of analyzing court sentences adopted by the courts of the Republic of Uzbekistan, and statistical data. The article states that improving the effectiveness of the fight against premeditated murder, first of all, requires the implementation of the following tasks: first, the implementation of a set of measures to improve the socio-economic state, the well-being of the individual; secondly, the formation of a comprehensive system of prevention and early warning of violent crimes, in particular, premeditated murder; thirdly, the implementation of a rational deterrent criminal law policy, the criminal legislation should maintain a balance of "punitive" and "liberal" measures; fourth, the reform of the penal system, in particular, the penitentiary system; fifth, the introduction and use of scientific achievements and research results in the fight against murder. The article points out that the prevention of homicides, in particular, violence against minors in families, is carried out by general social means through the whole set of large – scale measures-the adoption of a set of social, economic and legal measures.

**Keywords:** identity of the killer, criminal legislation, murder, prevention, judicial and investigation activity, murder statistics.



Криминологическое изучение личности преступника применительно к отдельным категориям преступлений, знание основных признаков, ее характеризующих, позволяют проводить предупредительную работу более целеустремленно и способствует избирательности профилактического воздействия.

Согласно статистическим данным, в последние десять лет снижается количество умышленных убийств. В частности, в 2015 году со стороны 766 лиц было совершено 669 убийств, в 2016 году со стороны 743 лиц – 666 убийств, в 2017 году со стороны 593 лиц – 519 убийств, в 2018 году со стороны 503 лиц – 432 убийства, в 2019 году со стороны 351 лиц – 359 убийств.

В 2019 году 308 убийц (87,7 %) были мужчинами, 43 (12,3 %) – женщинами. Среди совершивших преступление 3 составляют лица в возрасте 13-15 лет, 6 – в возрасте 16-17 лет, 33 – в возрасте 18-24 года, 39 – в возрасте 25-30 лет, остальные – старше 30 лет [1].

Согласно статистическим данным за последние десять лет, около 90 % убийств совершаются со стороны мужчин.

За последние пять лет около 30 % убийств в Узбекистане совершаются в городе Ташкенте и Ташкентской области.

Согласно статистическим данным по городу Ташкенту, по части первой статьи 97 УК в 2016 году было совершено 30 убийств и 29 покушений на убийство, в 2017 году – 20 убийств и 13 покушений на убийство, в 2018 году – 14 убийств и 6 покушений на убийство. При этом по части второй статьи 97 УК в 2016 году было совершено 29 убийств и 26 покушений на убийство, в 2017 году – 13 убийств и 21 покушение на убийство, в 2018 году – 6 убийств и 6 покушений на убийство.

Около 50 % убийств были совершены дома, больше 40 % – в общественных местах. Время совершения преступления – в большинстве случаев с 00:00 до 06:00 (около 40 %), часто с 06:00 до 18:00 (около 34 %), реже с 18:00 до 00:00 часов (около 26 %).

Основными орудиями преступления в убийствах были нож и острые предметы. Около 70 % убийств были совершены из-за бытовых ссор, споров в семье. Также большинство жертв от убийств – мужчины (2/3), реже – женщины (1/3). Около 80 % убийц в городе Ташкенте – лица со средним образованием.

В рамках настоящего исследования считаем уместным привести интересные казусы из жизни, в частности из обзора судебной коллегии по уголовным делам Верховного суда Республики Узбекистан (дела в надзорном порядке) за 4-й квартал 2018 года.

22 мая 2014 года в 02:00 часа ночи С. в состоянии алкогольного опьянения поссорился со своей беременной женой М. и, зная о беременности жены, нанес ей несколько ударов в область головы и лица, удушил ее. После того как жена потеряла сознание, муж отвез ее в больницу. От полученных повреждений жена скончалась в больнице в 15:00 (через 13 часов после инцидента с мужем). Согласно приговору Навоийского областного суда по уголовным делам от 22.08.2014 года, С. был признан виновным по пункту «б» части второй статьи 97 УК и приговорен к лишению свободы на срок 17 лет. В 2016 году кассационная инстанция оставила приговор без изменения. В соответствии с определением суда надзорной инстанции от 30.08.2018 года приговор был изменен в части квалификации, и С. был признан виновным по пункту «д» части третьей статьи 104 УК. Аргументы суда надзорной инстанции: муж не использовал орудия и средства, мог убить жену, но не совершил этого, а наоборот доставил жену в больницу.

Несмотря на то, что в целом динамика совершения умышленных убийств имеет тенденцию снижения, однако очевидна особая, чрезвычайная тяжесть данного вида



преступлений, ценность объекта уголовно-правовой охраны для общества подчеркивает необходимость продолжения дальнейших уголовно-правовых и криминологических исследований избранной тематики [2]. На наш взгляд, не вызывает сомнения ценность жизни даже одного человека, по этой причине, пока сохраняется опасность и возможность совершения особо опасных криминальных деяний, в частности умышленных убийств, общество не может и не должно отказываться от поиска путей их нейтрализации, улучшения борьбы с ними [3].

Следует отметить, что стойкая система антиобщественных взглядов формируется у лиц, совершающих убийства, под воздействием субъективных и объективных условий. Условия первой группы относятся к характеристике личности убийцы, а условия второй – охватывают широкий круг проблем социального свойства: социальные противоречия, социальная деформация, социальные конфликты и т. д., т. е. все то, что окружает личность (микро- и макросреда) [4]. Но главным остается то, что сама преступная направленность личности убийцы создает предпосылки для совершения убийства. Следовательно, первостепенное значение имеют условия субъективного характера, центральной является проблема личности, хотя роль социальной среды при этом ничуть не умаляется [5].

Для того чтобы более глубоко и подробно исследовать внутренние побуждения, эмоции, а также иные факторы криминологического характера, способные пролить свет на генезис зарождения убийцы, мотивационный комплекс, микросреду преступников, мы провели социологический опрос среди 300 лиц, осужденных за умышленные убийства. Кроме того, мы изучили материалы судебно-следственной практики около 150 уголовных дел, рассмотренных Верховным судом Республики Узбекистан и судом по уголовным делам г. Ташкента, в том числе сведения, характеризующие именно криминологически значимые особенности личности убийцы. Избирательный подход к выбору опрашиваемых осужденных, обобщение и анализ полученных от них данных дали нам возможность понять картину в целом, соответственно, мы попытались разработать определенные рекомендации криминологического характера.

Изучение судебно-следственной практики показывает, что около 60 % от всего количества уголовных дел исследуемой категории включают п. «ж» ч. 2 ст. 97 УК (с особой жестокостью), немногим меньше 38 % являлись случаями, указанными в п. «з» ч. 2 ст. 97 УК (сопряженное с изнасилованием или насильственным удовлетворением половой потребности в противоестественной форме), практически не встречаются уголовные дела об умышленных убийствах (2 %), квалифицируемых по п. «д» ч. 2 ст. 97 УК (способом, опасным для жизни других лиц), что касается уголовных дел об убийствах при массовых беспорядках, то дела этой категории отсутствуют.

Прежде чем перейти собственно к результатам наших социологических опросов, мы кратко хотим остановиться на личности убийцы. По мнению В.Н. Кудрявцева, «... личность правонарушителя с его сознанием и волей – это центральное звено, которое связывает причину и следствие. Здесь созревает решение совершить преступление, которое потом осуществляется» [6]. Криминологически значимые свойства лиц, совершающих убийство, раскрываются именно через особое, свойственное им преступное поведение и именно в виде убийства. Различия криминологических характеристик лиц, совершивших преступления, являются основанием для их типологии [7] и классификации [8]. По сравнению с классификацией типология представляет собой более высокий уровень обобщения. Однако практика свидетельствует о том, что

именно оба метода, дополняя друг друга, позволяют на различных уровнях обобщения изучать наиболее характерные свойства личности преступника и являются основой дифференциации и индивидуализации профилактического воздействия.

Таким образом, возникает весьма непростой вопрос: что же все-таки должно быть положено в основу типологии личности преступника с целью раскрытия причин преступного поведения применительно к отдельным категориям преступлений? Ответ, по мнению многих криминологов, здесь может быть только один – мотив преступного поведения. Как подчеркивает С.Н. Абельцев, «мотивы убийств часто связаны с криминальной ситуацией. Среди авторов, исследовавших убийство, сформировалось одно общее мнение: определяющая черта убийств – их ситуативный характер, импульсивность, эмоциональность. Это связано с психикой человека» [9]. Наличие психических аномалий, как известно, предопределяет особенности реагирования на конкретные жизненные ситуации. Поводами, ускоряющими преступные действия, могут выступать даже ничтожные обстоятельства, обычно не принимаемые во внимание другими людьми [10].

В этой связи очень важным является изучение психики убийц. Начиная с детского возраста у человека формируется психоэмоциональная и ценностно-нравственная основа бессознательных мотивов. Их роль всегда связана с рамками среды, в которой находится личность. Такая зависимость, приобретая порой жесткий характер, начинает управлять поведением личности в той степени, в которой личность не осознает ее существования.

Таким образом, мотивация преступного поведения и личность преступника опосредованно взаимосвязаны и взаимообусловлены: каков мотив преступного поведения, такова и личность преступника. Личностные черты преступника накладывают отпечаток на мотивацию, а мотивы преступного поведения, закрепившись в уголовно наказуемых действиях, деформируют личность преступника [11]. Следовательно, ставя в основу типологии личности убийцы мотив преступного поведения, можно выделить такие типы убийц, как убийца-хулиган, корыстный убийца, убийца-националист и т. п. Вместе с тем необходимо отметить, что все сказанное не означает игнорирования иных внешних причин (факторов), способствующих совершению преступления, роль которых в механизме преступного поведения может быть и значительной.

Предлагаем раскрыть их содержание применительно к личности убийцы.

*Злостный убийца* – наиболее опасный тип. Его злостность выражается в ранее многократном совершении преступлений против личности или общественного порядка, которые превращаются в привычный род занятий. Злостным может быть назван и тот, кто совершил одно, но особо тяжкое убийство, например, убийство с особой жестокостью, из корыстных побуждений и т. п. Злостные убийцы могут быть участниками преступных сообществ, характерных для организованной преступности. Такие преступные сообщества, как показывает практика, включают различные категории злостных убийц – особо опасных, профессионалов. Особо опасные убийцы – это, как правило, многократно судимые опасные рецидивисты, лица, устойчивое преступное поведение которых носит ярко выраженный криминальный характер [12].

*Ситуативный убийца* совершает преступление под влиянием криминогенных обстоятельств внешней среды, совокупность которых составляет ситуацию совершения преступления. Поведение личности здесь определяется главным образом конкретной



жизненной ситуацией. Последнюю можно условно разделить на два вида: личностно-ситуативную и ситуацию, возникшую под влиянием объективных обстоятельств, внешних к личностным характеристикам виновного. С.В. Бородин к ситуативному типу относит лиц, впервые совершивших преступление [13].

*Случайный убийца* – это убийца, ранее, как правило, не проявлявший признаков антиобщественной направленности и совершивший преступление под давлением внешней ситуации [14]. Существование данного типа криминогенной личности у многих ученых вызывает сомнения. Поэтому данная проблема должна быть исследована специально.

И, наконец, для *неустойчивого или импульсивного* типа убийцы присуще внезапно сформировавшееся побуждение, которое вызывает совершение определенного действия, т. е. умышленного лишения жизни потерпевшего. Импульсивные действия совершаются по первому побуждению, без размышлений об их социальном значении и последствиях [15]. Субъективная оценка таких действий в значительной степени ретроспективна и потому не может оказать заметного влияния на выбор социально одобряемого варианта поведения [16].

С.Н. Абельцев высказывает предположение, что случайный тип связан с совершением только неосторожных преступлений. Рассуждая на этот счет, он пишет, что «... важно точно установить, было ли совершено преступление случайно или, наоборот, явилось результатом укоренившихся взглядов и установок. Для изучения лиц, совершивших случайные преступления, деяния по небрежности, для их типологии необходима классификация неосторожных преступлений [17]. Характер случайностей различен. Человек, в силу своих привычек, поведения, сам часто «идет навстречу» неосторожного преступления. Здесь может быть проведена аналогия с виктимным поведением. Случайность может быть определена как неучитываемое или непредвиденное наступление некоего события (чистая, ничем не объяснимая случайность). В то же время можно наблюдать объективно, закономерно обусловленные случайности [18]. В первом случае люди совершают преступление действительно неосторожно, вопреки общей положительной направленности их поведения. Во втором случае преступление допускается в результате легкомысленного, небрежного, безалаберного поведения» [19].

Как показал анализ мнений осужденных за умышленные убийства, преобладающая доля мужчин среди респондентов позволяет считать убийство типично «мужским» (88,5 %) преступлением. Женщины же характеризуются значительно меньшей степенью криминогенности. Причины тому, на наш взгляд, следует искать в тех социальных условиях, которые определяют роль женщины в обществе, специфику их потребностей и интересов, особенности микросреды и взаимоотношений с окружающими и т. д. Природная же основа, т. е. половые, психофизиологические и другие особенности женщин оказывают воздействие на факт совершения ими преступления, а не на форму их преступного поведения, поскольку выполняют лишь роль условий, а не причин преступности.

Тем не менее немало умышленных убийств совершается лицами женского пола. Так, по статистическим данным за 2001 год, в Республике Узбекистан число умышленных убийств, совершенных женщинами, составило 1,6 % от общего числа преступности, стоит отметить, что убийств, совершенных мужчинами, зафиксировано также 1,6 % от общего числа. В последующие годы эта ситуация отражалась в следующих показателях:



в 2002 г. – 1,5 и 1,8 %; в 2003 г. – 1,4 и 1,5 %; в 2004 г. – 1,1 и 1,5 %; в 2005 г. – 0,8 и 1,5 %, в 2006 г. – 0,9 и 1,5 %; в 2007 г. – 0,8 и 1,2 % [20].

Другим важным криминологическим признаком, характеризующим преступников, является возраст. Он не только является показателем биологической зрелости и психологического развития индивида, но и обладает значительным социальным содержанием. С увеличением возраста происходят изменения самой личности: ее социальных ролей и функций, привычек, характера, мотивации поступков, реакции на различные конфликтные ситуации [21].

Очевидно, что убийцы в возрастном соотношении распределены не равномерно. Так, по результатам исследования, наиболее криминогенную возрастную группу составили лица в возрасте от 25 до 39 лет, на долю которого приходится 65,5 % совершенных убийств. Вторую, менее криминогенную возрастную группу составили лица от 40 до 49 лет (15,5 %), за ней следуют убийцы в возрастной группе от 13 до 24 лет (12 %), и самую меньшую группу составляют лица старше 50 лет и выше (7 %).

Такой расклад обусловлен как специфическими особенностями самого преступления, так и тем обстоятельством, что возрастной период от 25 до 39 лет охватывает наиболее мобильную и активную в социальном плане часть населения и связан, соответственно, со временем наибольшего накопления и обострения у людей конфликтов индивидуально-психологического и социально-психологического характера, нередко обуславливающих пьянством, социальной и моральной деградацией, проявлением жесткости, повышенной агрессивности и т. п. Отсюда на рассматриваемый возрастной период выпадает большее количество бытовых убийств.

Изученный контингент лиц, совершивших особо тяжкое убийство, обладает невысоким уровнем образования. Почти половина из них (49,5 %) получили среднее образование, 22,5 % – общее среднее, 14 % – среднее специальное, профессиональное и лишь 6 % обучались в вузе или получили диплом о высшем профессиональном образовании. Остальные (8 %) имели неоконченное среднее или начальное образование.

Среди лиц, осужденных за умышленные убийства при отягчающих обстоятельствах, 55 % являлись безработными, рабочими – 32 %, за ними следуют служащие (7 %). Немногие также работали по частному найму или занимались предпринимательством. Учащаяся молодежь, осужденная за убийство, представлена школьниками (2 %), учащимися лицеев, колледжей и т. п. (3 %) и студентами вузов (1 %).

Не состоящих в браке либо расторгнувших брак во время отбывания наказания также значительно больше в обеих группах, чем замужних: последних лишь 12,5 % – среди ожидающих трудностей с трудоустройством и 87,5 % – среди не ожидающих такие трудности.

С этим вопросом напрямую связаны проблемы с трудовым и бытовым устройством осужденных женщин после предыдущего освобождения. Не все осужденные женщины нуждались в прошлом в помощи в бытовом и трудовом устройстве после предыдущего освобождения, так как большинство судились впервые: таких 61,2 %. Из остальных, то есть из тех, кто уже отбывал лишение свободы и имеет опыт освобождения из колонии по исполнению наказания, лишь 8,6 % такая помощь была оказана. 14,3 % женщин никто не помогал после освобождения с работой и жильем, хотя женщины нуждались в такой помощи, и 59,4 % женщин не нуждались в ней.

Значительная часть среди тех женщин, кому помогли после освобождения, так же, как и все осужденные женщины, находятся в среднем возрасте (30,7 %). Однако среди них почти на 6 % больше женщин 40-49 лет, чем среди общей массы осужденных женщин – их 47,9 %. Среди тех, кому не была оказана помощь, женщин такого возраста почти столько же – 50 %. Однако среди тех, кто не нуждается ни в какой помощи, их немного меньше – 28,3 %. На втором месте по численности во всех группах женщины 30-39 лет. Их, соответственно, – 18,7, 12,5 и 14,6 %. Последнюю группу составляют женщины 20-29 лет (13,8 %).



Таким образом, можно констатировать, что, в первую очередь, помощь в бытовом и трудовом устройстве необходима женщинам без определенных занятий.

Несмотря на то, что, по оценке воспитателей, значительная часть осужденных выходит на свободу характеризующимися положительно, по большинству можно сделать заключение, что после выхода из колонии и с жильем, и с устройством на работу имеются проблемы. В отношении женщин, освобожденных из мест лишения свободы, дополнительными гарантиями трудоустройства могут стать:

- обеспечение первоочередного направления на профессиональное обучение по востребованным на рынке труда специальностям безработных матерей, освобожденных из мест заключения;

- направление молодых специалистов женского пола, не имеющих опыта работы, на специализированную практику с внесением ее в стаж работы и с частичной компенсацией нанимателям затрат на оплату труда;

- дополнение списка категорий граждан, для которых осуществляется квотирование рабочих мест, многодетными матерями-одиночками, женщинами, находящимися в крайне тяжелом социальном положении, с обеспечением системы квот системой выплат или субсидий и т. д.

Изучение международных актов в данной сфере, устанавливающих определенные правила и требования, имеет решающее значение. Значение международных стандартов в сфере пенитенциарной политики не ограничивается лишь определением некоторых положений касательно статуса и условий содержания осужденных. Их роль весьма велика, в частности, они служат своеобразным социальным «инструментом» в следующем: в коррекции ориентации пенитенциарной политики государства, гуманизации механизма реализации государственного принуждения (в частности, в виде раздельного содержания некоторых категорий осужденных и заключенных), внедрении международных общепризнанных методов и условий работы пенитенциарных учреждений, гармонизации национального законодательства, осваивании современного прогрессивного зарубежного опыта [7].

Забота об этом является одной из составляющих общей заботы о социальной реабилитации женщин, выходящих на свободу. Например, как отмечают А.В. Щербаков и А.Б. Налдеев, тюрьмы Норвегии представляют собой нечто среднее между хорошим учебным заведением, нормальным кооперативным хозяйством и уютным горнолыжным курортом с неплохим питанием. В недавно построенной тюрьме Хальден, расположенной на 30 га в сосновом лесу и рассчитанной на одновременное пребывание 252 заключенных, стандартная камера – это комната площадью 12 кв. м, оборудованная современной мебелью, ЖК-телевизором и душевой (2 кв. м). На территории тюрьмы расположены культурный центр со студией звукозаписи, комнатами для творчества, библиотекой, зимним садом; спортивный центр с большим залом для занятий; отдельные домики для длительных свиданий с родственниками; помещение для школьных и лабораторных занятий; медицинский центр и производственные мастерские. Помещения тюрьмы украшены произведениями искусства, на приобретение которых был потрачен почти 1 млн долларов. Режим тюрьмы в Хальдене предполагает свободное перемещение заключенных [8].

В период отбывания наказания в виде лишения свободы немало внимания уделяется изучению личности осужденной, с использованием различных тестов и опросников. Изучение личности осужденного позволяет судить о результатах исправления и, как следствие, о возможности представления осужденного к условно-досрочному

освобождению, замене не отбытой части лишения свободы более мягкой формой наказания или помилованием, и правильно применять амнистию [9].

Перед воспитателями стоит важная задача: какие вопросы подлежат изучению личности осужденной, к примеру:

- микросреда и условия формирования личности (профессия и форма деятельности родителей, влияние других членов семьи на осужденного);
- материальная обеспеченность семьи;
- взаимоотношения и морально-психологический климат в семье;
- период учебы в школе, успеваемость; отношения со сверстниками и учителями;
- причины и условия возникновения криминального поведения;
- наличие психических расстройств в развитии личности.

### Выводы

Таким образом, в отношении женщин, освобожденных из мест лишения свободы, исходя из результатов воспитательной работы и личностного изучения, дополнительными гарантиями трудоустройства могут стать:

- обеспечение первоочередного направления на профессиональное обучение по востребованным на рынке труда специальностям безработных матерей, освобожденных из мест заключения;
- направление молодых специалистов женского пола, не имеющих опыта работы, на специализированную практику с внесением ее в стаж работы и с частичной компенсацией нанимателям затрат на оплату труда;
- дополнение списка категорий граждан, для которых осуществляется квотирование рабочих мест, многодетными матерями-одиночками, женщинами, находящимися в крайне тяжелом социальном положении, с обеспечением системы квот системой выплат или субсидий и т. д.

Как отмечает в своем исследовании М. Курбанов, опыт развитых стран показывает, что развитие предпринимательской деятельности играет очень важную роль для рыночных отношений. Предпринимательство также является движущей силой развития общества и экономической основы гражданского общества [10]. Уголовно-исполнительное законодательство Латвии, например, предусматривает заключение трудового договора между осужденным и «коммерсантом» под контролем администрации пенитенциарного учреждения. Разумеется, ни о какой передаче заключенного частным лицам речи не идет. По-видимому, заключенные, содержащиеся в открытых учреждениях, должны иметь право на заключение трудовых договоров с негосударственными работодателями. Конечно, при условии строгого соблюдения трудового и уголовно-исполнительного законодательства и его целей.

### REFERENCES

1. Filosofskii slovar' [Philosophical Dictionary]. Moscow: Politicheskaya literatura, 1991, p. 10.
2. Trubnikov V.M. Sotsial'naya adaptatsiya osvobodivshiesya ot otbyvaniya nakazaniya [Social adaptation of those released from serving the sentence]. Kharkov: VKhZiU, 1990, p. 5.
3. Ponomarev P.G. O printsipe ravnopraviya osuzhdennykh s lisheniem svobody [On the principle of equality of convicts with imprisonment]. Sovetskaya yustitsiya – Soviet justice. Moscow, 1991, no 9, p. 4.



4. Makarenko A.S. Soch. [Compositions]. Vol. 5. M.: Pedagogika, 1958, p. 75.

5. Psikhologiya i pedagogika v professional'noi podgotovke sotrudnikov organov vnutrennikh del [Psychology and pedagogy in the professional training of employees of internal affairs bodies]. Moscow: VNII MVD RF, 1993.

7. Salaev, N. (2020) "Paradigm of forming a liberal penitentiary system – origins, trends and prospects," *Review of law sciences*: Vol. 4 : Iss. 1, Article 19. Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol4/iss1/196/](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol4/iss1/196/). DOI: 10.24412/2181-1148-2020-4-1-18

8. Andenes I. Nakazanie i preduprezhdenie prestuplenii [Punishment and prevention of crimes]. Moscow: Yuridicheskaya literatura, 1979, p. 153.

9. Shcherbakov A.V., Naldeen A.B. Polozhitel'nyj opyt funkcionirovaniya penitentsiarnykh uchrezhdenii Norvegii i vozmozhnosti ego ispol'zovaniya v rossijskikh usloviyakh [Positive experience of the functioning of penitentiary institutions in Norway and the possibility of using it in Russian conditions]. *Molodoj uchenyj – Young scientist*. 2015, no 2, p. 394.

10. Guzalkhon Akhmedova. Scientific and Practical Support For Studying The Personality and Environment Of Convicts, *Psychology and Education*, vol. 58, no. 1 (2021), pp. 2110-2122. Available at: <http://psychologyandeducation.net/pae/index.php/pae/article/view/1089/>. DOI: 10.17762/pae.v58i1.1089/.

10. Курбанов, М.М. Преступления, связанные с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность в Республике Узбекистан / М. М. Курбанов // Актуальные проблемы юриспруденции: сборник статей по материалам XXXI международной научно-практической конференции, Новосибирск, 19 февраля 2020. Новосибирск: Общество с ограниченной ответственностью «Сибирская академическая книга», 2020. – С. 56-63.

# ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Исмоилов Олимжон Юсупжон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси академияси  
мустақил изланувчиси, 1-даражали юрист,  
Olim.Ismoilov.91@inbox.ru

**Аннотация.** Мақолада латент жиноятлар тушунчасининг шаклланиши, латент жиноятларнинг турлари ва таснифлари ўрганилган. Турли хил олимларнинг латент жиноятларни тоифаларга ва турларга ажратиш бўйича фикр ва мулоҳазалари ҳақида фикр юритилади. Латент жиноятчилик статистикаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** латент, латент жиноятчилик, латент жиноятчиликнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, латент жиноятларни таснифлаш.

## ЛАТЕНТНАЯ ПРЕСТУПНОСТЬ: ПОНЯТИЕ И КЛАССИФИКАЦИОННЫЕ ОСОБЕННОСТИ

**Исмоилов Олимжон Юсупжон угли,**

юрист 1-класса, соискатель Академии  
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье исследуется формирование понятия латентных преступлений, изучены виды и классификация латентных преступлений. Обсуждаются взгляды и мнения различных ученых о классификации латентных преступлений на категории и виды. Проанализирована статистика латентной преступности.

**Ключевые слова:** латент, латентные преступления, виды латентных преступлений, причины возникновения, классификация латентных преступлений.

## LATENT CRIME: CONCEPT AND CLASSIFICATION FEATURES

**Ismoilov Olimjon Yusupjon o'g'li**

1<sup>st</sup> Class Lawyer,  
Applicant of the Academy of the General  
Prosecutor's office of the Public of Uzbekistan

**Abstract.** The article examines the formation of the concept of latent crimes, studies the types and classification of latent crimes. In addition, the views and opinions of various scientists on the latent crime classification into categories and types are discussed. Besides, the statistics of latent crime are analyzed.

**Keywords:** latent, latent crimes, types of latent crimes, causes of occurrence, classification of latent crimes.





Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жиловлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда 80 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ички ишлар идоралари тузилмаси янгиланди, ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин ишлаш учун маҳаллаларга йўналтирилди. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми яшайдиган маҳаллаларда жиноятчилик муаммосига бутун жамоатчилик эътиборини қаратиш ва унга қарши самарали кураш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Кейинги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали меҳнати ва жамоатчиликнинг кучли назорати туфайли умумий жиноятчиликнинг камайиши кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда, жамият учун хавfli бўлган латент (яширин) жиноятларнинг тури ва таснифий хусусиятларида бир оз бўлса-да ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида юритилаётган жиноят-ҳуқуқий статистик ҳисобот бўйича 2018 йилда жами жиноятларнинг 3256 таси латент жиноят сифатида рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 719 тага ортиб 3975 тани ташкил этди. Статистик ҳисоботда кузатилаётган, эътибор бериш жуда зарур бўлган яна бир ҳолат, латент жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлаётганлигидир. Кейинги йилларда иқтисодиёт, давлат бошқаруви, компьютер технологиялари, молия-банк соҳаларида коррупцион латент жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиб, 2019 йилда уларнинг сони 98 тани ташкил этган. Бу ҳолатлар юридик соҳада олиб борилаётган тадқиқотларда латент жиноятлар ва уларнинг турлари, келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этиш бугунги кунимиз учун долзарб эканлигини англатади.

Лотин тилидан таржима қилинганда “латент” (latens, latentis) яширин, кўринмас, ташқи кўринишга эга эмас деган маънони билдиради [1]. Ушбу атама ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида яширин, номаълум ва кўринмас ҳодиса ва жараёнларни ифодалашда кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “латент” тушунчасига таъриф берилмаган бўлиб, “латентлик даври”га таъриф берилган. “Латентлик даври” яширин даври: 1) физиологияда танага (орган, тўқима, ҳужайра ва бошқаларга) ҳар қандай ўзга жисм таъсир қилган вақтдан бошлаб, жавоб реакциясини олганига қадар бўлган давр ҳисобланади, 2) тиббиётда касаллик ривожланишининг яширин даври [2], масалан, “коронавирус” (Kovid-19) касаллигининг яширин даври (латентлик даври) 14 кун давом этиши кўпчиликка аён бўлди.

“Латент” тушунчаси юридик фанга жиноятчиликнинг барча кўринишларини синчковлик билан ўрганиш даврида кириб келган бўлиб, бу тушунча жиноятнинг ҳақиқатда содир бўлган, аммо турли сабабларга кўра яширин бўлиб қолган қисмини белгилашда қўлланилган [3]. Юридик адабиётларда латент жиноятларнинг турли хил талқинлари мавжуд бўлса-да, аксарият ҳолларда латент жиноятларнинг умумий тушунчасига унинг асосий, зарурий белгиси сифатида номаълум (яширин) жиҳатининг мавжудлиги олинади. Адабиётларда латент жиноятларни ифодалашда турли хил атамалар қўлланилади: “латент жиноят”, “латент жиноятчилик”, “яширин жиноят”, “номаълум жиноят”, “шубҳали (қоронғи) сонлар”, “шубҳали атама” ва бошқалар.

Латент жиноятчилик ҳақида дастлабки фикрлар А. Кетле, Э. Ферри, Ф. Захаревич каби криминалогларнинг асарларида учрайди. Биринчилардан бўлиб жиноятларнинг латентлик даражасини баҳолаган таниқли белгиялик криминалог А. Кетленинг таъкидлашича: “..., биз билган умумий жиноий статистика, рўйхатдан ўтган ва суд ҳукми чиққан жиноятлар билан бир қаторда, яширин жиноятлар миқдори ўртасида

деярли ўзгармас боғлиқлигини инобатга олмас эканмиз, жиноятчилик тушунчаси ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Таъкидлаш жоизки, агар яширин жиноятлар ҳисобга олинмаганда эди, шу вақтгача жиноий статистика маълумотлари асосида қилинган таҳлилларнинг барчаси ёлғон ва маъносиз бўлар эди” [4]. Ўз даврида, А. Кетле латент жиноятларга одил судловга номаълум бўлиб қолган жиноятлар сифатида таъриф берган [5].

Жиноят сифатида рўйхатга олинган ва ҳақиқатда содир этилган жиноятлар нисбати билан латент жиноятлар ўртасидаги боғлиқлик масалаларини XIX асрда ғарб криминологлар Р. Майо-Смита, Р. Реснер ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин [6].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида (ўтган асрнинг 60-йилларида) латент жиноятчилик муаммосига эътиборни қаратган биринчи криминолог олимлар А.А. Герцензон, Н.Н. Кондрашков, А.С. Шляпочников, Ф.М. Захаревич ва бошқалар ҳисобланади.

Миллий криминология фанида латент жиноятчилик тушунчаси нисбатан камроқ ўрганилган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида нашр этилган юридик энциклопедияда “латент жиноятлар – жиноят ишлари олиб борувчи, тергов қилувчи давлат идораларига жиноят тўғрисида хабар келмаслиги ва аниқланмай қолиши” оқибатида юзага келган жиноятлар сифатида келтирилган [7].

Юқоридагига ўхшаш тарзда латент жиноятчилик тушунчаси И. Фазилова, И. Исмаилова, К. Абдурасуловлар таҳрири остида чоп этилган криминология бўйича китобларда ҳам таърифланган [8].

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, криминологияда латент жиноятчилик тушунчаси ҳақида умумий ҳамма бирдек қабул қиладиган тушунча мавжуд эмас. Латент жиноятларнинг энг содда, замонавий ва лўнда таърифи С.М. Иншаков томонидан берилган бўлиб, унга кўра, латент жиноятлар – бу содир этилган жиноятларнинг рўйхатдан ўтказилмаган қисмидир [9].

С.М. Иншаковнинг фикрига қўшилган ҳолда, мазкур тушунчани янада аниқлаштириш мақсадида, уни муҳим ўрин тутадиган қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан тўлдириш мумкин:

- латент жиноятчилик – умумий жиноятчиликнинг таркибий қисми;
- унинг ўзига хос сон ва сифат билан боғлиқ хусусиятлари мавжуд;
- латент жиноятлар статистикаси, қоида тариқасида расман рўйхатга олинган жиноятлар сонига зид.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 декабрдаги ҚК-83, 08/УМ-706-18, 1, 84, 01-02/22-77-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон жиноят-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”да латент жиноятчилик тушунчасига батафсил ва тўғри таъриф берилган.

“Латент жиноят – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан номаълум бўлган ёки маълум бўлган бўлса-да, ҳисобга олишдан қасддан яширилган, муқаддам рўйхатга олинмаган ёки рўйхатга олинган бўлса-да, нотўғри ҳуқуқий баҳо берилиши натижасида жиноят деб топилмаган, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмиш”, деб таъриф берилган.



Латент жиноятчилик тушунчаси аниқ ифодалангандан сўнг, унинг таснифий жиҳатларини, ҳар бир турининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш унга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бугунги кунда криминология фанида латент жиноятчиликни турли хил мезонлар билан таснифлаш кузатилмоқда. Бунда содир этилган ҳодисани *аниқ ёки ноаниқлигига, яширин ёки яширилганлигига, жиноятларни латентлик даражасига, жиноятлар тоифасига* кўра гуруҳларга ажратиш кузатилмоқда.

Латент жиноятчиликни дастлаб таснифлашга ҳаракат қилган криминолог олимлар А.С. Шляпочников и Г.И. Забрянскийлардир [10]. Улар барча латент жиноятларни жиноят содир этилган ҳодисанинг аниқ ёки ноаниқлигига қараб тўрт гуруҳга ажратишни таклиф этганлар:

- биринчи гуруҳга содир этилганлиги аён бўлган жиноятлар киритилган. Ушбу жиноятлар ҳақида маълумот очиқ ва ошкора. Жабрланувчи ва уларнинг қариндошлари жиноятчини аниқлаш ва айбдорларни жазолаш учун тегишли органларга жиноят ҳақида хабар беришдан манфаатдор;

- иккинчи гуруҳга ошкоралиги чекланган жиноятлар киритилган. Ушбу тоифадаги жиноятлар ҳақида жабрланувчилар ҳар доим ҳам турли сабабларга кўра (етказилган зарарнинг камлиги, вақтини беҳуда сарфламаслик ва б.) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришмайди. Бироқ жабрланувчилар уларга нисбатан содир этилган жиноятни қариндошларидан, танишларидан яширмайдилар;

- учинчи гуруҳга кўп ҳолатларда содир этилган жиноят ҳақида фақат жиноятчи ва жабрланувчига аён бўлган жиноятлар киритилади. Жабрланувчиларнинг ўзи жиноий тажовуз ҳолатини яширишдан манфаатдор бўлганлиги сабабли (шарманда бўлиш, қасос олиш ва бошқа ҳолатлар), бундай жиноятлар тўғрисида маълум қилмайди;

- тўрттинчи гуруҳга мавҳум жиноят киритилган. Кўп ҳолатларда жиноий ҳодиса ҳақида жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам билмасликлари мумкин. (сайлов ҳуқуқи бузилганлиги, мулкка зарар етказиш ва бошқалар)

Таснифлашда юқоридаги мезонга амал қилган Г.М. Аглямова [11] латент жиноятларни бешта гуруҳга ажратган:

- 1) номаълум жиноятлар – ушбу жиноятлар ҳақида ҳеч ким билмайди ёки кимдир бу жиноятлар ҳақида тахмин қилиши (сезиши) мумкин. Масалан, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар. Бунинг асосий сабаби – жабрланувчи ҳуқуқий билимининг саводхонлиги пастлигидир;

- 2) аниқланмаган жиноятлар – бу туркумга, яққол содир этилган, бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар келиб тушмаган жиноятлар киради;

- 3) фош этилмаган жиноятлар – ушбу жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан турли воситалар, усуллар ва услублар ёрдамида фош этилмаган ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланмаган жиноятлардир;

- 4) очилмаган жиноятлар – аниқланган, фош этилган, тергов қилинган, бироқ айрим сабабларга кўра тўлиқ очилмаган жиноятлар.

- 5) жиноий статистикада қайд этилмаган жиноятлар.

Бу ерда айрим чалкашликларга йўл қўйилганлиги сезилиб турибди, чунки фош этилмаган ёки очилмаган жиноятлар латент жиноятлар таърифида келтирилган биринчи талабга, яъни “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан номаълум бўлган”, деган шартга мос келмайди. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлганлиги учун ҳам “очилмаган ёки фош этилмаган” жиноятлар гуруҳига киритилган.

Латент жиноятларни таснифлашнинг янада соддалаштирилган тури А.И. Долгова ва Е.О. Марлухина [12] томонидан таклиф этилган. Улар латент жиноятларни яширин жиноятлар (хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлмаган жиноятлар) ва яширилган жиноятлар (хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлган, бироқ жиноятчилик статистикасида акс эттирилмаган, рўйхатга олинмаган жиноятлар)га ажратган.

Бизнинг фикримизча, ушбу таснифлаш жиноятларнинг айрим турларини тоифалашда мураккаб ва қийин ҳисобланади.

Энг кенг тарқалган таснифлаш Х.Д. Алиқперов ва Р.И.Расуловлар [13] томонидан таклиф этилган. Улар мавжуд жиноятларни латентлик даражасидан келиб чиқиб турларга бўлишган:

- 1) латентлик даражаси юқори бўлган жиноятлар;
- 2) латентлик даражаси ўрта бўлган жиноятлар;
- 3) латентлик даражаси паст бўлган жиноятлар.

Жиноятларнинг ушбу тоифада турланиши жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар учун жуда қулай бўлиб, куч ва воситаларни мақсадли равишда латентлик даражаси юқори бўлган жиноятларга йўналтириш имконини беради.

Бироқ бу тоифада жиноятларнинг турланиши фақат умумий хусусиятга эга бўлиб, латент жиноятларнинг моҳиятини ва келиб чиқиш сабабларини жиний ҳодиса сифатида тушунишга ёрдам бермайди. Шунингдек, айрим жиноятлар, масалан геноцид (153-модда), терроризм (155-модда), қўпоровчилик (161-модда) жиноятлари латент бўлиш эҳтимоли пастлиги сабабли, ушбу жиноятларни таснифлаш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли ушбу жиноятларни учинчи, яъни латентлик даражаси паст бўлган гуруҳга киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, криминолог олимлар латент жиноятларни жиноятлар тоифасига қараб ҳам ажратишган:

- 1) иқтисодий;
- 2) коррупциявий;
- 3) экологик;
- 4) маиший зўравонлик;
- 5) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган;
- 6) бошқа турдаги жиноятлар.

Бу нисбий таснифлаш бўлиб, жиноятчилик даражасига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, ушбу рўйхатга жинсий эркинликка қарши жиноятлар (номусга тегиш (118-модда), бесоқолбозлик (120-модда) каби жиноятларни ҳам киритиш мумкин. Жамиятнинг компьютерлаштирилишига қараб, туман ва қишлоқларда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни ушбу тоифадан чиқариш мумкин.

Ҳар бир жиноят ўзига хос латентлик даражасига эга бўлиб, жиний қилмишнинг моҳияти, содир этилиш сабаблари, шароитлари ва омиллари билан чамбарчас боғлиқ.

Масалан, экологик жиноятлар латентлигининг асосий сабаблари фош этишнинг усул ва услубларининг номукамаллигидир. Шунингдек, ушбу ҳолатда жиноятнинг “қурбони” сифатида табиатнинг ўзи бўлиб, унга етказилган зарар ва жиний қилмиш ҳақида хабар бера олмайди. Бундан ташқари, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши каби экологик жиноятларни аниқлаш ва расмийлаштириш учун махсус билим талаб этилади, бу эса баъзан жуда қийин ва имконсиз ҳисобланади.





Иқтисодий ва коррупциявий жиноятларнинг латентлашувида баъзан тизимнинг оммавий коррупциялашганлиги ҳамда иқтисодий ва мансабдорлик жиноятларини фош этиш учун етарли билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Маиший зўравонлик ва жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг латентлигининг ўзига хослиги, баъзи ҳолларда жабрланувчилар томонидан уларга нисбатан содир этилган жиноий тажовузларнинг овоза бўлиб кетишини истамаслиги ва миллий-ментал омиллар сабаб бўлади.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг латентлик даражаси юқори бўлиб қолишлигига асосий сабаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларида жиноятларни фош этиш учун касбий маҳорат ва етарли тажриба йўқлиги ҳамда хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ, миллий тизимнинг етарли даражада рақамлаштирилмаганлигидир.

Республикамизда “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”да латент жиноятлар келиб чиқиш сабабларига кўра қуйидагича таснифланган:

- жабрланувчининг ўзига нисбатан содир этилган жиноятни ҳуқуқий билимларининг етарли даражада эмаслиги сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки ахлоқ нормаларининг бузилиши сифатида нотўғри баҳоланганлиги ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаганлиги;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мансабдор шахсининг малакаси етарли эмаслиги сабабли, содир этилган жиноятга нотўғри ҳуқуқий баҳо берилганлиги натижасида жиноят эмас деб топилганлиги;

- содир этилган жиноят корхона, муассаса, ташкилот ёки алоҳида шахсларга маълум бўлмаганлиги ёки маълум бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаганлиги;

- жабрланувчи ўзига нисбатан жиноят содир этилганлигини аниқ била туриб, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилмаганлиги;

- жиноят тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишни қасддан яширганлиги.

Бугунги кунда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган ҳамда дарсликларга киритилган тасниф А.М. Алексеев ва А.Н. Роша [14] томонидан таклиф қилинган. Муаллифлар латент жиноятчиликни қуйидаги турларга ажратишган:

- 1) табиий латент жиноятлар (табиий латент жиноятлар остида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят ҳодиса факти аён бўлмаган ҳолатлар тушунилади);

- 2) сунъий латент жиноятлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари содир этилган жиноятлар тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлишига қарамай, уларни қасддан рўйхатга олмаган, ҳисобдан яширилган жиноятлар);

- 3) чегарадош вазиятдаги латент жиноятлар (ушбу жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор бўлишига қарамасдан, ходимларнинг қилмишни малакалашда хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли жиноят сифатида рўйхатга олинмаган жиноятлардир).

Жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашишнинг асосий омили бу жиноятларнинг нафақат рўйхатдан ўтказилган қисми, балки ҳақиқий ҳолати ва сони ҳақида тасаввурга эга бўлишдир. Жиноятчиликка қарши курашишда куч ва воситаларнинг тўғри йўналтириш, режалаштириш, келгусида жиноят ортиши мумкин



бўлган соҳаларни башоратлашда аниқ рақамларга эга бўлиш талаб этилади. Бу масалада расмий статистика билан бир қаторда, латент жиноятчилик динамикаси ва турларини илмий жиҳатдан таҳлил этиб бориш ҳам ижобий натижага эришишга кўмак беради.

## REFERENCES

1. Slovar' inostrannyh slov [Dictionary of foreign words]. Moscow, 1980, p. 279.
2. Uzbekiston Millij Jenciklopedijasi [National Encyclopedia of Uzbekistan]. 2003, vol. 5, p. 702.
3. Sazonova N.V. Latentnaja prestupnost': ponjatie, prichiny, izmerenie. Dis. kand. jurid. nauk [Latent prestupnost: ponyatie, prichiny, izmerenie. Dissertation of the candidate of legal sciences]. 12.00.08. Krasnojarsk, 2004, 164 p.
4. Gorjainov K.K., Ovchinskij V.S., Kondratjuk L.V. Uluchshenie vzaimootnoshenija grazhdan i milicii: dostup k pravosudiju i sistema vyjavlenija, registracii i ucheta prestuplenij [Improvement of mutual civil and militia: access to law and order system, registration and registration of offenses]. Moscow, 2001, p. 4. Available at: <http://www.indem.ru/cja/nasel.htm/>.
5. Kettle A. Zh. Social'naja fizika, ili opyt issledovaniya chelovecheskih sposobnostej [Social Physics, or the Experience of Researching Human Abilities]. Kiev, 1911, 262 p.
6. Kovalkin A.A. Latentnaja prestupnost' i ee vyjavlenie organami vnutrennih del. Uchebnoe posobie [Latent crime and its identification by the internal affairs bodies. Tutorial]. Kiev, KVSh of the Ministry of Internal Affairs of the USSR, 1985, 96 p.
7. Tadzhihanov. Juridik jenciklopedija []. Tashkent, Shark, 2001.
8. Kriminologiya. Umumii qism: IIV olii ta'lim muassasalari uchun darslik / I.Ismamilov, K.Abdurasulova, I.Fazilov; Mas'ul muxarrir Sh.T.Ikramov-T.: Ўzbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015- 70-77 b.
9. Inshakov S.M. Latentnaia prestupnost' v Rossiiskoi Federatsii: 2001 - 2006 / Pod red.: Inshakov S.M. - M.: Zakon i pravo, IuNITI-DANA, 2007. - 351 c.
10. Zabrianskii G.I., Shliapochnikov A.S. Vyavlenie latentnoi prestupnosti // Sovetskoe gosudarstvo i pravo. - M.: Nauka, 1971, № 5. - S. 98-103.
11. Agliamova G.M. Prichiny latentnoi prestupnosti: poisk novykh podkhodov // Vestnik Volzhskogo universiteta im. V.N. Tatishcheva. Seriya «Iurisprudentsiya». - Tol'iatti: VUiT, 2007, Vyp. 68. - S. 55-60.
12. Dolgova A. I. Kriminologiya: uchebnoe posobie / - M.: Norma., 2010. – 152 s., Marlukhina E.O. Kriminologiya - uchebnoe posobie. «Dashkov i K» M.: 2010g. 372 s.
13. Alikperov Kh.D. Poniatie i prichiny latentnoi prestupnosti. Baku, 1989. 40 s.,
14. Alekseev A.M., Rosha, A.N. Latentnaia prestupnost' i effektivnost' deiatel'nosti pravookhranitel'nykh organov // Voprosy bor'by s prestupnost'iu. - M.: Iurid. lit., 1973, № 19. S. 30-45

# ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Махмудов Суннатжон Азим ўғли,  
Тошкент давлат юридик университети  
“Жиноят-процессуал ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси,  
s.maxmudov@tsul.uz

**Аннотация.** Мазкур мақолада жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг алоҳида (махсус) қоидалари мавжуд бўлганда уларни ҳисобга олиш масаласи ўрганилган. Жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳамда жазо тайинлаш принципларининг жазо тайинлашдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Шу билан бирга, мазкур мақолада жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг жазо тайинлашдаги амалий аҳамияти айрим жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ўрганиш орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари, енгилроқ жазо тайинлаш билан ўзаро фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатлари, жазо тайинлашда уларни қўллаш билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жазо тушунчаси, жазо тайинлаш, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, жазо тайинлаш принципи, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин қўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш.

## ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, УЧИТЫВАЕМЫЕ ПРИ НАЗНАЧЕНИИ НАКАЗАНИЯ, КАК ОДИН ИЗ КРИТЕРИЕВ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ

Махмудов Суннатжон Азим угли,  
преподаватель кафедры "Уголовно-процессуальное  
право" Ташкентского государственного  
юридического университета

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются особенности смягчающих обстоятельств при назначении наказания и вопрос их учета при наличии специальных (особых) правил смягчающих обстоятельств. Были проанализированы роль, значение общих основ и принципы назначения наказания. Кроме того, в статье проанализировано практическое значение обстоятельств, смягчающих наказание, путем их изучения. Также изучены вопрос о деятельном раскаянии виновного в содеянном, различные и сходные особенности наказания с назначением более мягкого наказания, а также некоторые теоретические и практические проблемы, связанные с применением их при назначении

наказания. Вместе с тем разработаны соответствующие рекомендации и предложения по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** понятие наказания, назначение наказания, смягчающие и отягчающие обстоятельства, принцип назначения наказания, явка с повинной, чистосердечное раскаяние, активное способствование раскрытию преступления, добровольное возмещение причиненного вреда.

## CIRCUMSTANCES CONSIDERED AT AN ASSIGNMENT OF PUNISHMENT AS ONE OF THE CRITERIA FOR CRIME PREVENTION

**Maxmudov Sunnatjon Azim ugli,**

Lecturer of the Department of Criminal Procedural Law,  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article examines the features of mitigating circumstances when imposing punishment and the issue of taking them into account in the presence of special rules for mitigating circumstances. The role and importance of the general foundations and principle of sentencing have been analyzed. At the same time, this article analyzes the practical significance of the circumstances mitigating punishment when imposing punishment by studying some of the circumstances mitigating punishment. Moreover, the active remorse of the guilty in the offense, various and similar features of punishment with the assignment of a lighter punishment, as well as some theoretical and practical problems associated with their application in the assignment of punishment have been studied in the article. In addition, relevant recommendations and proposals have been developed to improve the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** the concept of punishment, assignment of punishment, mitigating and aggravating factors, sentencing principle, genuine remorse, sincere repentance, active assistance in the disclosure of a crime, voluntary reparation of the caused harm.

Бугунги кунда жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар, жумладан, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, уларни қўллаш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни профилактика қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ушбу мақоланинг долзарблигига тўхталиб ўтамыз.

**Биринчидан,** бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳамда қабул қилинаётган давлат дастурларининг мазмун-моҳияти жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни тадқиқэтишни заруратга айлантирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 78-бандида жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартибини янада кенгайтириш чораларини кўриш масаласи белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 43-бандида қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга



оид нормаларни қўллаш жараёнида инсон омилини бартараф этиш бўйича жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини қайта кўриб чиқиш белгиланган.

Шунга кўра, юқоридаги давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатмоқда.

**Иккинчидан**, илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Жиноят кодексида белгиланган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни янада кенгайтириш ҳам тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида ҳам миллий хусусиятлар ва шароитларни, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни эътиборга олган ҳолда жиноят қонунчилигига хорижий тажрибани имплементация қилиш, жумладан, жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш лозимлиги назарда тутилган. Шунга кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаларини тадқиқ этиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

**Учинчидан**, замонавий юриспруденция талаблари асосида айрим жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг нотўғри талқин этилиши, мантиқан бир-бирини такрорловчи енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги уларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам туғдирмоқда. Бу эса, жиноятларнинг олдини олишда айрим муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда.

**Тўртинчидан**, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаган айрим жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ўз хусусиятига кўра баҳоловчи мезон асосида аниқланади. Аммо Жиноят кодексида ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг баҳолаш мезонлари белгилаб қўйилмаган. Бу эса, судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни етарли даражада баҳолаш имкониятини истисно этади ҳамда қонунни қўллашда хатоликларга олиб келади.

Натижада, шахсга асоссиз равишда ҳукм чиқариш ёхуд унга инсббатан енгиллаштирувчи ҳолатни ноўрин ҳисобга олиш, шунингдек, жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнида инсон омили сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Суд амалиётида жиноят қонунини қўллаш билан боғлиқ камчиликлар ва қонундаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар мазкур мавзунинг назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар танланган мавзусининг долзарблигини кўрсатиб бермоқда.

Мақоланинг мақсади жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш асосларини илмий, амалий жиҳатдан ўрганиш орқали жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашиш, уларнинг олдини олиш, жиноят қонунчилиги, жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётидаги муаммоларни аниқлаш, олиб борилган тадқиқот натижалари ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг қиёсий таҳлили

натижаларига асосланган ҳолда илмий, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишида қўлланилган усулларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот ишида анализ ва синтез, мантиқий ва тизимли, формал-ҳуқуқий, статистик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган бўлиб, суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлаш вақтида амал қилиши лозим бўлган умумий мезонлар мустаҳкамланган. Суд жазо тайинлаш вақтида юқоридаги моддада белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, агарда ушбу асослар мавжуд бўлса, уларни ҳисобга олиш масаласига алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар, албатта, жиноятларни профилактика қилиш ва уларнинг олдини олишда муайян аҳамиятга эга. Чунки жазо тайинлашдан мақсад ҳам маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш ҳисобланади. Шу билан бирга, айбдорнинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлардан бири ҳисоблади.

Айбдорнинг шахси жиноят содир этган шахснинг руҳий ва биологик хусусиятларини, шунингдек, унинг ижтимоий моҳиятини қамраб оладиган тушунча ҳисобланади.

Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.

Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулот, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.лар киради.

Жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини эътиборга олиш қуйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида олиб борилади [1, Б. 387]:

**1) жисмоний** – судланувчининг ёши ва жинси, унинг меҳнатга лаёқатлилиги, ногиронлиги, соғлиғи (аёлларнинг ҳомиладорлиги);

**2) ижтимоий-демографик** – судланувчининг мансаби, касби, меҳнатга муносабати, маълумоти, давлат мукофотларига эга эканлиги, кундалик турмуш тарзи, оила аъзоларига, қариндошларига бўлган муносабати, жамоат тартибига риоя қилиши, маънавий ахлоқи, қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз шахслар борлиги ва бошқалар. Бундан ташқари, судланувчининг яшаган ижтимоий муҳити, унинг моддий аҳволи, ғайриижтимоий ҳулқ-атвори шаклланишига сабаб бўлган шароитларни аниқлаш лозим;

**3) жиноят-ҳуқуқий** – илгари содир қилган жинояти учун судланганлиги оқибатида ўта хавфли рецидивист деб тан олинганлиги;

**4) кримнологик** – шахснинг жамиятга қарши ҳаракатлар содир этишга мойиллиги, илгари озодликдан маҳрум қилинганлиги, илгари ижтимоий хавфли жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги ёки жавобгарликдан озод этилганлиги, бунда шуни эсда тутиш лозимки, ушбу ҳолатлар айбдорнинг шахсини таҳлил этиш пайтида эътиборга олиниши мумкин, лекин улар содир этган ҳаракатнинг жиноий эканлигини йўққа чиқарувчи ҳолатлар сифатида қаралмаслиги шарт.





Жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик маълумотларни инобатга олишда, шахс илгари содир этган жинояти учун судланганликнинг олиб ташланганлиги ёки тугатилганлиги ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракати учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эмас, балки айбдорнинг шахсини таҳлил қилишда инобатга олиниши мумкинлигини эътиборга олиш лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатмаларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатувларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим. Судланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо турини ва миқдорини белгилашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Айтилганда, судланувчи ҳаққоний кўрсатмалар бериш билан адолат қарор топишига кўмаклашса, бу суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ёки айбдорнинг кўмаги даражасига қараб, унинг шахсини ижобий тавсифловчи ҳолат сифатида эътиборга олиниши лозим бўлади. Айбдорнинг шахсини таҳлил қилганда суд жазо қўллаш жараёнида уларнинг мажмуини ўрганиб чиқиши шарт. Шу вақтнинг ичида нафақат айбдор ҳақида маълумотни, балки жабрланувчи ҳақида маълумотни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки улар ўзаро муносабатларининг таҳлили ва объектив баҳоси адолатли ҳукм чиқаришга ёрдам беради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида инобатга олинган шахснинг барча белгилари ҳукмда акс эттирилиши керак, бунда, жазо тайинлаш вақтида айбдорнинг шахси инобатга олинган деб кўрсатишнинг ўзи етарли бўлмайди. Хусусан, “судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозим”.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган бўлиб, суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлаш вақтида амал қилиши лозим бўлган умумий мезонлар мустаҳкамланган.

Суд жазо тайинлаш вақтида ҳар бир жиноят иши бўйича юқоридаги моддада белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, агарда ушбу асослар мавжуд бўлса, уларни ҳисобга олиш масаласига алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси 54-моддасининг иккинчи қисмида жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар белгиланган. Яъни суд жазо тайинлашда:

- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси;
- содир этилган қилмишнинг сабаблари;
- етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори;
- айбдорнинг шахси;
- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Демак, Жиноят кодекси 54-моддасининг иккинчи қисмига асосан, суд жазо тайинлашда **жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни** ҳам ҳисобга олади. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдорнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг аниқ ифодаланиши ҳамда суд ҳукмида тўғри баён қилиниши шахсга нисбатан адолатли

жазо тайинланишига хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, қонун чиқарувчи мазкур ҳолатларни жиноятчининг шахси, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини белгиловчи жиҳатлардан бири сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 3-бандига асосан, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовузнинг объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмишнинг содир этилиш ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.

Шунингдек, тайинладиган жазо тури ва меъёри айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларга ҳам боғлиқ.

**Маълумот учун:** *Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати; ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳуқ-атвори, машғулоти, шахсий ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради.*

Демак, мазкур кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ҳам, албатта, жиноятларнинг олдини олишда муайян аҳамиятга эга. Чунки айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар жазо тури ва меъёрини белгилашда ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида жазо тайинлашнинг умумий асослари таърифи ҳамда уларни жиноятларнинг олдини олишдаги аҳамияти мавжуд эмас.

Шунга кўра, мазкур ҳолат юзасидан жиноят ҳуқуқи назариясида турли хил фикрлар билдирилади.

Масалан, **Л.А. Прохоров** эса жазо тайинлашнинг умумий асосларини “Жиноятнинг объектив ва субъектив хусусиятларига, шунингдек, жиноятчининг шахсига мос келадиган жазо чорасини белгилашнинг умумий қоидаси” [2, Б. 13-14], деб тушунтиришга ҳаракат қилган.

**С.В. Бородин** жазо тайинлашнинг умумий асосларини суд томонидан ҳар бир судланувчининг аниқ бир жинояти бўйича жазо тайинлашда қўлланилиши керак бўлган мезонлардан иборат деб ҳисоблайди [3, Б.409].

Демак, жиноят ҳуқуқи назариясида жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан соҳа мутахассислари томонидан турлича қарашлар илгари сурилган. Умумий маънода жазо тайинлашнинг умумий асослари деб, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо чорасини белгилашнинг умумий қоидаси тушунилади. Чунки жазо тайинлашнинг умумий асослари жазо тайинлашда суд томонидан амал қилиниши лозим бўлган қоидаларни ўзида ифола этади. Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича мазкур қоидаларга асосан жазо тайинлайди. Бундан ташқари, баъзи бир муаллифлар жазо тайинлашнинг умумий асосларини жиноят учун жазо тайинлаш принциплари билан бир хил тушунча деб ҳисоблашади.

Илмий адабиётларда жазо тайинлашнинг умумий асослари ва жазо тайинлаш принциплари бир хил мазмунга эга бўлган тушунчалар эканлиги таъкидланади, чунки жазо тайинлаш асослари жазо тайинлаш принципларининг функцияларини бажаради [5].



Бу билан улар жазо тайинлашнинг умумий асосларини ҳар бир судланувчига тўғри ва адолатли жазо тайинлаш учун суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олиниши ва асосланиши керак бўлган, жиноят қонунчилигида ёки жиноят ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган таянч ғоялар сифатида баҳолаб, уларнинг боғлиқлигини таъкидлашади.

Мазкур вазиятда жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида А.С. Якубов ва бошқалар томонидан илгари сурилган қарашларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

**Аннотация.** Рақамли далиллар бугунги жамиятда одил судловни амалга оширишнинг энг яхши воситаларидан биридир. Фақат бу рақамли далилларнинг турларига ва улардан қандай фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабли ушбу мақола рақамли далилларнинг умумий концепцияси, уларнинг манбалари ва жиноятларни тергов қилишда рақамли ахборотларни тўплаш, рақамли далиллар билан ишлашнинг асосий принциплари ҳамда тергов ва суд амалиётида рақамли далиллар яхлитлигини таъминлаш ва уларни баҳолашнинг ўзига хос мезонларини ёритишга қаратилган. Ушбу долзарб жиҳатларни ёритишда халқаро ташкилотлар, ривожланган давлатлар ҳамда энг яхши амалиёт тизимлари томонидан ишлаб чиқилган замонавий процедураларидан фойдаланилиб, уларнинг афзаллик ва муаммоли жиҳатлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, рақамли далиллар билан ишлаш бўйича миллий амалиёт ва қонунчиликдаги муаммолар ҳам тизимли таҳлил қилинган ҳамда амалий ечимлар ишлаб чиқилган. Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон Республикасида рақамли далиллар билан боғлиқ амалиёт ҳолатини тасвирлаб бериш ҳамда ушбу масалалар юзасидан келажакда ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонун, процедуралар, йўриқнома, кўрсатмалар учун ривожланган давлатлар ва энг яхши амалиёт тизимларининг тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда рақамли далилларга оид нормаларнинг халқаро стандартлар ва ҳужжатларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилиши юзасидан тавсиялар беришдир.

**Калит сўзлар:** рақамли далил, тўплаш, баҳолаш, хеш қиймати, халқаро стандарт, ISO/IEC, G8 гуруҳи.

## ХАРАКТЕРИСТИКИ РАБОТЫ С ЦИФРОВЫМИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВАМИ В УГОЛОВНОМ РАССЛЕДОВАНИИ

**Каримов Бобуржон Зокиржонович,**  
преподаватель кафедры  
«Криминалистика и судебная экспертиза»  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** Цифровые доказательства – одно из самых эффективных средств отправления правосудия в современном обществе. Это зависит от типов цифровых доказательств и от того, как их использовать. В статье основное внимание уделяется общей концепции цифровых доказательств, их источникам и сбору



цифровой информации в ходе уголовных расследований, основным принципам работы с цифровыми доказательствами, конкретным критериям обеспечения целостности цифровых доказательств и их оценки при проведении расследований и в судебной практике. Для освещения этих проблем были использованы современные процедуры, созданные международными организациями, развитыми странами, и передовой опыт, а также проанализированы их преимущества и недостатки. Кроме того, системно проанализированы проблемы в национальной практике и законодательстве при работе с цифровыми доказательствами, предлагаются разработанные практические решения. Цель статьи – описать состояние практики цифровых доказательств в Республике Узбекистан и использовать опыт развитых стран и передовую практику для будущих законов, процедур, руководств и инструкций по этим вопросам, а также дать рекомендации по развитию норм цифровых доказательств в соответствии с международными стандартами и законодательством.

**Ключевые слова:** цифровые доказательства, сбор, оценка, хэш-значение, международный стандарт ISO / IEC, Группа G8.

## CHARACTERISTICS OF WORKING WITH DIGITAL EVIDENCE IN CRIMINAL INVESTIGATION

**Karimov Boburjon Zokirjonovich,**

Tashkent State University of Law

Lecturer of the Department of Criminalistics and Forensic Investigation

**Abstract.** Digital evidence is one of the most effective means of administering justice in modern society. It simply depends on the types of digital evidence and how to use them. Therefore, this article focuses on the general concept of digital evidence, its sources and collection of digital information in criminal investigations, the basic principles of working with digital evidence, and the specific criteria for ensuring the integrity of digital evidence and evaluating them in investigative and judicial practice. In order to highlight these issues, modern procedures created by international organizations, developed countries and best practices have been used, and their advantages and disadvantages have been analyzed. In addition, problems in national practice and legislation on working with digital evidence have been systematically analyzed and practical solutions have been developed. The purpose of this article is to describe the state of digital evidence practice in the Republic of Uzbekistan and to apply experience of developed countries and best practice for future laws, procedures, guidelines and instruction on these issues, also to make recommendations on the development of digital evidence norms in accordance with international standards and law.

**Keywords:** digital evidence, collection, evaluation, and hash value, international standard, ISO/IEC, Group G8.

Интернет тармоғи давлатлараро юрисдикция билан боғлиқ чегараларни олиб ташлади. Шу боис соҳада содир этилган жиноятларни аниқлаш ёки фош этиш масалалари анча қийинлашди. Сўнгги бир неча йил ичида компьютер технологиялари жадал ривожланиб кетганлиги сабабли, технологик тараққиёт ютуқларидан тўлиқ фойдаланиш, давлатларнинг кибер жиноятлар ва унга алоқадор қонунчилик муаммоларини бартараф этиш учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб борди.



Миллий қонунчиликда рақамли далилларни тергов амалиётида қўллаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Хусусан, рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар билан ишлаш қоидалари қонунчиликда ўз аксини топмаган. Шунинг учун ҳам рақамли далиллар билан ишлаш процедурасини ташкил этиш анча мураккаб жараёнга айланган. Бундан ташқари, рақамли далилларни тўплаш ва баҳолашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги, мустақил далил тури сифатида қабул қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Моддий далилларнинг бошқа шаклларида фарқли ўлароқ, рақамли далилларни бир тугмачани босиш билан яратиш, йўқ қилиш ёки ўзгартириш мумкин. Ҳатто бу ишни инсон аралашувисиз ҳам амалга оширишнинг имкони бор. Рақамли далиллар бошқа манбалардан қўлга киритиб бўлмайдиган ноёб маълумотлар билан таъминлайди [13, 152-б.]. Ҳужжатнинг рақамли нусхаси билан чоп этилган нусхаси солиштирилганда, қоғозли нусхада биз унинг таркиби ҳамда бошқа кўзга кўринадиган маълумотларни, масалан, қўлда ёзиш билан боғлиқ механик белгиларни кўришимиз мумкин. Далилларнинг рақамли шакллари эса қурилма томонидан яратилган бир хил контент маълумотларини, қўшимча маълумотларни ва метамаълумотларни ўзида мужассам этади. Метамаълумотлар файл муаллифининг номи, исми, файл яратилган вақт, охириги марта сақланган санаси, киритилган ўзгартиришлар ва бошқаларни кўрсатиши мумкин. Рақамли далилларнинг бошқа турлари рақамли маълумот яратилган қурилма, юборилишидан олдинги ва кейинги ҳолатлари ҳақида ахборот беради. Метамаълумотлар ахборотнинг нафақат мазмунини, балки у яратилган вақт ва жараёнлар ҳақида ҳам батафсил маълумот беради [7, 52-б.].

Рақамли далиллар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатларидан бири уларни тўплаш масаласидир. Чунки рақамли далилларни тўплаш ўзига хос процедурани талаб қилади. Бунда қандай ҳодиса рўй берганлигини ҳамда гумон қилинувчи ва воқеа гувоҳларини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилади. Гумон қилинувчи аниқ бўлса ёки гувоҳлар мавжуд бўлса, уларни дарҳол сўроқ қилиш лозим. Бундан ташқари, рақамли қурилмаларни лабораторияга олиб бориш ёки ҳодиса жойида таҳлил қилиш масаласини ҳал қилиш лозим. Шундан кейин потенциал далилларнинг объектлари ва жойлашуви аниқланади. Бунда далилларнинг қаерда жойлашганлиги ва турларига эътибор қаратилади. Масалан, рақамли далилларнинг қаттиқ дискда, оператив хотирада, серверларда, уланиш қурилмаларида ёки булут сақлаш тизимида жойлашганлиги ҳамда рўйхатга олиш қайдлари, браузер маълумотлари, электрон почта қайд ҳисоблари ва бошқа рақамли маълумотлар аниқланади.


Рақамли қурилмалар аниқлаб олингандан сўнг, умумий тартиб бўйича саралаш ва қурилмалар билан боғлиқ махсус қоидалар бажарилишини таъминлаш лозим.

Биринчи қоида, *агар рақамли қурилма ўчирилган бўлса, уни ёқиш мумкин эмас.*

Иккинчи қоида, *агар рақамли қурилма ёқилган бўлса, уни ўчириш мумкин эмас.*

Ушбу қоидаларга амал қилган ҳолда, ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилади. Бунда қандай қурилма эканлиги ҳамда унинг товар белгиси, модели ва серия рақами баён этилади. Рақамли қурилманинг қандай ҳолатда экан (ўчирилган, ёқилган, қулф ҳолатида, уйқу режимида ёки шикастланган)лиги қайд этилади. Барча жараёнлар суратга олиниши лозим. Чунки ҳозирги ахборот жамиятида битта расм мингта сўздан устун туради.

Аниқланган рақамли далилларни ҳодиса содир бўлган жойда қайта ишлашнинг тегишли усуллари ҳам мавжуд [1, 107-б.]. Вазиятга қараб ҳар доим турли усуллар мавжуд бўлади. Ҳолатга кўра қурилма хотирасининг тўлиқ ёки қисман тасвири яратилади. Бунда рақамли далилларнинг хусусиятлари ҳамда маълумотларни узатиш ҳажми инobatга олиниши лозим.



Расм [8].



Асосий компонентлар бу – ишчи профили: браузер маълумотлари, фотосуратлар, электрон почта ёзувлари, тармоқ маълумотлари ва бошқалар. Анъанавий компьютер текширувлар USB-хотиралар, дискетлар ва оптик воситалар (компакт-дисклар ва DVD), қаттиқ дисклар ва ташувчиларни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ташқи муҳитда сақланадиган маълумотларга қўшимча равишда, ҳар бир ишлайдиган компьютерда асосий хотирада ёки тезкор хотира (RAM)да жойлашган маълумотлар омбори мавжуд. Ушбу омбор ҳажми 4–16 ГБгача (ҳозирда энг кўп фойдаланиладиган) бўлиб, кўпинча амалиётда эътиборсиз қолдирилади. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, тасодифий кириш хотира (RAM)дан асосий хотирада топилмаган маълумотларни тўплаш мумкин.

Тизим хотирасини таҳлил қилиш ёки ундан маълумотларни олиш анчайин мураккаб жараён. Шунинг учун ушбу жараённи амалга ошириш учун мутахассисда компьютер жараёнлари, ҳодисалари, тизим хотираси (RAM) структураси, турли операцион тизимларнинг ишлаш механизми ва виртуал машинанинг ишлаш механизми ҳақида билим ҳамда кўникмалар бўлиши лозим [9].

Тизимдан қувватни узганда ёки рақамли қурилма ўчирилганда, ундаги ўчувчан маълумотлар (РАМ хотираси) йўқолиб кетади. Мазкур маълумотлар сирасига исмлар ва пароллар, шифрлаш калитлари, тезкор хабар алмашиш сеанслари, очиқ маълумотлар, электрон почта хабарлари, яширин кодлар, рўйхатга олиш маълумотлари ва бошқа муҳим далиллар киради. Ушбу маълумотлар компьютер фаолиятининг мақсади тўғрисида ахборотларни тақдим этишга ёрдам беради. Афсуски, бу маълумотларнинг аксарияти реал вақт режимида мавжуд бўлиб, экспертиза усулида, яъни ўчирилган ҳолатда лабораторияга олиб борилган қурилмаларда сақланиб қолмайди.

Жиноятларнинг турига қараб, тўпланадиган маълумотларнинг тури аниқланади. Мисол учун, қотиллик жиноятини тергов қилишда гумон қилинувчининг почта хабарлари, журнал маълумотлари, файллар ҳамда жойлашув (геолокация) маълумотлари муҳим ҳисобланса, пул ювиш, молиявий фирибгарлик, терроризмни молиялаштириш каби жиноятларда гумон қилинувчига оид рақамли қурилмасининг қаттиқ дискида сақланиб қолган тезкор хабарларга кириш амалий аҳамиятга эга ёки терроризм ҳолати учун қаттиқ дискни эмас, балки тизим хотирасида сақланган почта манзиллари ва телефон рақамларига оид маълумотлар муҳим саналади. Тергов жараёнида айнан қайси объектлар қидириляётганлигини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга. Масалан, олдиндан тузилган режага асосан хотира ҳажми, файллар сони, пароллар ва шифрлар аниқланиб, ҳужжатлаштирилиши лозим.

Рақамли далиллар юзасидан тергов ва суд амалиётида энг катта муаммолардан бири бу рақамли далилларни баҳолаш масаласидир. Рақамли далиллар табиатан мўрт ҳисобланади, чунки уларни осонликча ўзгартириш, бузиш ёки нотўғри фойдаланиш ва текшириш натижасида йўқ қилиш мумкин. Қарор қабул қилувчилар рақамли далилларнинг ишончлилигини таъминлаш учун ISO/IEC 27037 [10] стандартига таяниши мумкин. Бундан ташқари, рақамли далилларни ҳимоя қилиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш билан шуғулланадиган ташкилотлар, шунингдек, тегишли тартиб-қоидаларни ишлаб чиқарувчилар ва баҳоловчи идоралар томонидан фойдаланилиши мумкин.

ISO/IEC 27037 стандарти рақамли далилларни яхлитлиги ва ҳақиқийлигини таъминлаш учун уйғунлаштирилган ва умум қабул қилинган методикаларни тақдим

этади. Шунингдек, талаблар ва процедураларнинг изчиллиги орқали юрисдикциялар ўртасида рақамли далил алмашинувини осонлаштиришга хизмат қилади.

Ушбу халқаро стандарт потенциал рақамли далилларни аниқлаш, тўплаш, олиш ва сақлаш учун масъул бўлган шахсларга ҳам кўрсатмалар беради. Ушбу шахслар рақамли далилларга жавобгар (DEFR), мутахассис (DES)лар, ҳодисаларга жавоб бериш бўйича мутахассислар ва экспертиза лабораториялари бошқарувчиларини ўз ичига олади. Бу халқаро стандарт, рақамли қурилмалар ва рақамли далиллар бўйича терговни самарали, тизимли ва холисона олиб борилишини таъминлашга ёрдам беради.

ISO стандарти ҳар хил шароитларда ишлатиладиган қурилмалар ва/ёки функциялар учун кўрсатмалар беради. Ушбу халқаро стандартни қўллаш миллий қонунлар ва қоидаларга риоя қилишни талаб қилади. Рақамли далилларнинг яхлитлигини сақлаш учун қонунни қўлловчи халқаро стандартдаги процедураларни миллий қонунчиликка мослаштириши лозим.

Шунингдек, “рақамли тергов” жараёнида эътиборга олиниши керак бўлган бошқа ISO/IEC халқаро стандартлари мавжуд [2, 240-б.].

#### 1-жадвал

##### (Халқаро стандартлар)

№	Ҳодисагача	Ҳодиса вақтида	Ҳодисадан сўнг
1	ISO/IEC 27035	ISO/IEC 27035	ISO/IEC 17025
2	ISO/IEC 27043	ISO/IEC 27041	ISO/IEC 27037
3	ISO/IEC 30121	ISO/IEC 27043	ISO/IEC 27042

ISO/IEC стандартларини ҳам мукамал деб атай олмаймиз, албатта! Ушбу стандартлар ҳам бир қатор камчиликларга эга. Масалан, ISO/IEC 27037 стандартида рақамли далилларнинг яхлитлигини таъминлаш ва баҳолаш учун жуда муҳим бўлган хеш қийматларини қўллаш масалалари очиқ қолдирилган.

Рақамли далилларни баҳолаш тартиби ва принциплари турли юрисдикцияларда кескин фарқ қилади. Буюк Британия, Австралия ва АҚШ каби англо-саксон ҳуқуқ тизимида эга мамлакатларда бир қатор умумий тамойиллар мавжуд.

II. Соммер судлар рақамли далил мақбуллигини таъминлашда унинг ҳақиқийлиги, аниқлиги ва тўлиқлиги принципларга риоя этиши зарур, деб ҳисоблайди [5, 3-б.]. Мазкур принциплар моҳияти қуйидагилардан иборат:

– ҳақиқийлик – рақамли далил муайян ҳолат ва шахсга алоқадор ёки улар ҳақида саволларга жавоб бера оладиган шахс томонидан яратилган [11] бўлиши зарур. Агар томонлар далилларни ўзи талаб қилган нарса эканлигини кўрсата олмаса, суд уларни аҳамиятсиз деб ҳисоблайди;

– аниқлик – маълумотни тўплаш, таҳлил қилиш учун қўлланиладиган процедураларнинг оқилона, объектив ҳамда амалга оширилган ҳаракатлар моҳиятини тушунтира оладиган шахс томонидан ишлаб чиқилганлиги;

– тўлиқлик – рақамли далиллар муайян ҳолатлар ёки воқеаликни тўлиқ тасвирлаб бериши керак.

Соммернинг принциплари процедуралардан кўра уларни амалга оширувчи шахсларга кўпроқ боғланган. Унинг рақамли далилларни баҳолаш мезонлари





халқаро ташкилотлар ёки энг яхши амалиёт тизимлари томонидан ишлаб чиқилган принциплар ва процедураларга мос келмайди. Жумладан, АҚШ ва бошқа давлатлар ўртасида кибер жиноятларга қарши кураш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга кўмаклашиш мақсадида “G8” йирик саноатлашган давлатлар гуруҳи ташкил этилган. Мазкур гуруҳ рақамли далилларга оид процедураларнинг 6 та принципини таклиф қилган [3, 673-б.]:

1) рақамли далиллар билан ишлашда барча криминалистик ва процессуал таъминотлар қўлланилиши керак;

2) рақамли далилларни олишда бажарилган ҳаракатлар натижаси ушбу далилларни ўзгартирмаслиги керак;

3) рақамли далиллардан фойдаланувчи шахс, ушбу мақсад учун ўқитилган бўлиши лозим;

4) рақамли далилларни олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ёки узатиш билан боғлиқ барча ишлар тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, сақланиши ва кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

5) рақамли далиллар ишониб топширилган субъект мазкур далилларга нисбатан бажарилган барча ҳаракатлар учун жавобгар ҳисобланади;

6) рақамли далилларни олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ёки узатиш учун масъул бўлган ҳар қандай агентлик ушбу принципларга риоя қилиши шарт [6, 18-б.].

Ушбу принциплар аксарият амалиёт тизимларида рақамли далиллар яхлитлигини таъминлаш ҳамда уларни баҳолаш учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин [4, 227-б.]. Аслида рақамли далилларни тўплаш, баҳолаш ва судга тақдим этиш тартиби ушбу соҳадаги энг асосий ва долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун унга оид кўплаб кўрсатмалар, йўриқномалар, халқаро стандартлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фарқли равишда, илғор хорижий амалиётларда рақамли далиллар билан ишлаш бўйича аниқ процедуралар ишлаб чиқилган. Масалан, АҚШ Миллий адлия институти (НИЖ) ўзининг “Электрон жиноятларни тергов қилиш: биринчи жавобгар шахслар учун қўлланма”сида қуйидаги тўрт босқичли жараёни таклиф этган [12]:

1. Тўплаш – электрон далилларни излаш, тўплаш ва ҳужжатлаштиришдан иборат.

2. Текшириш – экспертиза жараёни далилларни кўринадиган ҳолга келтиришга ёрдам беради, унинг келиб чиқиши ва аҳамиятини тушунтиради. Ушбу жараён бир нечта босқичдан иборат. Биринчидан, бунда далилларнинг жами ҳолати ва мазмуни ҳужжатлаштирилади. Дастлаб барча далиллар кўринадиган ҳолатга келтирилади, шундан сўнг улар ичидан иш учун аҳамиятли бўлганлари саралаб олинади.

3. Таҳлил – текширув объектларини иш учун аҳамиятга эгалиги ва эҳтимолий қийматини кўриб чиқиш. Текшириш эксперт, мутахассис томонидан, таҳлил эса терговчи томонидан амалга оширилади.

4. Ҳисобот – маълумотларни қайта тиклаш ва текширув натижасида олинган далилларнинг тафсилотини бериш. Амалдаги тартибда олиш ва баҳолаш босқичлари мавжуд.

Кўплаб кўрсатмалар сингари юқоридаги босқичларда ҳам рақамли далилларни баҳолаш масалалари учун жуда муҳим бўлган қийматлаш жараёнлари алоҳида босқич сифатида кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги вақтда суд ишларининг аксарият қисми рақамли далиллар билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, рақамли далилларга ишлов бериш тизимини тартибга

солиш орқали процессуал тартибга оид жараёнларни амалга ошириш имконияти юзага келади [13]. Рақамли далилларни баҳолаш тергов ва суд жараёнларида ҳам амалга оширилади. Шунинг учун ушбу жараёнлардан олдин, яъни рақамли ахборотларни далил сифатида олинган вақтдаёқ уларга қиймат бериш ва бунинг учун хеш математик функциясидан фойдаланиш лозим. Чунки ушбу амалиёт ривожланган давлатларнинг энг яхши амалиёт тизимлари ҳамда халқаро агентликларнинг тажрибаси асосида ишлаб чиқилган.

**Хеш қиймати** – ихтиёрий ўлчамдаги маълумотни маълум бир белгиланган ўлчамлар билан қийматлаш учун ишлатилади. Хеш функцияси билан қайтарилган қийматларга хеш қийматлари, хеш кодлари, қайта қийматлаш ёки оддийгина хеш деб аталади [14]. Қийматлар хеш жадвали деб номланган белгиланган ўлчамдаги жадвални индекслаш учун ишлатилади.

## 2-жадвал

### (Рақамли далилларнинг қийматланиши (хеш))

Файл номи	Файл ҳажми	Конструкция	Хеш қийматлар
Баённома.docx	⇒ 59 637 bayt	MD5	⇒ 4a45dad160393f87d93317cb897cc63a
Баённома.docx	⇒ 59 538 bayt	MD5	⇒ 17SBPhXtH8AxszyEPPvFaazef6Cpup7Rg
Баённома.docx	⇒ 59 538 bayt	MD5	⇒ 17SBPhXtH8AxszyEPPvFaazef6Cpup7Rg

*Хеш функциясининг MD5, ShA1, ShA3, ShA256, ShA512, xxHash64 ва Blake2B конструкциялари мавжуд.*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, рақамли далилларни баҳолашга қаратилган аниқ мезонларни амалга ошириш зарур. Шу билан бирга, рақамли далилларни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлашнинг аниқ тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ [15]. Ушбу соҳа юзасидан юқорида санаб ўтилган муаммоларга ечим сифатида қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз:

Рақамли далиллар яхлитлигини таъминлаш ва уларни баҳолашнинг шарти сифатида “хеш” қийматларини амалиётга ҳамда қонунчиликка киритиш лозим.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик асосида иш юритиш ёки муваффақиятли халқаро ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш учун рақамли далилларга нисбатан IOCE ва ISO стандартларини жорий этиш лозим [16].

Далилларнинг яроқлилиги ҳам уларни баҳолашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун рақамли технологияларни текшириш ва ишда уларнинг далилий аҳамиятини тўғри изоҳлаш учун фақат аттестациядан ўтган рақамли криминалистик воситалар ва процедуралардан фойдаланиш лозим. Қонун чиқарувчи ушбу воситалар ва процедураларга қўйилган талабларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиши зарур [17].

Ҳуқуқий асослар етарли бўлмаган шароитда рақамли далиллар билан ишлаш масаласини қонуний ва адолатли ҳал этиш мумкин эмас. Сабаби рақамли далилларнинг тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнлари муайян тартиб ва мезонларга асосланмайди. Натижада илмий асосга эга бўлмаган турли амалиётлар



шаклланади. Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятига бўлган ишончсизлик муҳитини юзага келтиради. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда тергов ва суд амалиётини замонавий тергов услубиётлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақамли далиллар тўғрисидаги қонунни қабул қилиши мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Simson L. Garfinkel and Basis Technology Corp. Forensic Toolkit (FTK). User Guide. – AccessData Legal and Company Information. November 8, 2019. p. 107
2. Chang-Tsun Li (ed.) (2013): Emerging Digital Forensics Applications for Crime Detection, Prevention, and Security, Idea Group Inc (IGI), p.240;
3. John R. Vacca. Computer Forensics: Computer Crime Scene Investigation, Vol.1, Cengage Learning, 2005 – p. 673
4. Xuejia Lai, Dawu Gu, Bo Jin, Yongquan Wang, Hui Li. Forensics in Telecommunications, Information and Multimedia: Third International ICST Conference, E-Forensics, Shanghai, China, Springer, 2010 – p. 227
5. Bradley Schatz. Digital Evidence: Representation & assurance, Information Security Institute, faculty of Information Technologies, Queensland University of Technologies, Austria, 2007 – p. 3
6. G8. the ENFSI Forensic IT Working Group. Guidelines For Best Practice In The Forensic Examination Of Digital Technology Ver.6 FIT-2005-001., 006. Madrid. – 2009. p. 18
7. Mark L. Krotoski (2011): Effectively Using Electronic Evidence Before and at Trial, Obtaining and Admitting Electronic Evidence, United States Department of Justice Executive Office for United States Attorneys Washington, DC 20530, Volume 59, Number 6, p.52
8. Scientific Working Group on Digital Evidence (SWGDE) Best Practices for Mobile Device Evidence Collection, Preservation, and Acquisition Version 1/0/ (July 30, 2018) Page 7 of 18/
9. <https://dfirmadness.com/case-001-memory-analysis/>
10. ISO. (2012) ISO/IEC 27037:2012 Information Technology — Security Techniques – Guidelines for Identification, Collection, Acquisition, and Preservation of Digital Evidence, International Organization for Standardization, Geneva.
11. Leah Voigt Romano. VI. Electronic Evidence and the Federal Rules, 38 Loy. L.A. L. Rev. 1745, Loyola Marymount University and Loyola Law School Digital Commons at Loyola Marymount University and Loyola Law School. 2005.
12. U.S. Department of Justice Office of Justice Programs: Electronic Crime Scene Investigation: A Guide for First Responders, Washington, USA, - 2001.
13. Каримов Бобуржон (2020). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ КАТЕГОРИИ ЦИФРОВЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ. Review of law sciences, 5 (Спецвыпуск), 149-153. doi: 10.24412/2181-919X-2020-149-153
14. Khamidov Bakhtiyor Khamidovich et al. General Theoretical Issues of Improving Private Forensic Methods In The Field Of Combat Against Cybercrime. Psychology and

Education Journal, VOL. 58 NO. 1 (2021): VOLUME 58 NO. 1 (2021). DOI: <https://doi.org/10.17762/pae.v58i1.1153>

15. Хамидов Бахтиёр (2020). ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЧАСТНЫХ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ МЕТОДОЛОГИЙ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬЮ. Review of law sciences, 2 (Спецвыпуск), 221-228. doi: 10.24412/2181-919X-2020-221-228

16. Ганиев Отабек (2020). ТРАСОЛОГИЯ КАК ОСНОВА САМОСТОЯТЕЛЬНОГО УЧЕНИЯ. Review of law sciences, 5 (Спецвыпуск), 142-148. doi: 10.24412/2181-919X-2020-142-148

17. Топилдиева Дилрабо (2020). КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УБИЙСТВА ПРИ ОБНАРУЖЕНИИ РАСЧЛЕНЕННОГО ТРУПА. Review of law sciences, 1 (Спецвыпуск), 197-204. doi: 10.24412/2181-919X-2020-1-197-204



# ЭЛЕКТРОН ЁХУД РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРГА ОИД УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМ

**Хамидов Бахтиёржон Хамидович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Криминалистика ва суд экспертиза”  
кафедраси катта ўқитувчиси,  
bahtiyor1984bsj@mail.ru,

**Аннотация.** Ушбу мақолада электрон ёки рақамли далил тушунчалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Хусусан, рақамли далилларнинг ҳуқуқий ва техник хусусиятлари, уларни тўплаш, сақлаш, текшириш, транспортировка қилиш ва баҳолашга оид масалалар тадқиқ этилган. Шу билан бирга, рақамли далиллар билан ишлаш соҳасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммолар ҳамда бўшлиқлар танқидий кўриб чиқилган. Уларни бартараф этишнинг илмий асосланган йўллари ва мезонлари ишлаб чиқилган. Мақола рақамли далиллар билан ишлаш соҳасида амалга оширилган илмий-амалий тадқиқотлар, назарий олимлар ҳамда амалиётчи ходимлар фикр-мулоҳазалари ҳамда техник тадқиқотлари асосида тайёрланган. Тадқиқот натижасида рақамли далиллар билан ишлашнинг услубий қоидалари таҳлил этилган. Миллий қонунчилик, тергов ва суд амалиёти, илғор халқаро тажриба ва амалиётлар ўрганилган, уларнинг ютуқ ва камчиликлари муаллифлик хулосалари асосида асослаб берилган. Шунга асосан, рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича қонунни қўлловчи субъектлар учун энг мақбул мезонлар ишлаб чиқилган. Мақолада соҳада юзага келаётган муаммолар тизимли, ҳуқуқий, илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилган, бу юзасидан муаллифлик хулосалари шакллантирилган. Шу билан бирга, рақамли далилларнинг мақбуллигини таъминлаш, уларни идентификация ва аутентификация қилиш, эксперт хулосаларини текшириш ва баҳолашга оид масалалар ҳам ёритилган. Қонун чиқарувчи ва уни қўлловчи субъектлар учун илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** электрон далил, рақамли далил, идентификация, аутентификация, имейж, хеш функция.

## ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ, СВЯЗАННЫЕ С ЭЛЕКТРОННЫМИ ИЛИ ЦИФРОВЫМИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВАМИ: ПРОБЛЕМА И РЕШЕНИЕ

**Хамидов Бахтиёржон Хамидович,**  
старший преподаватель кафедры  
"Криминалистика и судебная экспертиза"  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье с научно-теоретической точки зрения анализируются понятия электронных или цифровых доказательств. В частности, исследованы вопросы, связанные с юридическими и техническими характеристиками



цифровых доказательств, их сбором, хранением, проверкой, транспортировкой и оценкой. В то же время критически рассмотрены проблемы и пробелы в практике национального законодательства и правоприменения в области цифровой обработки доказательств. Статья подготовлена на основе позиций теоретиков и практиков, а также результатов научно-практических и технических исследований, проведенных в области работы с цифровыми доказательствами. В результате проведенного исследования были проанализированы методологические правила работы с цифровыми доказательствами. Были изучены национальное законодательство, следственная и судебная практика, международный опыт и практика, обоснованы их достижения и недостатки на основе авторских заключений. Исходя из этого, для субъектов правоприменения были разработаны наиболее оптимальные критерии сбора, проверки и оценки цифровых доказательств. Кроме того, в статье анализируются проблемы в данной области с системной, правовой и научно-методической точек зрения и даются авторские выводы по этому поводу. При этом освещаются вопросы, связанные с обеспечением допустимости цифровых доказательств, их идентификацией и аутентификацией, проверкой и оценкой экспертных заключений. Разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации для законодателя и субъектов, применяющих закон.

**Ключевые слова:** электронное доказательство, цифровое доказательство, идентификация, аутентификация, имейдж, хэш-функция.

## GENERAL THEORETICAL ISSUES RELATED TO ELECTRONIC OR DIGITAL EVIDENCE: PROBLEM AND SOLUTION

**Khamidov Bakhtiyor Khamidovich,**

Tashkent State University of Law  
Senior teacher of the department of  
Criminalistics and Forensic Investigation

**Abstract.** This article provides a scientific analysis of the concepts of electronic or digital evidence. In particular, issues related to the legal and technical characteristics of digital evidence, their collection, storage, verification, transportation and evaluation have been investigated. At the same time, the problems and gaps in the practice of national legislation and law enforcement in the field of digital evidence processing have been critically considered. Scientifically based ways and criteria for their elimination have been developed. The article is prepared on the basis of scientific and practical research and opinions of theorists and practitioners conducted in the field of working with digital evidence, as well as technical research. As a result of the research, the methodological rules for working with digital evidence have been analyzed. National legislation, investigative and judicial practice, international experience and practice have been studied, and their achievements and shortcomings have been justified in conclusions. Based on this, the most optimal criteria for law enforcement entities to collect, verify and evaluate digital evidence have been developed. The article analyzes the problems in this area from a systematic, legal, scientific and methodological point of view and provides conclusions on this issue. At the same time, issues related to ensuring the admissibility of digital evidence, its identification and authentication, verification and evaluation of expert opinions are also covered. Scientifically



*based proposals and recommendations have been developed for the legislator and the subjects applying it.*

**Keywords:** *electronic evidence, digital evidence, identification, authentication, image, hash function.*

Ахборот технологияларининг ривожланиши назария ва амалиётга турли тушунча ва атамалар жорий этишни тақозо этмоқда. Хусусан, ўтган асрнинг 90-йилларида “компьютер далили” ёки “Интернет далили” каби атамалар кенг қўлланилган бўлса, бугун “электрон далил” ёки “рақамли далил” тушунчалари ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид масалалар ҳуқуқшунос олимлар ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур тушунча ва атамалардан қонун чиқарувчи субъект ҳам турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишда кенг фойдаланмоқда. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатларида “Рақамли Ўзбекистон”, “рақамли иқтисодиёт”, “рақамли маркировкалаш” ёки “электрон рақамли имзо”, “электрон давлат хизматлари”, “электрон маълумотлар”, “электрон харид” ёки “электрон платформа” каби атамаларни учратиш мумкин.

Афсуски, бу борада қонунчиликда айнан қайси атама илмий жиҳатдан тўғри ва асосли эканлигини тасдиқловчи тушунча мавжуд эмас. Шу маънода, рақамли технологияларга оид атамаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда илмий назарий қоидаларини ишлаб чиқиш ҳуқуқ назарияси ва амалиётидаги тизимли муаммолардан бири деб, ҳисоблаш мумкин.

Мамлакатимизда чоп этилган юридик адабиётларда ҳам электрон ёки рақамли далилларни жиноят, жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатдан ўрганиш ҳамда тартибга солишга қаратилган назарий асослар етишмайди. Мавжудлари эса маънан эскирган ёки етарлича илмий асосга эга эмас. Ушбу ҳолатлар ҳуқуқ назарияси ва қонун ижодкорлиги фаолиятида юридик атамаларни бир хилда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан процессуал ва услубий хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Аслида, ҳар қандай атама илмий жиҳатдан тўлиқ асослаб берилганидан сўнг, унга юридик мақом берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, назария қонун ижодкорлигидан фарқли равишда турли қарашлар ва тушунчаларни тадқиқ этади ҳамда илмий асосланган хулосалар беради. Бироқ норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишда ҳар доим ҳам бундай имконият мавжуд эмас. Шу боис муаммонинг оптимал ечимини топишда муайян ҳуқуқий тадқиқотларга эҳтиёж сезилиши табиий.

### **Электрон ёки рақамли далилларга оид умумназарий қарашлар**

Ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар ўртасида “рақамли” ёки “электрон” далил тушунчасини қонунчиликда белгилаш борасида турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, **биринчи гуруҳ олимлари** “электрон далил” [1, 38-б; 2, 74-б; 3, 40-б; 4, 253-б; 5, 74-б.] тушунчасини тўғри деб ҳисоблашади. Хусусан, ҳуқуқшунос олим О.Ш. Пирматов электрон далил – техника воситаларидан ва ахборот тизимларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилган, ишлов бериладиган, сақланадиган ҳамда уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган, фуқаролик суд иши учун аҳамиятга

эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотдир, деган тушунчани илгари суради.

Шу билан бирга, олим рақамли далиллар тушунчасига ҳам эътибор қаратган. Унинг фикрича, рақамли далиллар – иқтисодий процессуал ҳуқуқда тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар бор ёки йўқлигини суд томонидан аниқлашга асос бўлиб хизмат қиладиган ҳар қандай фактик маълумот ва иқтисодий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда иккилик санок системаси асосида яратилган далиллардир [6, 38-39-б].

Олим электрон далил тушунчаси рақамли далилларга нисбатан кенгроқ, деб ҳисоблаган. Бироқ О.Ш. Пирматов томонидан берилган таърифда рақамли далилларнинг юридик табиати ва моҳияти тўлиқ акс этмаган. Бундан ташқари, мазкур таърифда рақамли далилларнинг яхлитлигини таъминлашга оид қоидалар мавжуд эмас. Шу боис ушбу таърифни тўлиқ деб ҳисоблаб бўлмайди.

А.Н. Балашов, И.Н. Балашова, Д.В. Бахтеев, К.Л. Брановицкий, В.В. Долганичев, В.Б. Вехов, В.Н. Григорьев, А.И. Зазулин, О.А. Зайцев, С.В. Зуев, О.А. Максимов, М.О. Медведева, О.В. Овчинникова, Д.В. Овсянников, П.С. Пастухов ва О.В. Тушкановаларнинг фикрича, электрон далил суд процессида далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай электрон шаклда сақланган ахборотдир. Бундай далил турлари ҳар қандай электрон шаклдаги ҳужжатлар, электрон хат ёки бошқа файллар, шунингдек тармоқ ёки интернет провайдерлари томонидан сақланган электрон маълумотлар кўринишида бўлиши мумкин [7, 253-254-б.]. Ушбу олимлар электрон далилни ашёвий далилнинг бири тури сифатида эътироф этишган.

Айрим олимлар рақамли далилларни мустақил далил тури сифатида жиноят процессида белгиланишига салбий муносабат билдирган. Хусусан, Р.И. Оконенко ўз тадқиқотида электрон далил тушунчасини илгари суради. Унинг фикрича, ҳозирда “электрон далиллар” тушунчаси тўғрисида позитив ҳуқуқ категорияси сифатида сўз юритишга эрта. Шу боис электрон далил – алоҳида далил тури ҳисобланмайди, деб таъкидлайди [8, 3-б.].

Шунга ўхшаш фикр П.С. Пастухов тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Олим Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексига янги далил турини (электрон далил) ёки янги манбани (электрон ахборот ташувчи) киритиш шарт эмас, балки “далил” тушунчасини аниқлаштиришнинг ўзи кифоя қилади, деб ҳисоблаган. У маълумотлар электрон шаклда бўлади, бироқ улар анъанавий далилларнинг бир туридир, деб баҳолайди [9].

Р.И. Оконенко ва П.С. Пастуховларнинг фикри тўғри деб ҳисобланса, унда процессуал қонунчиликка биноан мазкур далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва баҳолаш мезонлари ҳам (ашёвий ёки ёзма далиллар сингари) бир хил бўлмоғи зарур. Бироқ рақамли далиллар анъанавий далилларга ҳеч бир мезон бўйича тўғри келмайди. Шу боис мазкур фикрлар ҳам амалда ўз тасдиғини топмаган.

**Иккинчи гуруҳ олимлари** эса “рақамли далил” тушунчасини илгари суришмоқда [10, 1153-б.; 11]. Ушбу гуруҳ тарафдорлари Б.З. Каримов, Д.М. Топилдиева, А.Ю. Черданцев, Шон Гудисон, Роберт Девис, Брайн Жексон, Ричард Сеферстейн, Йоган Кесей, Андре Арнес ва бошқалар ҳисобланади.

Шон Гудисон, Роберт Девис, Брайнлар рақамли далил – шахслар ва ҳодисаларнинг вақт ва муҳитдаги сабабий боғланишларини аниқлашга қаратилган ахборотдир, деб



ҳисоблайди. Мазкур далиллар кенг миқёсли характерга эга бўлиб, улар ўзига хос таъсирчан, мобил ва моддий далилларга нисбатан махсус тайёргарлик ва воситаларни талаб қилади [12]. Ушбу таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, уни анъанавий далил турларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шу боис унда рақамли далилларга хос бўлган хусусиятлар етарлича акс этмаган деб ҳисоблаш мумкин.

Ричард Сеферстейн рақамли далилларни (1) ва (0) санок тизими орқали сақланадиган, дастур ёки кодда ўрнатилган кўрсатмалар (йўриқнома) орқали чиқариб олинадиган ахборот сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, ушбу кўрсатма (йўриқнома)лар орқали фото, матн ёки электрон жадвал шаклидаги ҳар қандай ахборотни яратиш ва сақлаш мумкин. Бундай усулда сақланган далилларни қидириш ва улардан фойдаланиш суд экспертизасини ўсиб боровчи соҳаси ҳисобланади. Мазкур соҳа технологияларнинг ривожланиши билан доимо ўзгариб туради [13]. Ушбу тариф рақамли ахборот тушунчасига нисбатан қўлланилганда мазмунан тўғри бўлар эди (бу юзасидан қуйида батафсил маълумот берилган). Бироқ таъриф рақамли далилларнинг мақбуллиги ва яхлитлигига оид хусусиятларни қамраб олмаган.

Йоган Кесей (Eoghan Casey) рақамли далиллар ёки электрон далиллар суд процесси томонларининг суд муҳокамасида фойдаланиши мумкин бўлган, рақамли шаклда сақланган ёки узатилган ҳар қандай далилий маълумотдир [14], деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, рақамли далилни қабул қилишдан олдин суд унинг релевантлиги (бевосита алоқадорлиги), мақбуллиги ҳамда тақдим этилган нусхани қабул қилиш мумкинлиги ёки асли талаб этилишини аниқлаши лозим [15, 567-б.].

Андре Арнес рақамли далиллар – ҳодиса ёки жиноят гипотезасини тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган, ишончли маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай рақамли ахборотдир деб ҳисоблаган [16, 7-б.; 17, 152-б.].

Йоган Гесей ва Андре Арнеслар томонидан берилган тарифларда рақамли далилларнинг яхлитлигини (хеш қиймат) таъминлаш билан боғлиқ масалалар қоидада акс этмаган. Шу боис ушбу таърифларни ҳам тўлиқ деб ҳисоблаш мумкин эмас.

А.Ю. Черданцев эса ўз тадқиқотларида рақамли (электрон) далил тушунчасини илгари сурган. Унинг фикрича, рақамли (электрон) далил – далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни иккилик санок шаклида сақлаган ёки узатилган ахборотдир [18, 57-б.]. Фикримизча, олим томонидан таклиф этилган “рақамли (электрон) далил” атамаси унга берилган таърифнинг техник хусусиятларига мос эмас. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот ишида электрон далилнинг хусусиятлари ва фарқловчи белгилари акс этмаган. Бундан ташқари, рақамли далиллар тушунчасини фақат жиноят ҳуқуқий соҳалари билан чегаралаш, уни тор доирада ишлаб чиқилганини тасдиқлайди. Сабаби рақамли далиллар тушунчаси барча процессуал ҳуқуқ соҳалари учун бир хил мазмун ва шаклга эга.

“Рақамли далил” тушунчаси борасида тадқиқотчи Б. Каримов томонидан берилган таъриф ҳақиқатга анча яқин. Унинг фикрича, рақамли далил – рақамли қурилма ва тармоқда сақланган ёки улар орқали узатилиши билан инсон омили ёхуд кибер жараён натижасида юзага келган иш учун аҳамиятли, қийматланган ахборотдир [19, 172-б.].

Маълумки, рақамли далиллар рақамли қурилма орқали яратилади ва қайта ишланади. Рақамли далилларнинг қийматланиши (хеш функция) эса уларнинг



яхлитлиги ва ишончлилигини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Бироқ берилган таърифда рақамли далилларнинг шакли қандай бўлиши кўрсатилмаган. Шундай бўлса-да, таъриф нисбатан пухта ва аниқ ишлаб чиқилган деб ҳисоблаш мумкин.

Рақамли далиллар яхлитлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизми Россия ва МДХ давлатлари процессуал қонунчилиги ва амалиётида ҳам мавжуд эмас. Бироқ бу борада АҚШда NIST (2006), NIJ (2001), Буюк Британияда ACPO (2011), INTERPOL (2019), DFRWS (2008) каби илғор хорижий амалиётлар ҳамда ISO/IEC халқаро стандартларида рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми ёки улар билан ишлашнинг халқаро тан олинган мезонлари белгиланган [20, 63-6.].

Жумладан, АҚШ Стандартлар ва технологиялар миллий институти (National Institute of Standards and Technology) рақамли далил тушунчаси хусусида Йоган Кесей томонидан берилган таърифдан иқтибос келтиради [21, 1-6.].

АҚШ Миллий адлия институти (National Institute of Justice – NIJ) эса рақамли далил ва электрон далил тушунчаларининг ҳар бирига алоҳида таъриф берган. Унга кўра, рақамли далил – бинар шаклда сақланган ёки узатиладиган, судда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотдир [22, 38-6.]. Электрон далил эса – электрон қурилмада сақланадиган ёки ўтказиладиган, тергов учун қимматли ахборот ва маълумотдир [23, 49-6.].

Рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни тўплаш, текшириш, сақлаш, транспортировка қилиш ва баҳолаш тартибига оид нормалар процессуал қонунчилигимизда белгиланмаган. Ушбу ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш фаолиятида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Мантиқан “далил” тушунчаси иш учун аҳамиятга эга бўлган муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликни муқаддам ҳақиқатда юз берганлик фактини тасдиқлайди. Мисол учун, ҳодиса жойидан бармоқ излари топилганда, терговчи муқаддам жиноятчи томонидан қолдирилган изларни топади, олади ва қайд қилади, бироқ изларни ўзи яратмайди ёки ҳосил қилмайди. Рақамли далиллар билан ишлашда ҳам мазкур қоида амал қилади. Терговчи жиноятчи томонидан қолдирилган далилларни қидириб топади, олади ва ҳужжатлаштиради. Шу боис рақамли ахборотларни “яратиш” ва “қайта ишлаш” категориялари рақамли далил тушунчасини шакллантиришда иштирок этмайди.

Шунга кўра, рақамли далил – рақамли қурилма ёки тармоқда рақамли шаклда сақланган ёки узатилган, иш учун аҳамиятли қийматланган ахборотдир.

#### **Рақамли далилларнинг техник хусусияти**

Физик қонуниятга кўра, электр токи электр зарядларининг тартибли ҳаракати натижасидир [24]. Бошқача қилиб айтганда, электр токи энергиянинг бир шакли. Агар электр токи лампани ёритса ёки машина двигателини ҳаракатга келтирса, мазкур объектларга нисбатан “электролампа” ёки “электромобил” атамасини қўллаш мантиқан тўғри. Сабаби электр энергияси ёруғлик нури ёки материянинг ҳаракатланиши учун бевосита таъсир этади. Бироқ рақамли ахборотнинг ҳосил бўлиш механизми ушбу жараёнлардан бутунлай фарқ қилади. Шу боис бунда электр токи ёки магнит майдони фақат манба сифатида иштирок этади.

Рақамли ахборотнинг энг кичик бирлиги “бит”ни ташкил этади. Қоида тариқасида, компьютер буйруқлари алоҳида битлар билан эмас, балки бир вақтнинг ўзида саккиз



бит билан бирга ишлайди. Тизимлаштирилган саккиз бит бир *байт*ни, бундан кўп миқдордаги ахборотлар килобайт, мегабайт [25, 53-6.] ва х.к.ларни ташкил этади.

Аксарият рақамли қурилмалар электр токи ёрдамида ҳаракатга келади. Техник жиҳатдан бу – тўғри. Бироқ манбалари (электр токи, магнит майдони) нуқтаи назаридан ахборотни “электрон” деб номлаш нисбий характерга эга. Аслида, манба ахборотни бевосита қайта ишламайди, балки бунинг учун шароит яратади.

Техник жиҳатдан ҳар қандай рақамли қурилмада процессор мавжуд. Процессор ахборотни бинар шаклда – “0” ва “1” сонлари орқали қабул қилади ва қайта ишлайди. Ахборотнинг хусусиятига қараб, процессор рақамли ахборотни тўғридан-тўғри (эссемблер) ёки муайян копелаторлар орқали фойдаланувчига узатади [26, 225-6.]. Бошқача қилиб айтганда, “0” ва “1” сонлардан иборат битлар комбинацияси орқали процессор ахборотни рақамли шаклда кодлаштиради. Шундан сўнг мазкур ахборот турли матн, фото, видео, аудио, графика ёки бошқа шаклда (формат) мониторга узатилади. Мисол учун,

#### Жадвал

ISO 8859-5 стандарти бўйича							
“Мен” сўзи (кирилча) қуйидаги шаклидаги бинар (8 бит) кодлар комбинациясидан иборат.				11011100 11010101 11011101 00001010 00001010			
Тошкент давлат юридик университети ўқув биносининг фото сурати қуйидаги шаклдаги бинар кодлар комбинациясидан иборат							
	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000
	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000
	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000
	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	00000000	11111111
	00000000	00000000	00000000	00011111	10000000	11111000	00000000
	00000011	11100000	00000000	00000111	11000000	01111100	00000000
	00000000	00000000	00111110	10000000	00000000	11111111	11000000
	00000001	11000000	00111111	11111111	11111110	00000001	11111111
	11111111	11111111	11111111	11111111	00111000	01110000	11000011
	10000110	00011100	00111000	00100000	11000011	00000110	00011100
	00111000	01100000	11000011	00000110	00011100	10111000	01110000
	11000011	00001110	00011101	00111000	01110000	11000011	00001110
	00011101	00111000	01110000	11000011	00001110	00011101	01111011
	01111001	11000111	00011110	01111111	11111011	11111111	11111111
	11111111	11111101	11111111	11111111	11111111	11111111	11111101
	11111000	01110111	11011011	10001110	00011101	11111000	01100000
	11000011	00000110	00011111	00111000	01100000	11000011	00000110
	00011100	00111000	01100000	11000011	00000110	00011100	

Тадқиқот натижалари электрон далил тушунчаси мантиқан хато тушунча эканлигини тасдиқламоқда. Шунга кўра, электр токини рақамли ахборотларни яратиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш билан боғлиқ жараёнларда фақат манба сифатида иштирок этади, деб ҳисоблаш мумкин.

#### Рақамли далиллар билан ишлаш қандай ташкил этилади

Рақамли далиллар билан ишлаш жараёни уларни тўплаш, текшириш, сақлаш, транспортировка қилиш ва баҳолашнинг процессуал ва услубий қоидаларини қамраб олади. Ушбу жараёнларнинг ҳар бири мустақил босқич бўлиб, бунда муайян ҳуқуқий ва техник талабларга риоя этилади.

Рақамли далиллар билан ишлаш қоидалари барча процессуал ҳуқуқ соҳалари учун бир хил мажбурий аҳамиятга эга. Шу боис ушбу қоидалар муайян ваколатли субъект томонидан тасдиқланиши ҳамда халқаро амалиёт ва стандартларга мослаштирилиши

мақсадга мувофиқдир. Сабаби ҳуқуқни қўллаш амалиётида рақамли далиллар билан ишлаш соҳасида шаклланган турли амалиётларни унификация қилиш эҳтиёжи мавжуд.

Рақамли далиллар ўта таъсирчан ва тез ўзгарувчан хусусиятга эга. Шу сабабли улар билан ишлашда махсус тайёргарлик талаб этилади. Сабаби биргина эҳтиётсизлик натижасида тергов учун қимматли бўлган рақамли далилларга зарар етказиш ёки уларни йўқотиб юбориш эҳтимоли юқори. Бундан ташқари, қонунни қўлловчи шахс мутахассис фикри ёки эксперт хулосасини тўғри баҳолаши, самарали тергов йўналишларини белгилаши учун ҳам рақамли далилларни мустақил таҳлил этиш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бундай билимга эга бўлмаслик далилларнинг мақбуллигини хавф остида қолдиради ёки унинг бузилишига сабаб бўлади. Бу юзасидан чиқарилган суд ҳукми эса қонунга зиддир. Шунга кўра, соҳада махсус терговчи, прокурор ёки судьяларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Махсус терговчи – рақамли криминалистика соҳасида қайта тайёрлашдан ўтган, жиноят ишини тергов қилиш ваколатига эга бўлган шахсдир. У жиноят иши бўйича тергов ва тезкор гуруҳига раҳбарликни амалга оширади, иш юзасидан тўлиқ жавобгар шахс ҳисобланади. Шу билан бирга, тергов режасини ишлаб чиқади, жиноят иши бўйича тергов-тезкор гуруҳни шакллантиради, вазифаларни тақсимлайди, тергов йўналишларини белгилайди ҳамда тергов устидан умумий раҳбарликни амалга оширади. Жиноят иши юритуви бўйича прокурорни доимий хабардор этиб боради, тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги, самарадорлиги ва қонунийлигини таъминлайди. Бундан ташқари, тезкор-қидирув тадбирларининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади, рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва баҳолаш жараёнлари мақбуллигини таъминлайди. Рақамли далилни транспортировка қилиниши билан боғлиқ масалалар ҳам айнан махсус терговчи томонидан ҳал этади.

Рақамли далиллар билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти, тўпланган далилларнинг қиймати ва нусхалари бир вақтнинг ўзида ишни кўраётган эксперт, прокурор, судья ва адвокатга юборилиши билан характерланади. Бу орқали процесс иштирокчиларига тенг имконият яратилади. Сабаби рақамли далиллар қийматланганидан сўнг, уларни ўзгартириб бўлмайди. Аксинча бўлган тақдирда уларнинг мақбуллиги бузилади.

Рақамли далиллар билан ишлашнинг асосий шарти уларни эксперт, мутахассис иштирокида олиниши билан боғлиқдир. Қоида тариқасида, мутахассис эҳтимолий ахборот хавфсизлиги муаммолари тўғрисида гуруҳ аъзоларини огоҳлантиради, тизим, тармоқ конфигурацияси ҳақида дастлабки ва кейинги ахборотларни тақдим этади ҳамда ишга алоқадор ҳолатларни ҳужжатлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ишга оид бошқа ҳолатлар бўйича терговчига услубий ёрдам кўрсатади.

Шундан сўнг эксперт рақамли далиллар, излар ва уларнинг манбаларини аниқлайди, техник талаблар асосида улардан нусхалар олади ҳамда рақамли қурилмада амалга оширилган ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳужжатлаштиради. Бундан ташқари, ишга алоқадор рақамли далилларни таҳлил қилади ва тадқиқ этади, тадқиқот натижаси бўйича хулоса беради ва тергов ва суд жараёнида ўз хулосалари юзасидан тушунтиришлар беради.

Рақамли далиллар билан ишлаш жараёнида ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда профилактика инспектори ҳодиса жойига биринчи бўлиб етиб боради, ҳодиса жойи ҳақида терговчига ахборот беради, унинг чегараларини ўраб олиниши ва моддий далилларни сақланишини таъминлайди. Шу билан бирга, ҳодиса жойига кириб-чиқувчиларни ҳужжатлаштиради (мақсад-вазифалари, вақтини белгилайди).



Тезкор-қидирув ходими эса белгиланган тартибга асосан, терговчи томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлайди, рақамли далиллар билан ишлаш қоидаларига қатъий риоя этади ҳамда иш бўйича зарур тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширади.

Рақамли далиллар билан ишлаш жараёнида аризачи ёки жабрланувчининг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Терговчи ишни даставвал уларни сўроқ қилишдан бошлаши мақсадга мувофиқ. Бу орқали мавжуд вазиятга аниқлик киритилади ва жиноятни содир этиш механизми аниқланади. Корпоратив шароитларда аризачи ва жабрланувчи турли шахслар бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, рақамли далиллар билан ишлаш жараёнида судлар, банк мутахассислари ҳам заруратга кўра иштирок этади.

Рақамли далиллар имейж [27; 28, 38-б.] (визуал) усулида кўздан кечирилади, қийматланади (хеш функция) ва тасдиқланади. Рақамли далилларнинг имейж қилиш уларнинг яхлитлигини таъминлашнинг ишончли усулидир. Имейж (визуал) усули содда ва кам вақт талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Бунда рақамли далиллардан визуал (расм қилиб) нусха олинади ва уларга махсус дастурлар ёрдамида қиймат берилади. Ушбу қиймат ўзгарса, далилнинг яхлитлиги ҳам бузилади. Сабаби берилган қийматни қайта тиклашнинг имконияти мавжуд эмас.


Рақамли ахборотлардан имейж усулда нусха олишнинг фойдали жиҳати бошқа қурилмага кўчирилгандан сўнг асл қурилманинг эгасига қайтариш мумкин. Шунингдек, рақамли далил ортиқча текширувларсиз, яхлит қийматда, белгиланган тартибда судга юборилади. Ушбу усул рақамли далилларга ҳар қандай ташқи таъсирларни ҳамда зарар етишини олдини олади.

Визуал (image) нусха кўчириш орқали олинган маълумотларни очиш ва текшириш учун махсус рақамли криминалистик воситалар зарур. Масалан, “Magnet Axiom” [29], “Accessdate” [30], “EnCase”, “EnCase FIM” “Elcomsoft” [31], “Belkasoft Evidence Center 2020”, “Belkasoft Acquisition and Analysis Suite” ва ҳ.к. Ушбу воситалар рақамли далиллар билан бевосита ёки масофадан туриб ишлаш учун ҳам мўлжалланган. Муҳим аҳамиятга эга бўлган файллар рақамли суд-экспертиза дастурий воситалари орқали олинади ва намоиш этилади. Бироқ далилларнинг таркиби ва яхлитлиги ёки файл ва мета-маълумотлар ўзгартирилмайди.

Рақамли қурилма ва далиллар кўздан кечирилгач, белгиланган тартибда баённома тузилади. Баённомада рақамли далилларнинг хеш қиймати ҳолислар томонидан имзоланади. Шу йўл билан ҳолислар иштирокига оид процессуал муаммолар ечилади. Махсус дастурлар ёрдамида рақамли ахборотларга оид ҳисоботлар тергов ишига қўшиб қўйилади. Шунингдек, баённомада қандай техник қурилма ва дастурий воситалардан фойдаланилгани кўрсатилади.

Рақамли қурилмалар олингач белгиланган тартибда антистетик пакетларга солинади. Ҳар қандай механик шикастланишлар ва радиотўлқин, электро-магнит таъсирлардан ҳимояланган ҳолда ўралади. Бунда рақамли қурилмани USB ва порт каналлари ташқи томондан ёпилиб, қадоқланади. Шундан сўнг терговчи уларни транспортировка қилиш чораларини кўради.

## Рақамли қурилмалар билан ишлаш жадвали







### **Рақамли далилларни идентификация ва аутентификация қилиш**

Криминалистика назариясида идентификация ашёвий далилларнинг айнанлигини аниқлаш [32, 22-б.] мақсадида қўлланилади. Терговчи рақамли далилларни айнанлигини аниқлашда анъанавий криминалистик методлардан кенг фойдаланади. Бироқ идентификация жараёни далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини бермайди.

Анъанавий жиноятларни тергов қилишда идентификация қилинган объектлар ашёвий далил сифатида қайд қилинади. Бунда иш учун аҳамиятга эга бўлган ашёвий далилларнинг асли (жиноят предмети, қуроли ва восита) олиб қўйилади. Бироқ виртуал оламда рақамли далилларнинг мақбуллигини таъминлаш учун уларнинг ҳақиқийлигини ҳам тасдиқлаш зарур.

Идентификация ва аутентификация жараёнлари бир-бирини тўлдирувчи мустақил жараёнлардир. Одатда, ушбу жараёнлар бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет амалга оширилади.

Идентификация – фойдаланувчи ёки қурилмани ахборот тизими ёки тармоқдаги ўзига хос белгиси – идентификатори орқали аниқлашдир. Бунинг учун фойдаланувчи тизим ёки тармоққа ўз белгисини киритиши керак. Фойдаланувчининг номи (login), рақамли ёки ҳарф-рақамли коди, ники (тахаллус, лақаб), телефон, паспорт, банк картаси номерлари, телефон IMEI коди, товар штрих коди, электрон имзо e-mail, сайт манзили ва ҳаказолар шахс ёки қурилманинг идентификаторлари сифатида иштирок этади.

Аутентификация – рақамли далилларнинг ҳақиқийлигини текшириш жараёнидир. Фойдаланувчи киритган маълумотлар (логин, парол) тизим ёки тармоқ маълумотлар базасида мавжудлиги текширилади. Аутентификация жараёни бир, икки ёки кўп босқичли бўлиши мумкин. Рақамли далилларни аутентификация қилиш натижасида уларнинг манбаси, жиноятчи шахс учун хос бўлган хусусиятлар, кўникмалар, жиноят излари ҳамда иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни ҳақиқатда мавжудлиги факти тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида рақамли далилларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш (кейинги ўринларда аутентификация қилиш деб юритилади) тартибига оид нормалар белгиланмаган. Бироқ илғор хорижий давлатлар тажрибасида рақамли далилларни аутентификация қилиш бўйича амалиётлар шаклланган, бу юзасидан халқаро стандартлар [33] жорий этилган.

### **Рақамли далиллар мақбуллиги қандай таъминланади**

Рақамли далилларнинг мақбуллигини таъминлаш масаласи тергов ва суд амалиётидаги тизимли муаммолардан биридир. Бугун нафақат жиноят ишларида, балки фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ёки ҳакамлик ишларини юритишда ҳам рақамли далиллар билан бевосита тўқнаш келинмоқда. Муаммо шундаки, қонунни қўлловчи иш юзасидан адолатли қарор қабул қилиши учун рақамли далиллар билан ишлашда етарли билим, малака ва кўникмага эга эмас. Амалдаги қонунчиликда эса уларнинг ҳуқуқий мақоми ва процессуал тартибига оид нормалар белгиланмаган. Мазкур ҳолатлар процессуал ҳуқуқ соҳаларида турли амалиётларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Қонунчиликка кўра, ҳуқуқ масалалари билан боғлиқ низолар процессуал тартибда, давлат номидан ваколат берилган субъект - судлар томонидан ҳал этилади. Судлар ҳуқуқий низоларни ҳал этишда нафақат қонуний усуллардан, балки илмий



асосланган, тажрибадан ўтган, муайян нашрларда эълон қилинган ҳамда ишончилилик даражаси юқори бўлган воситалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби шахсни давлат номидан айбдор деб топиш учун қонунни қўлловчи ҳар қандай усулдан фойдаланишга ҳақли эмас. Ушбу ҳолат фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини адолатли ҳимоя қилиши учун тенг имконият бермайди.

Бундан ташқари, рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш, транспортировка қилиш ва баҳолаш бўйича ҳуқуқ билан тартибга солинган талаблар барча давлатлар учун бир хилда амал қилмайди. Мазкур ҳолатлар қонунни қўлловчида муайян юрисдикция билан боғлиқ чекловларни юзага келтиради. Шу боис илғор хорижий амалиётларда ушбу муаммоларни бартараф этишнинг техник талаблари жорий этилган.

Мисол учун, рақамли далилларга оид халқаро низоларни ҳал этишда судлар томонидан далилнинг нафақат ҳуқуқий, балки техник талабларига риоя этилгани ҳам ҳисобга олинади. Рақамли далилларнинг асли ёки нусха эканлиги ҳамда суд томонидан қўйиладиган талабларга мос ёки мос эмаслиги текширилади ва баҳоланади [34; 35; 36, 47-6.; 37, 525-6.; 38, 29-6.].

Ҳуқуқий талаблар деганда ҳуқуқни қўлловчи томонидан рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш, транспортировка қилиш ва баҳолашнинг процессуал талабларига риоя этилгани, шунингдек, иш учун аҳамиятга эга бўлган рақамли далилларнинг қонунийлиги, алоқадорлиги, яхлитлиги, етарлилиги ва ишончилигини текшириш назарда тутилади.

**Рақамли далилларнинг алоқадорлиги.** Рақамли далиллар жиноят, фуқаролик, маъмурий ёки иқтисодий суд ишлари учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

**Рақамли далилларнинг етарлилиги.** Ишботланиши керак бўлган, ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ва ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

**Рақамли далилларнинг ишончилиги.** Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллардир [39, 95-м].

**Рақамли далилларнинг қонунийлиги.** Рақамли далилларни процессуал қонунчиликка мувофиқ тўплаш, сақлаш, текшириш, транспортировка қилиш ва баҳолашнинг белгиланган тартибига амал қилинишидир.

**Рақамли далилларнинг яхлитлиги.** Махсус дастурий воситалар ёрдамида рақамли далиллар ҳажмини (алгоритм) қийматлаш орқали амалга оширилади.

Техник талаблар деганда эса рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш, транспортировка қилиш ва баҳолашда риоя этилган процедура, восита ва услублар назарда тутилади [40]. Техник талаблар рақамли далилларнинг тури ва таҳлил усули ва форматига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ҳуқуқни қўлловчи мазкур икки талабга риоя этиш орқали рақамли далилларнинг мақбуллигини таъминлайди.

### **Рақамли далилларни баҳолашнинг қандай мезонлари мавжуд?**

Процессуал қонунчиликда рақамли далилларни баҳолаш тартиби ва мезонларига оид нормалар кўрсатилмаган. Шу билан бирга, мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, тергов ва суд амалиётида ҳам рақамли далилларни баҳолаш бўйича аниқ қоидалар, тавсиялар мавжуд эмас. Бироқ ушбу масала хорижий



мутахассислар, олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган ва бу юзасидан илмий асосланган тергов амалиётлари шаклланган. Шу боис, бу борада илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда назария ва амалиётдаги бўшлиқларни тўлдириш, процессуал қонунчилик, тергов ва суд амалиётида юзага келаётган хатоликлар, муаммолар ва камчиликларнинг олдини олиш энг мақбул ечимдир.

Рақамли далилларни баҳолашда, қонунни қўлловчи дастлаб, уларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва транспортировка қилишда ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга риоя этилганини текшириши зарур [41]. Сабаби рақамли далиллар билан ишлашда иш учун аҳамиятга эга бўлмаган фуқароларнинг шахсий маълумотларини таҳлил қилиш ҳолатлари билан боғлиқ. Бунда терговчи, прокурор, суд, адвокат, эксперт, мутахассис ва бошқа иштирокчилар ушбу маълумотларнинг ошкор этилмаслиги ва дахлсизлигини таъминлашлари шарт.

Рақамли далиллар тадқиқ этилган ҳолларда, эксперт суд муҳокамасида ўтказилган тадқиқотнинг хусусиятлари, методлари ҳамда воситалари бўйича илмий асосланган тушунтиришлар беради. Бунда эксперт (мутахассис) ўзининг ҳаракатларини босқичма-босқич ҳужжатлаштириши, далилларни олиш ва текшириш усуллари ҳамда воситаларини кўрсатиши, баҳолаш мезонларини ва қийматлаш масалаларини батафсил изоҳлаб бериши лозим. Шу билан бирга, эксперт (мутахассис) тадқиқотининг натижалари суд муҳокамасида қайта кўрсатиб берилиши зарур. Сабаби экспертиза тадқиқотининг натижалари судья, прокурор ва адвокат томонидан текширилганда бир хил қийматни бериши керак.

Тадқиқот давомида, эксперт кўрсатувларини текшириш ва далилларни баҳолаш юзасидан АҚШ [42, 498-б.], Буюк Британия [43, 688-б.], Австралия [44, 372-б.], Норвегия [45, 366-б.], Швеция [46, 227-б.] каби ривожланган давлатларнинг илғор амалиётлари ўрганилди. Мазкур давлатлар қонунчилигида ҳам эксперт тадқиқотларига нисбатан, юқорида кўрсатилгани каби қатъий талаблар жорий этилганлиги аниқланди.

Далилларни баҳолаш уларни текширишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Шу боис иш бўйича ҳар бир далил алоҳида ва далиллар жами бўйича баҳоланиши лозим.

Далилларни баҳолашда рақамли далилнинг барча хусусиятлари ҳисобга олинади. Далиллар уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилиги жиҳатидан баҳоланади.

Далилни баҳолаш мезонлари бўйича назарияда қатор фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, биринчи гуруҳ олимлари далилларни баҳолашда уларнинг ишончлилигини асосий мезон сифатида қабул қилишган. Иккинчи гуруҳ олимлари эса, далилларни баҳолаш мазмунига уларнинг иш бўйича объектив ҳақиқатга эришишга таъсир этувчи барча хусусиятларини белгилаш киради [47, 150-б.] деб ҳисоблашган. Учинчи гуруҳ олимлари рақамли далилларни баҳолашда уларнинг мақбуллиги, ишончлилиги, алоқадорлиги ва аҳамиятини кўзда тутадилар.

Рақамли далилларни баҳолаш моддий далилларга нисбатан мураккаб жараёндир. Сабаби рақамли далилларни баҳолашдан аввал ҳам риоя қилиниши керак бўлган бир қатор талаблар мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШда [48, 68-69-б.] рақамли далилларни баҳолашда текширилиши лозим бўлган дастлабки талаблар белгиланган. Хусусан, В. Роуссес Дауберт стандартига асосан, рақамли далилларни судга тақдим этиш ёки кўрсатувларни баҳолашнинг қуйидаги асосий мезонларини таклиф этган [49, 10-б.].

1. Тергов ва экспертиза давомида қўлланилган методлар назарий асосланган бўлиши, – яъни жиноят процессининг субъектлари: терговчи ёки эксперт (мутахассис) назарий асосланган, барчага маълум бўлган, халқаро жиҳатдан умум эътироф этилган усул ва воситалардан фойдаланиши керак.

2. Криминалистик амалиётда қўлланилган услублар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг журналлари, рўзнома ёки интернет сайтларида чоп этилиши кераклиги – бундан мақсад, қўлланилган услублардан процесснинг бошқа иштирокчилари, жумладан, судьялар ва адвокатларни ҳам хабардор бўлишидир. Қўлланилган услублар суд ва томонларга бирдек маълум бўлмаса, бир томонлама устунлик бериши ва ишни ҳал қилишда адолат тамойилига тўсқинлик қилиши мумкин.

3. Тадқиқот усулининг хато қилиш даражасини аниқлаш – бунда халқаро ташкилотлар, ривожланган давлатларнинг турли институтлари томонидан синовдан ўтказилган усул ва воситалардан фойдаланиш назарда тутилади.

4. Амалиётда қўлланиладиган методлар бирор илмий жамиятда қабул қилиниши кераклиги – миллий ёки халқаро илмий жамиятларда тасдиқланган усул ва воситалардан фойдаланиш лозим ҳисобланади. Ушбу стандартлар рақамли далилларнинг тўғрилиги ва эксперт кўрсатувларининг ҳаққонийлигини текширишда кенг имконият беради [50, 45-б.]. Бироқ улар рақамли далилларни тўплаш жараёнларини ҳам қамраб олади. Шу боис ушбу мезонлар рақамли далилларнинг баҳолаш мезонларини тўлиқ акс эттирмайди.

2017 йилда Антви-Боасиако (Antwi-Boasiako) ва Вентерлар (Venter) томонидан рақамли далилларни мақбуллигининг техник ва ҳуқуқий талаблари бўйича “Рақамли далиллар мақбуллигини баҳолашнинг ягона модели” (Harmonized Model for Digital Evidence Admissibility Assessment (HM -DEAA )) ишлаб чиқилган. Мазкур моделда рақамли далилларни баҳолашнинг қуйидаги уч босқичи кўрсатилган.

#### **а) Рақамли далилларнинг мақбуллигини баҳолаш**

Мазкур босқичда рақамли далилларни олишда процессуал қонунчилик ва халқаро стандартларга риоя этилганлиги ҳамда уларнинг аҳамияти криминалистик жиҳатдан баҳоланади.

#### **б) Рақамли далиллар кўриб чиқиш**

Ушбу босқичда рақамли далилларнинг яхлитлиги, яъни уларни олиш, сақлаш ва таҳлил қилишда экспертиза процедуралари ва воситаларига риоя қилинганлиги баҳоланади. Бундан кўзланган мақсад далилларни топиш, сақлаш ва таҳлил қилишда илмий принципларга риоя этилганини текшириш, иш сифатини таъминлаш ва натижаларга ишончни мустаҳкамлашдир [51]. Шу билан бирга, рақамли далиллар билан ишлаш ва уларни тадқиқ қилишда стандартларга амал қилингани (масалан, рақамли криминалистика воситаларини аттестациядан ўтгани, ишончлилиги ва тўғри ишлаши тасдиқлангани, фойдаланишдан аввал синовдан ўтказилгани) ҳам ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, лаборатория тадқиқотида амал қилинган стандартлар ва протоколлар ҳам ўрганилиши лозим. Бундан мақсад лабораторияда рақамли далилларни таҳлил этиш ва натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш учун ишончли методлар, рақамли қурилмалар ва дастурий воситалар, компетентли ходимлар ҳамда асосланган хулосалар бериш имкониятининг мавжудлигини аниқлашдир.



### **в) Рақамли далилларнинг мақбуллиги бўйича қарор қабул қилиш**

Ушбу босқичда рақамли далилларнинг ҳақиқийлиги, яхлитлиги ва ишончилиги иккинчи босқич натижаларига асосан баҳоланади. Масалан, рақамли далилларни олиш методлари ва воситалари ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланади ҳамда экспертларнинг кўрсатувлари солиштирилади [52]. Натижалар ҳақиқий деб топилиши учун улар ҳолис тарзда талқин қилиниши, хатолар, ноаниқликлар ва чекловлар ҳақидаги маълумотлар ошкор қилиниши керак [53, 158-б.].

Хулоса қилиб айтганда, илғор хорижий амалиётлар ва стандартларда рақамли далилларни баҳолашнинг халқаро даражада тан олинган қоидалари белгиланган. Уларни миллий қонунчиликка мослаштирилиши қуйидаги масалаларни ижобий ҳал этилишига ёрдам беради:

**биринчидан**, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг шаффофлиги таъминланади;

**иккинчидан**, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларида рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва баҳолашнинг илмий асосланган, объектив, қонуний ва адолатли механизми жорий этилади;

**учинчидан**, рақамли далиллар билан ишлаш соҳасида нафақат жиноят судлари учун, балки маъмурий, фуқаролик, иқтисодий ҳамда ҳакамлик судлари учун ҳам ягона умумий қоидалар белгиланади;

**тўртинчидан**, соҳада давлатлар ўртасида юзага келган низоларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш имкониятини беради.

#### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчиликда рақамли далиллар билан ишлаш қоидаларининг аниқ белгиланиши суд-ҳуқуқ соҳасида юзага келаётган хатоликлар ва муаммоларни илмий асосланган, қонун йўли билан ҳал этиш имконини беради. Шу маънода, тадқиқот натижалари процессуал қонунчилик тизимида шаклланаётган турли амалиётларни унификация қилиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқилган назарий қоидалар норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида ҳам ҳуқуқий атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ечимини таъминлайди.

#### **I. Тадқиқот натижаларига кўра, қонун чиқарувчи субъект:**

қонун ижодкорлиги фаолиятида “рақамли далил” тушунчасини қўллаши мақсадга мувофиқдир. Мазкур тушунча ушбу далилларнинг ҳуқуқий ва техник хусусиятларига тўла мос келади;

рақамли далиллар билан ишлаш қоидалари барча процессуал ҳуқуқ соҳалари учун умумий ва ўзгармасдир. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Рақамли далиллар тўғрисида”ги қонуни қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби рақамли далилларнинг мақбуллиги нафақат ҳуқуқий талаблар бўйича, балки техник ва ахлоқий қоидалар билан ҳам таъминланади. Шунга кўра, мазкур қоидалар процессуал ҳуқуқ соҳалари (жиноят, фуқаролик, иқтисодий процесс ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун) учун ягонадир.

#### **II. Рақамли далиллар билан ишлаш жараёнида қонунни қўлловчи томонидан қуйидагилар таъминланиши мақсадга мувофиқ:**

қонунни қўлловчи субъектларни рақамли криминалистика соҳаси бўйича (камида 1 йил) қайта тайёрлашдан ўтказиш (сабаби, мазкур субъектлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолайди. Рақамли далиллар

хусусиятини тушунмаслик ишнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш ва баҳолашга тўсқинлик қилади);

рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва транспортировка қилиш қоидаларини илғор хорижий амалиётлар ва халқаро стандартларга (ISO/IEC-27035-1, ISO/IEC-27035-2, ISO/IEC-27035-3, ISO/IEC-27037, ISO/IEC-27038, ISO/IEC-27040, ISO/IEC-27041, ISO/IEC-27042, ISO/IEC-27043 [54], ISO/IEC-27044, ISO/IEC-27050, ISO/IEC-30121) мослаштириш;

рақамли далиллар билан ишлашнинг ахлоқ кодексини тасдиқлаш;

рақамли далилларни аутентификация қилиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тергов ва суд органларини замонавий рақамли криминалистика воситалари билан жиҳозлаш ва ҳ.к.

### **III. Қонунни қўлловчи рақамли далилларни баҳолашда қуйидаги мезонларга таяниши мақсадга мувофиқ:**

рақамли далилларни процессуал қонун талабларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилганлиги;

рақамли далиллар билан ишлашда ахлоқ қоидаларига риоя этилгани;

рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва транспортировка қилишнинг илмий асосланган методлари ва воситалари қўлланилганлиги;

рақамли далилларнинг мақбуллиги таъминланганлиги;

рақамли далилларнинг қиймати ўзгартирилмаганлиги (натижаларни қайта такорлаш орқали бир хил қийматга эришиш имкониятининг мавжудлиги).

Ушбу мезонлар рақамли далилларни баҳолашнинг миллий ва халқаро стандартларига тўла мос келади ва адолатни қарор топтиришга хизмат қилади.

## **REFERENCES**

1. Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. 2020 й. 1-155 Б.

Kadirova M.K., Abdullaev R.K., Khujanazarov A.A., Rahimkulova L.U. Evaluation of the results of judicial computer and technical expertises by the investigators and the court. 2020. 74 C. DOI: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260256. <https://www.psychosocial.com/article/PR260256/13667/>

Вехов В. Б. Электронная криминалистика: понятие и система // Криминалистика: актуальные вопросы теории и практики: сб. трудов участников меж-дунар. науч.-практич. конф. – Ростов н/Д., 2017. 44-60

2. Зуев С.В. Основы теории электронных доказательств: монография / под ред. докт. юрид. наук С.В. Зуева. М., 2019. С. 253-270.

3. Abdullaev R.K. The widespread use of electronic technology in criminal proceedings. Journal of LawResearch. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 1-255

4. Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари // юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация – Т.; ТДЮУ. 2020 й. 38 Б. Ўша жойда 38 – 39 Б.





5. Основы теории электронных доказательств: монография / под ред. докт. юрид. наук С.В. Зуева. – М.: Юрлитинформ, 2019. С. 253, 254.

6. Оконенко Р.И. «Электронные доказательства» и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016

7. Пастухов П. С. О развитии уголовно-процессуального доказывания с использованием электронных доказательств // СПС «КонсультантПлюс».

Khamidov B. Kh, Karimov B.Z., Topildieva D. M.. General Theoretical Issues of Improving Private Forensic Methods In The Field Of Combat Against Cybercrime. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(1): 2705-2712. ISSN:00333077/ 2021. <https://doi.org/10.17762/rae.v58i1.1153>

8. Джонс, Эндрю (2008). Создание лаборатории цифровой криминалистики . Баттерворт-Хайнеманн. п. 312. ISBN 978-1-85617-510-4. Цифровая криминалистика - [https://ru.qaz.wiki/wiki/Digital\\_forensics](https://ru.qaz.wiki/wiki/Digital_forensics)

9. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System - Identifying Technology and Other Needs to More Effectively Acquire and Utilize Digital Evidence. 2015.

10. Saferstein, Richard. A Simplified Guide To Digital Evidence. National Forensic Science Technology Center@NFSTC Largo, Florida 2015.

11. Casey, Eoghan (2004). Digital Evidence and Computer Crime, Second Edition. Elsevier. ISBN 0-12-163104-4.

12. Various (2009). Eoghan Casey (ed.). Handbook of Digital Forensics and Investigation. Academic Press. p. 567. ISBN 978-0-12-374267-4. Retrieved 2 September 2010.

13. Andre Arnes. "Digital Forensics". Hoboken, Norway. John Wiley & Sons Ltd, 2018. – 7 p.

14. Каримов Бобуржон (2020). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ КАТЕГОРИИ ЦИФРОВЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ. Review of law sciences, 5 (Спецвыпуск), 149-153. doi: 10.24412/2181-919X-2020-149-153

15. Xamidov B.X., Karimov B.Z.. Some issues in the development of the national cyber security strategy: problem and analysis. EUROPE, SCIENCE AND WE | EVROPA, VEDA A MY | EBPOPA, НАУКА И МЫ Education and Science, Czech Republic. 2020. 63 p.

16. Karen Kent, Suzanne Chevalier, Tim Grance, Hung Dang. Guide to Integrating Forensic Techniques into Incident Response // Recommendations of the National Institute of Standards and Technology NIST Special Publication 800-86. 2006. E-1 p.

17. U.S. Department of Justice Office of Justice Programs National Institute of Justice. Electronic Crime Scene Investigation: A Guide for First Responders, Second Edition. 2001. 38 p.

18. U.S. Department of Justice Office of Justice Programs National Institute of Justice. Electronic Crime Scene Investigation: A Guide for First Responders, Second Edition. 2001. 49 p.

19. Черданцев А. Ю. Понятие цифровых доказательств, современное состояние и их роль в доказательственном процессе. Юридическая наука и практика. 2019. Том 15, № 4. С. 55–60. DOI: 10.25205/2542-0410-2019-15-4-55-60

20. Каримов Б.З. Рақамли далиллар категориясининг илмий-назарий масалалари. Илмий мақола – Т.: TDYU Yuridik fanlar axborotnomasi – Вестник юридических наук – Review of Law Sciences. 5 (2020) 168 Б. (168-172 Б.).

21. <https://skachat-besplatno.info/ximfiz/237-doimiy-elektr-toki-va-uning-1179onunlari.html>
22. Ионова Ю.А., Калитин С.В. Понятие доказательств, имеющих электронную форму и цифровое содержание: проблемы и перспективы. Статья. Вестник ХГАЭП. 2013. № 1 (63) стр 53.
23. Хамидов Бахтиёр ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЧАСТНЫХ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ МЕТОДОЛОГИЙ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬЮ // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obscheteoreticheskie-voprosy-sovershenstvovaniya-chastnyh-kriminalisticheskikh-metodologiy-v-sfere-borby-s-kiberprestupnostyu> (дата обращения: 11.03.2021).
24. SWGDE Best Practices for Image Authentication, 2018; SWGDE Best Practices for Image Content Analysis, 2017; SWGDE Guidelines for Forensic Image Analysis, 2017. <https://www.unodc.org/e4j/ru/cybercrime/module-6/key-issues/handling-of-digital-evidence.html>
25. Karimov B.Z. Jinoyat ishlari bo'yicha raqamli kriminalistika imkoniyatlaridan foydalanish. Monografiya.- T., 2021.- 38 B.
26. <http://www.forensicmall.ru/cat/magnet-forensics/magnet-axiom/>
27. <http://www.forensicmall.ru/cat/category/accessdata/>
28. <http://www.forensicmall.ru/cat/category/belkasoft/>
29. Криминалистика. Учебник. Коллектив авторов. – Т.: ТГЮУ. 2019. – 22 стр.
30. ИСО/МЭК 9594-8-94 «Информационная технология. Взаимосвязь открытых систем. Справочник. Часть 8. Основы аутентификации».
31. Biasiotti, Maria Angela, Jeanne Pia Mifsud Bonnici, Joe Cannataci (eds.) (2018). *Handling and Exchanging Electronic Evidence Across Europe*. Springer.
32. Kasper, Agnes and Eneli Lauritis. (2016). Challenges in Collecting Digital Evidence: A Legal Perspective. In Tanel Kerikmae and Addi Rull. *The Future of Law and eTechnologies*. Springer.
33. Alba, Manuel. (2014). Order out of chaos: technology, intermediation, trust, and reliability as the basis for the recognition of legal effects in electronic transactions. *Creighton Law Review*, Vol. 47, 387-521.
34. Duranti, Lucciana and Corrine Rogers. (2012). Trust in digital records: an increasingly cloudy legal area. *Computer Law & Security Review*, Vol. 28(5), 522-531.
35. Goode, Steven. (2009). The admissibility of electronic evidence. *The Review of Litigation*, Vol. 29, 1-64.
36. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т. Адолат нашриёти. 2020 й. 95-модда.
37. <https://www.unodc.org/e4j/ru/cybercrime/module-6/key-issues/digital-evidence-admissibility.html>
38. Kizza, 2013; Seigfried-Spellar, Rogers, and Crimmins, 2017
39. Albert J. Marcella, Jr. Doug Menendez. "Cyber Forensics: A Field Manual for Collecting, Examining, and Preserving Evidence of Computer Crimes". 2nd Edition. New York, USA. Taylor & Francis Group, LLC. 2008. – 498 p.
40. Anthony T.S. Ho and Shujun Li. "Handbook of digital forensics of multimedia data and devices". Guildford, UK. John Wiley & Sons, Ltd., 2015. – 688 p.
41. Richard Boddington. "Practical Digital Forensics". Birmingham, UK. Packt Publishing Ltd., 2016. – 372 p.



42. Andre Arnes. "Digital Forensics". Hoboken, Norway. John Wiley & Sons Ltd, 2018. – 366 p.
43. Joakim Kävrestad. "Fundamentals of Digital Forensics". Skövde, Sweden. Springer International Publishing, 2018. – 227 p.
44. Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань, 1973. С.150
45. Andre Arnes. Digital Forensics. John Wiley & Sons, Inc., 111 River Street, Hoboken, USA 2018 – pp. 68-69
46. Vassil Roussev. Digital Forensic Science: Issues, Methods, and Challenges. – Morgan & Claypool Publishers series. University of Texas, San Antonio. 2016. – p. 10
47. Goodstein, D. Reference Manual on Scientific Evidence, 3rd ed., National Academies Press, 2011, ch. The Admissibility of Expert Testimony, pp. 37–54.
48. SWGDE Overview of the Accreditation Process for Digital and Multimedia Forensic Labs, 2017
49. Antwi-Boasiako and Venter, 2017; US National Institute of Justice, 2004.
50. Б.Х. Хамидов. Кибержиноятларни тергов қилишда эксперт кўрсатувларини текшириш ва баҳолаш. International conference science and education/uluslararası konferans bilim ve eğitim. 2021. [http://doi.org/10.37057/T\\_1](http://doi.org/10.37057/T_1) (155-158).
51. [https://webstore.iec.ch/preview/info\\_isoiec27043%7Bed1.0%7Den.pdf](https://webstore.iec.ch/preview/info_isoiec27043%7Bed1.0%7Den.pdf)
52. Курбанов, М. М. (2020). ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С ВОСПРЕпятСТВОВАНИЕМ, НЕЗАКОННЫМ ВМЕШАТЕЛЬСТВОМ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. In *АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЮРИСПРУДЕНЦИИ* (pp. 56-63).
53. Akhmedova Guzalkhon Utkurovna (2019). PERSPECTIVES OF IMPROVEMENT OF THE LAW ENFORCEMENT PRACTICE OF INHERITANCE FORMALIZATION WITH A FOREIGN ELEMENT IN UZBEKISTAN BASED ON INTERNATIONAL EXPERIENCE. Review of law sciences, 1 (7), 31-35.

# ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБОСНОВАННОСТИ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ МЕРЫ ПРЕСЕЧЕНИЯ В ВИДЕ ЗАКЛЮЧЕНИЯ ПОД СТРАЖУ

**Ниязов Максуд Кадамович,**  
преподаватель кафедры «Уголовно-правовые дисциплины»  
Специализированного филиала  
Ташкентского государственного  
юридического университета,  
maksinizam@gmail.com

**Аннотация.** В статье анализируется порядок применения в ходе предварительного расследования меры пресечения в виде заключения под стражу, с уделением особого внимания порядку действий органов, принимающих участие в данном процессе, их значению и пределам полномочий. Кроме того, в статье проводится сравнительный анализ деятельности судов Российской Федерации, отмечена их самостоятельность при применении меры пресечения в виде содержания под стражей, выдвинуты соответствующие предложения по совершенствованию законодательства и обеспечению подлинной самостоятельности судов в вопросе применения меры пресечения в виде заключения под стражу.

**Ключевые слова:** мера пресечения, содержание под стражей, права и законные интересы личности, правовой статус, обоснованность подозрения, формирование собственного мнения.

## ҚАМОҚҚА ОЛИШ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА АСОСЛАНГАНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

**Ниязов Максуд Кадамович,**  
Тошкент давлат юридик университети Ихтисослашган филиали  
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада ҳозирги пайтда дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби таҳлил қилиниб, ушбу жараёнга жалб қилинган органларнинг ҳаракатлари тартибига, уларнинг аҳамияти ва ваколат чегараларига эътибор қаратилган. Бундан ташқари, Россия Федерацияси судларининг фаолияти, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш давомидаги мустақиллиги билан қиёсий таҳлил ўтказилиб қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласида давлат қонунчилигини такомиллаштириш ва судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўйича тегишли таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** эҳтиёт чораси, қамоққа олиш, шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, ҳуқуқий маком, шубҳанинг асослилиги, шахсий фикрини шакллантириш.



## PROBLEMS OF ENSURING THE VALIDITY OF THE APPLICATION OF A PREVENTIVE MEASURE IN THE FORM OF DETENTION.

**Niyazov Maksud Kadamovich,**

Teacher of Criminal Law Departament of Specialized Branch  
of Tashkent State University of Law

**Abstract.** *This article analyzes the procedure at the present time for applying a preventive measure in the form of detention during the preliminary investigation, paying attention to the procedure for the actions, their importance and limits of authority of the organs involved in this process. In addition, the article provides a comparative analysis of the activities of the courts of the Russian Federation, their self-dependence in the application of preventive measures in the form of detention with the appropriate proposals for improving legislation and ensuring the true independence of the courts in the application of a preventive measure in the form of detention.*

**Keywords:** *preventive measure, detention, rights and legitimate interests of the individual, legal status, validity of suspicion, forming own opinions in individual cases.*

С момента обретения независимости формирование демократического правового государства в Узбекистане было направлено на пересмотр системы управления государством с отказом от административной командной системы в пользу внедрения принципов рыночной экономики, с уделением большого внимания защите частной собственности, прав и свобод личности. В свою очередь, защита прав и свобод личности может быть обеспечена при условии верховенства права и закона.

Особое значение приобретает внедрение принципа равенства граждан перед законом и судом, которое призвано способствовать формированию правового государства и повышению уровня правосознания населения. Отступление от него может негативно отразиться на нравственном климате общества и привести к правовому нигилизму, а также служить питательной почвой для преступлений и иных правонарушений [1, с. 3].

В современных условиях развития Республики Узбекистан принципиальное значение для улучшения качества жизни народа имеют реформы во всех сферах жизни: экономической, политической, правовой, социальной. Путем усиления демократических институтов и активизации гражданского общества, улучшения правового и инвестиционного климата, действующих механизмов обеспечения прав и свобод, социально-экономической поддержки уязвимых слоев населения, создания условий для экономического развития обеспечиваются потребности граждан. Сильное гражданское общество в эпоху развития информационно-коммуникационных технологий служит дополнительным барьером для произвола, препятствуя злоупотреблениям, способствует укреплению в обществе приоритета закона и его признанию, соблюдению и защите прав и свобод человека и гражданина.

В идеале усиление демократических институтов и деятельность органов государственной власти, помимо обеспечения стабильности своего существования, должна подразумевать задачу охраны и защиты прав и свобод человека от неправомерных посягательств. И в таком государстве даже в случае причинения вреда правам, свободам и законным интересам человека созданная система органов, в том числе и судебные органы, в состоянии обеспечивать восстановление нарушенных прав, компенсировать



причиненный вред. В этой связи следует вспомнить слова выдающегося французского мыслителя Ш.Л. Монтескье, который утверждал, что для человечества нет ничего важнее, чем правосудие [1, с. 318].

В целях обеспечения выполнения государством своих функций в Узбекистане было осуществлено коренное реформирование судебно-правовой системы. Были предприняты кардинальные преобразования, направленные на обеспечение подлинной независимости и самостоятельности судебной власти, большей ее открытости для широкой общественности; обеспечение равноправия и состязательности сторон на предварительном следствии и в судебном процессе, укрепление роли и независимости адвокатуры в уголовном процессе, совершенствование системы пересмотра законности и обоснованности судебных решений, а также устранение дублирующих, «перепроверяющих» инстанций, сказывающиеся как на сроках, так и на качестве судебного процесса.

Указ Президента «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности», принятый 30 ноября 2017 года за № УП-5268, и внесенные во исполнение данного указа в Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы дополнения и изменения усилили правовую гарантию путем исключения недопустимых доказательств, запрещения пыток, нарушения права на защиту и применения других незаконных методов в процессе следствия.

В своем обращении к палатам Олий Мажлиса Президент страны Ш.М. Мирзиёев отметил: «Каждый человек, переступивший порог суда, должен быть полностью уверен, что в Узбекистане неукоснительно соблюдаются принципы законности и справедливости» [2].

Вместе с тем, согласно приложению № 1 к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № ПП-3723, утверждена Концепция совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан. В разделе II концепции предусмотрено совершенствование уголовно процессуального законодательства путем: обеспечения прозрачности и транспарентности судебно-следственной деятельности, усиления института участия общественности в производстве по уголовным делам; действенной реализации принципа состязательности сторон путем усиления процессуальных прав и полномочий адвокатов, обеспечения их подлинной независимости, расширения сферы применения института «Хабеас корпус», которые находятся на стадии реализации.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 10 августа 2020 года № УП-6041 указывается, что анализ судебно-следственной практики и изучение обращений граждан свидетельствуют о неполном задействовании механизмов обеспечения гарантий защиты прав и свобод личности в уголовном процессе.

Вершинина С.И. отмечает, что необходимость и обязательность государственного принуждения в уголовном судопроизводстве вызывается и его публичностью [3, с. 17]. В этой связи хотелось бы остановить внимание на действующем порядке применения судами меры пресечения в виде заключения под стражу. А.А. Бадалбаев подчеркивает, что указанная наиболее репрессивная по своему характеру мера пресечения имеет весьма острый социальный характер, поскольку ее реализация, связана с ограничением конституционных прав и свобод человека [4, с. 4]. Хотя передовой опыт применения судами меры пресечения перенят довольно-таки давно, а именно с 1 января 2008 года внедрен порядок получения «разрешения» на содержание лица под стражей у суда, его



суть и содержание несколько отличается от порядка применения меры пресечения в виде заключения под стражу судебными органами других стран, в том числе РФ.

Мера пресечения в виде заключения под стражу является исключительной и регламентируется как нормами Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее – УПК), так и положениями Постановления Пленума Верховного суда «О применении меры пресечения в виде заключения под стражу на стадии досудебного производства» от 14 ноября 2007 года № 16 с изменениями, внесенными Постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 19 мая 2018 года № 16.

Аналогично порядок применения меры пресечения в виде заключения под стражу регулируется требованиями Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации (далее – УПК РФ) и положениями Постановления Пленума Верховного суда Российской Федерации от 19 декабря 2013 года № 41, в который внесены изменения Постановлением Пленума Верховного суда РФ от 24 мая 2016 года № 23 и Постановлением Пленума Верховного Суда РФ от 11.06.2020 года № 7.

Несмотря на внешнюю схожесть процессуального порядка и основания применения меры пресечения в виде заключения под стражу в нашей республике и Российской Федерации их содержание существенно отличается друг от друга. Общность заключается в том, что в обоих государствах лица могут содержаться под стражей только на основании определения соответствующего суда, и только суд уполномочен как удовлетворить ходатайство о применении меры пресечения в виде заключения под стражу и продлить его сроки, так и отказать или изменить меру пресечения на стадии предварительного следствия и в ходе судебного разбирательства.

Отличия заключаются в следующих этапах деятельности судов. В частности, в абзаце 3 пункта 5 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 ноября 2007 года № 16 указано, что при рассмотрении вопроса о возбуждении ходатайства о применении меры пресечения в виде заключения под стражу несовершеннолетнего прокурор обязан лично ознакомиться с материалами дела, проверить обоснованность избрания меры пресечения этого вида. В статье 243 УПК предусмотрена проверка прокурором обоснованности ходатайства о применении меры пресечения в виде заключения под стражу. В постановлении о возбуждении ходатайства на применение меры пресечения в виде заключения под стражу отражаются выводы о нецелесообразности применения к лицу иных мер пресечения. Проще говоря, в национальном законодательстве, несмотря на передачу судам полномочий по применению меры пресечения, обязанность проверки ее обоснованности оставлена в ведении прокуратуры и отсутствует самостоятельная проверка судом обоснованности применения меры пресечения в виде заключения под стражу к конкретному лицу.

В то же самое время в Российской Федерации Постановлением Пленума Верховного суда РФ от 24 мая 2016 года № 23 обновился правовой стандарт обоснованности подозрения, который суды обязаны соблюдать при применении меры пресечения в виде заключения под стражу. Так, судьи РФ не могут ссылаться на наличие у органов предварительного следствия достаточных данных о том, что лицо причастно к совершению преступления, они обязаны лично проверить содержание ходатайства с приобщенным к нему материалами. Целью судьи является сформировать личное мнение о причастности именно этого лица к совершенному преступлению и указать это в своем решении. Оставление судьей без проверки и оценки обоснованности подозрения в причастности лица к совершенному преступлению рассматривается как нарушение

части 4 статьи 7 УПК РФ, влекущего отмену процессуального документа об избрании меры пресечения.

Кроме того, при решении вопроса о применении меры пресечения суды в РФ обязаны проверить, было ли законным и обоснованным задержание лица в порядке, установленном статьями 91 и 92 УПК РФ. Если задержание лица будет признано судом незаконным и необоснованным, к задержанному не может быть применена мера пресечения в виде заключения под стражу [5, с. 81].

Стандарт «обоснованности подозрения» как стандарт доказанности требует отдельного рассмотрения. Этот правовой стандарт имеет в своей основе общепризнанные международные стандарты и указан в ст. 5 Конвенции о защите прав человека и основных свобод [6]. В связи с изложенным выводы суда о наличии «подозрения» не рассматриваются как нарушение презумпции невиновности. Однако это не означает, что мера пресечения может быть применена в отношении лиц, которые в последующем могут быть оправданы. Конвенцией при применении меры пресечения не предусмотрено получение следственными органами доказательств, достаточных для предъявления обвинения. Иными словами, доказательства должны быть, но их количество и объем могут быть меньше, чем количество и объем доказательств, в которых нуждается следствие при предъявлении обвинения. Стандарт доказывания «обоснованного подозрения» или «разумного подозрения» для применения меры пресечения более низкий, чем для других целей, предусмотренных уголовно-процессуальным законодательством, однако исключает возможность принятия судом в последующем решения о недоказанности обвинения и оправдании подсудимого.

В ходе рассмотрения ходатайства о применении меры пресечения в виде заключения под стражу судам Узбекистана и РФ запрещено входить в обсуждение вопроса о виновности или невиновности лица. В решении суда о применении меры пресечения не должны быть формулировки о виновности лица. Данное требование исходит из принципа презумпции невиновности и требования соблюдения прав и свобод подозреваемых, обвиняемых и подсудимых до установления их вины в установленном порядке судом.

В пункте 9 вышеуказанного постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан предусмотрен перечень документов, прилагаемых к ходатайству на применение меры пресечения в виде заключения под стражей. В данном списке значатся: копии постановлений о возбуждении уголовного дела, привлечении к участию в уголовном деле в качестве подозреваемого, обвиняемого; протокол задержания лица; ордер адвоката либо протокол об отказе от услуг адвоката; документы, подтверждающие получение соответствующих разрешений в случае применения меры пресечения лицу, имеющего особый статус (депутат, судья и др.). На усмотрение прокурора этот список может быть дополнен другими процессуальными документами. Если обратить внимание на этот список процессуальных документов, то станет ясным, что вынесение определения о применении меры пресечения судом является формальным, так как представляемые документы являются результатом мыслительной, познавательной и интеллектуальной деятельности органов предварительного следствия, и ни одного документа, могущего представить позицию обвиняемого и его защитника, не предусмотрено. Тут уместно отметить мнение А.С. Кислицкой, полагающей, что субъекты уголовной юрисдикции «выполняя функцию обвинения (уголовного преследования) ... вряд ли будут проявлять особое рвение в сборе документов, каким-либо образом положительно характеризующих лицо, которое они намереваются заключить под стражу.» [7, с. 56] Тем более этот



перечень документов может быть дополнен прокурором – «заведующим» стороной обвинения. Очень сложно говорить при таком раскладе о состязательности сторон, когда еще на самой ранней стадии процесса и таком важном этапе, как применение меры пресечения, суд ограничен в действиях документами, которые представляются, сформированы исключительно стороной обвинения следователя и не отражают позицию подозреваемого, обвиняемого либо его защитника.

Тогда как в РФ, в пункте 2 Постановления Пленума Верховного суда от 19 декабря 2013 года № 41 предусмотрено, что при рассмотрении ходатайства об избрании меры пресечения в виде заключения под стражу судья обязан проверить, содержит ли ходатайство и приобщенные к нему материалы конкретные сведения, указывающие на причастность к совершенному преступлению именно этого лица, и дать этим сведениям оценку в своем решении. В пункте 13 того же постановления указано, что, рассматривая ходатайство об избрании в качестве меры пресечения заключения под стражу, суд должен выяснить, приложены ли к нему копии постановлений о возбуждении уголовного дела и привлечении лица в качестве обвиняемого; копии протоколов задержания, допросов подозреваемого, обвиняемого; иные материалы, свидетельствующие о причастности лица к преступлению, а также сведения об участии в деле защитника, потерпевшего и имеющиеся в деле данные должны подтверждать необходимость избрания в отношении лица заключения под стражу (сведения о личности подозреваемого, обвиняемого, справки о судимости и т. п.) и невозможность избрания иной, более мягкой меры пресечения. Хотя в РФ не предусмотрен конкретный ограниченный перечень процессуальных документов, прилагаемых к ходатайству на применение меры пресечения в виде заключения под стражу, принимая во внимание, что проверка обоснованности применения меры пресечения осуществляется судом, все неточности и сомнения в причастности лица к совершенному преступлению могут быть разрешены в суде при обеспечении состязательности сторон.

Согласно установленного Постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан порядка, рассмотрение ходатайства начинается с доклада прокурора, который обосновывает необходимость применения меры пресечения, заслушиваются подозреваемый, обвиняемый, его защитник, законный представитель, а также другие, явившиеся в суд лица, исследуются представленные материалы. Затем судья удаляется в отдельную комнату для вынесения определения. Обязанность обоснования ходатайства возлагается не на суд, а на прокурора. При недостаточности собранных материалов суд по ходатайству сторон может продлить срок задержания до 48 часов для представления ими дополнительных доказательств.

В РФ, согласно абзаца 2 пункта 3 Постановления Пленума Верховного суда от 11 июня 2020 года № 7, «... решая вопрос об избрании меры пресечения и о продлении срока ее действия, суд обязан в каждом случае обсудить возможность применения в отношении подозреваемого или обвиняемого в совершении преступления любой категории иной, более мягкой, чем заключение под стражу, меры пресечения вне зависимости от наличия ходатайства об этом сторон, а также от стадии производства по уголовному делу». Если при рассмотрении этого ходатайства одной из сторон заявлено ходатайство об отложении судебного заседания для представления дополнительных доказательств обоснованности или необоснованности избрания меры пресечения в виде заключения под стражу, судья обсуждает такое ходатайство в судебном заседании с участием сторон и, в случае его удовлетворения, выносит



постановление о продлении срока задержания не более чем на 72 часа, указав дату и время, до которого продлевается срок задержания.

Таким образом, исходя из установленного порядка применения меры пресечения в виде заключения под стражу в Республике Узбекистан, можно сделать вывод о том, что нынешняя модель применения меры пресечения в виде заключения под стражу представляет собой некий симбиоз старого порядка (обвинительного) и современной модели, соответствующей общепринятым стандартам развитых демократичных стран. Многие положительно восприняли имплементацию в уголовный процесс судебного контроля над применением самой крайней меры пресечения, такой как заключение под стражу. Однако в 2008 году, применяя новую форму деятельности суда, апеллируя к необходимости поэтапного перехода, законодательно сохранены старые алгоритмы правовых взаимоотношений. Самым краеугольным камнем, стержнем передачи права на применение меры пресечения судебным органам должно было являться самостоятельное принятие решения о применении меры пресечения судом, которое на деле превращено в излишне формализованный, можно даже сказать, шаблонный и скованный, не предполагающий самостоятельного рассмотрения ходатайства о применении меры пресечения процесс.

Основным препятствием на пути самостоятельности и полноценности деятельности суда является лишение суда права проверки обоснованности выдвинутого подозрения, и данная деятельность оставлена в ведении прокуроров. Суд лишь проверяет соответствие указанных в ходатайстве оснований на применение меры пресечения, по основаниям, указанным в УПК и постановлениях Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, что значительно снижает роль суда на данной стадии предварительного расследования как самостоятельного субъекта уголовного процесса.

В итоге, если раньше следователь и прокурор несли полную ответственность за каждого задержанного и водворенного под стражу лица, то сейчас фактически «разрешение» на содержание лица под стражей выдает суд, и основная ответственность за обоснованность применения меры пресечения в виде заключения под стражу тоже ложится на суд, который ограничен в действиях и возможностях. Тогда как следователь и прокурор, ходатайствуя о применении меры пресечения, обосновывая ее необходимость, ответственности за последствия необоснованного применения меры пресечения в виде заключения под стражу фактически никак не ощущают, так как последнее слово в данном вопросе все-таки формально за судом.

Как подчеркивает Д.М. Миразов, «... факты отказа в удовлетворении этих ходатайств судами, а также отмены в ряде случаев необоснованных определений судов ... должны расцениваться не как какое-либо чрезвычайное происшествие, а как норма, которая должна существовать в подлинно демократическом государстве» [8].

Уместно отметить высказывание Н.П. Кириловой о том, что целью судебного контроля во время предварительного расследования является создание для участников уголовного процесса дополнительных процессуальных гарантий со стороны независимой судебной власти [9].

В связи с изложенным, в рамках реформирования уголовно-процессуального законодательства видится необходимым совершенствование порядка применения меры пресечения в виде заключения под стражу с наделением судов по уголовным делам права самостоятельно истребовать процессуальные документы, подтверждающие причастность лица к совершенному преступлению, самостоятельно исследовать





обоснованность применения меры пресечения и сформировать собственное мнение, а не следовать на поводу органов, ходатайствующих о применении меры пресечения.

## REFERENCES

1. Monteskie Sh.L. Izbrannye proizvedeniya [Selected works]. Moscow, 2005, p.318.
2. Poslaniye Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoyeva Oliy Majlisu [Message from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. Available at: <https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020> (accessed 16.09.2020).
3. Vershinina S.I. Gosudarstvennoye prinujdeniye v ugolovnom sudoproizvodstve: normativno-pravovaya priroda I mechanism funkcionirovaniya Avtoref. dis. kand. yur. nauk [State coercion in criminal legal proceedings: regulatory nature and the mechanism of functioning]. Toliyatti, 2017, 17 p.
4. Badalbaev A.A. Izbraniye na predvaritel'nom sledstvii mer presecheniya, svyazannykh s poruchitel'stvom: teoriya I praktika. Dis. kand. yur. nauk [Election on the preliminary consequence of preventive measures related to the guarantion: theory and practice]. Tashkent, 2010, 4 p.
5. Yakovleva S.A., Kutyanina A.S. O zakonodatel'nom ustanovlenii protsessualnogo poryadka izbraniya sudom mery presecheniya v dosudebnom ugolovnom proizvodstve [On the issue of legislative organization of procedural order of election precision measures in criminal pre-trial procedures]. Review of the Mari State University, chapter History law, 2018, vol. 4, no 1. pp. 79-87.
6. Konventsiya o zachshte prav cheloveka i osnovnykh svobod. Rim, 04.11.1950 [Convention on Human Rights and Fundamental Freedoms. Rome, November 4, 1950]. Available at: [https://www.echr.coe.int/documents/convention\\_rus.pdf/](https://www.echr.coe.int/documents/convention_rus.pdf/) (accessed 16.09.2020).
7. Kislitskaya A.S. Poryadok izbraniya mery presecheniya v vide zaklyucheniya pod strazhu v dosudebnom ugolovnom sudoproizvodstve po ugolovnomu delu [Order of election of a measure of restraint in the form of detention in pre-trial criminal proceedings]. Otechestvennaya yurisprudentsiya – National jurisprudence, 2017, no 10 (24), pp. 54-58.
8. Mirazov D.M. Formirovanie i rasshirenie sudebnogo kontrolya za dosudebnym proizvodstvom v Uzbekistane [Formation and expanding Judicial control for pre-trial proceeding in Uzbekistan]. Vestnik Moskovskogo universiteta MVD Rossii – Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2015, no 9, pp.188-193.
9. Kirillova N.P. Opredelenie kompetentsii suda pri osushchestvlenii sudebnogo kontrolya na stadii predvaritel'nogo rassledovaniya [Determining the competence of the court in the exercise of judicial control at the stage of preliminary investigation]. Zakony Rossii: opyt, analiz, praktika – Laws of Russia: experience, analysis, practice, 2016, no 4, pp. 35-40.
10. Utepbergenov M.S. Osushchestvlenie principa ravenstva grazhdan pered zakonom I sudom v ugolovnom processe. Diss.kan.yur.nauk [The implementation of the principle of the equality of citizens to the law and the court in the criminal process]. Tashkent, 2010, p. 3.

# ЎУЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА УШЎ ФАОЛИЯТНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Тулаганова Гулчехра Захитовна,  
Тошкент давлат юридик университети  
“Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва  
адвокатура” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори,  
g.tulaganova@tsul.uz,  
ORCID: 0000-0002-4741-1144

Қодиралиев Саддам Бахтиёржон ўғли,  
Тошкент давлат юридик университети  
“Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар  
ва адвокатура” кафедраси ўқитувчиси,  
s.qodiraliyev@tsul.uz,

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги вазифалари, жиноятларнинг барвақт олдини олиш масалалари, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларнинг таҳлили, жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқ-тартибот, дастур, назорат, аёллар, вояга етмаганлар, профилактика инспектори, жиноятга мойиллик, инсон ҳуқуқлари, маҳалла, жамоатчилик, рағбатлантириш

## ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПНОСТИ И КООРДИНАЦИЯ ЭТОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Тулаганова Гулчехра Захитовна,  
доктор юридических наук, профессор кафедры  
"Суд, правоохранительные органы и адвокатура"  
Ташкентского государственного юридического университета

Кодиралиев Саддам Бахтиёржон угли,  
преподаватель кафедры "Суд, правоохранительные органы и адвокатура"  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье анализируются мероприятия по предупреждению преступности, их координация. Рассмотрены вопросы, касающиеся роли правоохранительных органов в этой сфере, раннего предупреждения преступности, своевременного выявления и устранения причин и условий совершения преступлений, предупреждения преступности. Также изучены аспекты профилактики преступности и опыт зарубежных стран в данной сфере.



**Ключевые слова:** предупреждение преступности, правоохранительные органы, программа, контроль, женщины, подростки, инспектор по профилактике, склонность к преступлению, права человека, соседство, сообщество, стимулы.

## PREVENTION OF OFFENCES AND COORDINATION OF THESE ACTIVITIES

**Tulaganova Gulchexra Zaxitovna,**  
Professor of the Department Judicial,  
Law-Enforcement Agencies and Advocacy  
Tashkent State University of Law, Doctor of Law

**Kodiraliev Saddam Bahtiyorzhon ugli.**  
Lecturer of the Department Judicial,  
Law Enforcement Agencies and Advocacy  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article analyzes the activities of offence prevention, coordination of their activities, the role of law enforcement agencies in this area, early prevention of offences, timely detection and elimination of causes and conditions of offence, crime prevention, as well as the experience of foreign countries.

**Keywords:** prevention of offences, law enforcement agencies, program, control, women, juveniles, law enforcement officers (LEO), criminal propensity, human rights, neighborhood, community, incentives.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳамда жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасининг яхлит ҳуқуқий тизими яратилган.

Ушбу тизимда прокуратура органларининг прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий воситаси эканлиги, [1, 141-б.] шунингдек, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва янги вазибалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этишни, шу жумладан, қонунийликни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришни талаб этади.

2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳуқуқбузарлик профилактикаси деганда, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга айтилади. Профилактиканинг қўлланиладиган асосий турлари: ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, ҳуқуқбу-

зарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидан иборат. Профилактиканинг ҳар бир тури бўйича тегишли чора-тадбирлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган.

Шу билан бирга, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар, прокуратура органлари, давлат хавфсизлик хизмати, адлия, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати органлари каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги фаол иштироки назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Умумий жиноятлар сонига тўхталадиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,5 фоизга, шундан қотиллик 16,8 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш 16,2 фоизга, талончилик 54 фоизга, босқинчилик 42,2 фоизга, товламачилик 34,1 фоизга, безорилик 42 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, жиноят содир этиш ҳолатлари аёллар ўртасида 37,9 фоизга, ёшлар ўртасида 33,4 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида 36,3 фоизга камайди. Аҳоли ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилгани натижасида 2301 та маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади [2, 8-б.].

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 27 апрелда бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида таъкидланишича, 2019 йилнинг уч ойи давомида республика ҳудудида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан барча жиноятлар 31,6 фоизга, жиноят-қидирув йўналишида содир этилган жиноятлар 40,8 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, 78 фоиз маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган [3].

Шунингдек, ҳафтанинг пайшанба куни **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”** этиб белгиланганлиги жойларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали халқ манфаатларига хизмат қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди ва бунда:

*биринчидан*, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажаришни, амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

*иккинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни;

*учинчидан*, аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатишни, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни;

*тўртинчидан*, профилактика тадбирларининг, айниқса жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги тадбирларнинг таъсирчанлигини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларнинг таҳлили, жиноятчиликнинг олдини олиш вазифалари юклатилган.



Мамлакатимизда профилактика ходимлари иш фаолиятларини самарали олиб бориши учун барча имкониятлар очиб берилди. Улар имтиёзли кредит асосида автомобиллар билан таъминланди.

Профилактика инспекторларининг хизмат автомобилларини фуқароларнинг шахсини аниқлаш ва шахснинг муқаддам судланганлигини текшириш имкониятини берувчи жиҳозлар билан жиҳозлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда профилактика ходимларининг масъулиятини ошириш мақсадида узоқ вақтдан буён ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлган қўшнилари, эр-хотин ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш бўйича чора кўрмаган ҳудудий ИИБ профилактика инспекторлари, маҳалла раислари ва фаолларига нисбатан жиддий чора кўришни ҳам ўйлаб кўриш замон талаби деб ҳисоблаймиз. Чунки профилактика ходимлари ўз касбларини сидқидилдан бажармаслиги натижасида жиноятлар кўпайишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, профилактика ходимларининг жавобгарлик масаласини белгилаш билан бир қаторда, уларни рағбатлантириш механизмининг янада кучайтириш керак. Шундан келиб чиқиб, жиноятнинг олдини олиш ва фош этишда фаол иштирок этган ИИБ ходимлари ва маҳалла жамоатчилигини рағбатлантириш йўли билан ижобий натижаларга эришиш мумкин. Жиноятларнинг олдини олишнинг энг яхши усули маҳаллаларнинг кириш жойларида, аҳоли гавжум ҳудудларида видеокузатув воситаларининг ўрнатилиши ва уларни соз ҳолда ишлаши жиноятларнинг олдини олишда ижобий натижа беради. Тошкент шаҳрида бу усул яхши йўлга қўйилган бўлиб, бошқа вилоятларда ҳам ушбу усулни давом эттириш керак.

Фикримизча, кўришимиз зарур бўлган профилактик чораларга қуйидагилар:

**жиноятларнинг салбий оқибатларини олдини олиш учун руҳиятида бузилиш ҳолатлари кузатилган фуқароларни профилактика инспекторлари томонидан мажбурий тарзда руҳий даволаниш муассасаларига юбориш чораларини кўриш;**

**ойла марказларида психологлар штатларини кўпайтириш;**

**алкоголизм билан даволаш муассасаларида даволанаётган шахсларни меҳнат терапияси билан даволаш учун иш ўринлари яратиш киради.**

Жиноятларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилинган мастлик ҳолатида содир этилиши кўплаб учраётганлиги сабабли алкоголизм билан даволаш муассасаларида даволанаётган шахсларни вояга етмаган фарзандларининг тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслик ва уларнинг келажақда бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймасликларини учун Ёшлар иттифоқи томонидан бу тоифадаги шахсларнинг вояга етмаган фарзандлари назоратга олиниши мақсадга мувофиқ.

Амалиётда аксарият ҳолларда хулқи ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган инсонлардан, жамият аъзолари азият чекиш ҳолатлари учраб туради, натижада улар орасида оғир жиноятлар содир этилиши ҳам мумкин.

Аҳоли ўртасида фоҳишабозлик, алкоголизмнинг оқибатларини акс эттирувчи тушунтириш ва тарғибот ишларини янада кўпайтириш лозим.

Ресторан, кафе ва бошқа клубларда спиртли ичимликларни сотиш тартибини қайта кўриб чиқиш ва уларга лицензия бериш талабларини кучайтириш, Миллий гвардия билан мажбурий шартнома тузишни таъминланиши керак.

Жиноят содир этишга мойиллиги бўлган шахслар тўғрисида прокуратура ва ички ишлар органларида ишончли аноним хабарлар хизматининг ташкил этилиши яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз.



Шунингдек, ҳозирги долзарб масала маҳаллалар кесимида жиноятлар акс эттирилган **электрон геоинформация** хариталарини тузиб бориш зарур.

Жиноятларнинг олдини олиш учун аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида доимий равишда маслаҳат курсларини ташкил этиб, профилактика ишларини тизимли равишда олиб бориш керак. Ҳозирги кунда ИИБ ППХ нарядларининг хизмати ташкил этилмаган ҳудудларда профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари, посбонлар, кўча бошилардан иборат тунги гуруҳлар ташкил этилган. Улар томонидан ҳудудга кирган бегона шахслар ва автотранспорт воситаларини назоратга олиш чоралари кўриб борилиши ушбу жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, Республикамизда сайёр судлар ва учрашувларнинг ўтказилиши яхши самара бермоқда. Бу фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, энг самарали усуллардан бири бўлган оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга қаратилган махсус дастурларни кенгроқ ёритиш ҳам профилактика масаласида алоҳида аҳамият касб этади [4, 61-б.].

Маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатувчи интернет сайтларининг (порнография, ўз жонига қасд қилиш, зўравонликни тарғиб қилиш ва ҳ.к.) фаолиятини тўхтатиш (блоклаб қўйиш) ижобий натижа беради. Бу турдаги жиноятларни содир этишга мойил бўлган (нотинч оилалар, ўзаро низога бориб юрган қўшни, қариндош-уруғ ва ҳ.к.)ларнинг ўзаро муносабатлари ёмонлашиб кетишининг олдини олиш борасида яраштирув комиссиясининг ваколатларини кенгайтириб, уларни рағбатлантириб туриш механизмини жорий этиш лозим.

Аёллар ва вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш учун оила тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Аёллар ўртасида ишсизлик муаммосига эътиборни кучайтириш ҳамда спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўйган аёлларни аниқлаш ва рўйхатини шакллантириб, профилактика ходимлари томонидан доимий назоратга олиниши лозим. Жамиятимизда аёл деган номга доғ тушириб фоҳишалик билан шуғулланган шахслар (эркак, аёл)нинг меҳнатга жалб этилиши ижобий самара беради.

Мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида тарбиявий соатларни, дарсдан ташқари машғулотларни кўпайтириш керак. Маҳалла фаоллари ва жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш, аҳоли ўртасидаги бефарқлик кайфиятига қарши қатъий курашиш керак.

Ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган, ҳақ тўланмайдиган шаклда юридик клиника, юридик маслаҳатхона, юрист, психолог маслаҳатларидан унумли фойдаланиш керак.

Мамлакатимизда адвокатларнинг юридик маслаҳатхонада фаолият юритиши учун давлат томонидан рағбатлантириш чораларини қонунга киритиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади [5, 18-б.].

Юқоридаги тавсияларимиздан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларга ҳам эътиборимизни қаратишимиз керак.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2896-сонли қарори талаблари ижросини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар юклатилган, жумладан:



жойларда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус-профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш;

жамоатчилик назорати йўлга қўйилган жойда фуқаролар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти, турли йиғинлар, учрашувлар, жамоатчилик эшитувлари орқали мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига доир ўз қарашлари, танқидий фикр-мулоҳазаларини баён қилиш [6, 106-б.];

бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқиб, уларни ўрганиш даврида, нотинч оилаларни аниқлаш, улар билан профилактик ишлар олиб бориш, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда уларнинг маиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш;

ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари томонидан маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолият йўналишлари;

профилактика инспекторларининг асосий хизмат вазифалари маҳалла ҳудудида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган жойларни, сабаб бўлиши мумкин бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан профилактик тадбирлар олиб боришдан иборат.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш учун ўзига бириктирилган маҳаллада доимий ёки вақтинчалик ишловчи, ўткинчи фуқаролар орасидан жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларни аниқлаши керак.

Амалиётда махсус профилактика ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг ўзига хос хусусияти унинг қачон ва қайси вазиятда, қайси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ўтказилиши билан ажралиб туради.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

алоҳида кўрсатма, топшириқ ёки буйруқ асосида ташкил этилиши; ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар алоҳида тоифадаги шахсларга ёки ҳуқуқбузарликларнинг турларига йўналтирилиши; асослар вужудга келганда амалга оширилиши.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруқлари асосида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича бир қанча махсус профилактик тадбирлар ўтказиш кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жиноятларнинг махсус профилактикаси бўйича қуйидаги тадбирларни амалга оширишни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ:

илгари жинояти учун судланган шахсларни ўз вақтида ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олинишини таъминлаш, мунтазам назорат қилиш, уларни ишга жойлаштириш ва касбга ўргатиш чораларини кўриш;

жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жазосига тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларидан жазони ўтаб келган ёки шундай жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар томонидан жиноятларни содир этилиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, шарт-шароитларини аниқлаш, келгусида қайта жиноят содир этмасликлари учун мунтазам назорат тадбирларини амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитацияга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

жиноят содир этишга мойил бўлган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилувчи шахслар ўртасида махсус профилактик тадбирларни амалга ошириш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган қотиллик жиноятларининг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича махсус профилактик тадбирларини ўтказиш;

аҳоли яшаш пунктларида тозалаш, паспорт-виза каби комплекс профилактик тадбирларни ташкил этиш, ушбу тадбирлар жараёнида асосий эътибор ижарада турган, пропискасиз, вақтинчалик яшаётган шахсларга қаратиш, шунингдек, улар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ҳамда “Адис-сонда” маълумотлар базасига киритиб борилишини таъминлаш;

Вояга етмаганларга кафолат мамлакатимизнинг миллий норматив-ҳуқуқий актларида ҳам ўз ифодасини топган [7, 132-б.]. Ўсмир ва вояга етмаганларнинг номуносиб хулқ-атворга эга бўлиши ва уларнинг жиноятчилигининг ҳозирги кундаги хавотирли ҳолати ўсмирлар, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, шундай ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва профилактик ишларни олиб боришнинг сифатини оширишни тақозо этмоқда [8, 39-б.].

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасалари билан ҳамкорликда “ўсмир”, “давомат” ва бошқа комплекс профилактик тадбирларни ташкил этиш, бу жараёнда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганларга алоҳида эътибор қаратиш, назоратга олиш.

Айтиш жоизки, шахснинг бир неча жиноят содир этганлиги унинг дастлабки тайинланган жазодан ёки олдинги содир этган қилмишидан пушаймон бўлмаганлиги ва ўзига тегишли хулоса чиқармаганлигидан далолат беради [9, 63-б.].



Биламизки, кўп ҳолларда муайян соҳани ривожлантиришда асосан илғор хорижий тажрибага таянилади. Чет эл давлатларининг ушбу соҳадаги ютуқларидан келиб чиқиб йўналишлар белгилаб олинади [10, 163-б.]. Фикримизча, бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги бой ижобий тажрибани ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалиётини чуқур таҳлил қилиш асосида миллий қонунчилигимизнинг тегишли нормаларини янада такомиллаштиришда унумли фойдаланиш мумкин.

Умумий профилактика юзасидан хорижий тажрибага тўхталиб ўтсак, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда жиноятчиликнинг олдини олишнинг икки даражаси мавжуд: ижтимоий ва вазият. Ижтимоий огоҳлантириш инсон шахсининг, айниқса, микроиқтисодиёт шаклланишининг салбий шартларини ўзгартиришга қаратилган.

Кўпгина хорижий мамлакатларда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини мувофиқлаштириш учун тегишли органлар, миллий кенгашлар ташкил этилган. Масалан, **Буюк Британия**, Германия, каби давлатлар тажрибасига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ташкил этилган тақдирдагина яхши самара бериши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилар:

жиноятчиликнинг олдини олиш дастурларини (ахборот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш, шу билан бирга, полиция ва ушбу соҳада ишлайдиган бошқа органлар) мувофиқлаштириш, жамият иштирокини таъминлаш, ОАВ билан ҳамкорлик, илмий-тадқиқот ишлари, жиноят билан курашиш соҳасида қонун чиқарувчи органлар билан ҳамкорлик, масофавий ўқитиш ҳисобланади.

Амалда полиция потенциал жиноятчи, ҳимояланмаган қурбон ёки объектни топганда, кўпинча жиноят содир этилганлиги ҳақидаги тезисни кенг тарғиб қилган. Шунинг учун профилактика чоралари жиноятчига ёки хавфсизлик тизимига ёки потенциал жабрланувчига йўналтирилиши керак. Ушбу триадаларда ўзини ҳимоя қилиш мақсадида аҳолини ҳимоя қилиш ва мақсадли ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Германия**да узоқ вақтдан буён жиноятнинг олдини олиш полиция ишининг “ён маҳсулоти” деб ҳисобланган. Жиноятларнинг олдини олиш бўйича кенгашларнинг хулосаларини бепул тарқатади, радиода доимий эфирга узатади ва “Жиноят-полиция маслаҳати” туркумидаги телекурсларни намойиш этади. Жиноий ишлар бўйича махсус дастур мавжуд бўлиб, унинг асосий ғояси қуйидагича ифодаланади: полиция ходимининг жамоатчилик билан ҳар қандай алоқаси профилактиканинг манфаатларига хизмат қилиши керак [11].

Патрулларда фуқароларнинг иштироки **Канада**да кенг йўлга қўйилган. Баъзи ҳолатларда, хусусан, кечаю кундуз жиноий фаолият аниқланган жойлар атрофида назорат пунктлари ташкил этилган.

**Буюк Британия**да жамоат хавфсизлиги учун минимал стандартлар ишлаб чиқилган, полиция билан ҳамкорликда (патруллик, энг криминоген соҳаларда хизмат қилиш) жамоатчилик иштироки кенг қўлланилмоқда. Жамоатчилик вакиллари полиция кийим-кечаклари (нишон ва расмий маълумотномасиз), радио алоқалари билан таъминланади. **Ғарбий Европа ва Қўшма Штатларда** “Ўзингизни, оилангизни, уйингиз ва мулкингизни жиноий тажовуздан ҳимоя қилиш” мавзусидаги кўплаб ўқув қўлланмалар, дарсликлар чоп этилган.

Жиноий ишларда жабрланувчи ва гувоҳларни ҳимоя қилиш бўйича дастурлар амалга оширилган. Барча таълим муассасаларида – бошланғич мактабдан



университетларгача – амалий дарслар ўтказилади. Қизиқувчилар нафақат маърузаларни тинглашлари, балки махсус тайёргарликдан ўтиши мумкин. Ўзини ҳимоя қилиш техникаси ва экстремал вазиятларда мақбул хатти-ҳаракатлар учун кўникмалар ҳосил қилади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш амалиётида меъморий жиҳат деб аталадиган йўналиш жуда қизиқ. Юқори қаватли уйларда кам қаватли уйларга қараганда етти марта кўпроқ жиноятлар қайд этилган. Ушбу омилларни ҳисобга олиб, кам қаватли уйлар қуриш ҳажмини кенгайтириш лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда илмни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, транспорт воситаларининг, дори-дармонларнинг, қурол-яроғларнинг ҳаракатланишини назорат қилиш учун лазер ва бошқа оптик асбоблардан фойдаланиш, жиноятнинг ўзига хос белгиларига ва жиноят содир этилган жойдаги вазиятга кўра жиноятчининг ижтимоий-психологик портретини тузиш усуллари, такомиллаштириш, жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ахборотни қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш лозим.

**Америка Қўшма Штатларида** жиноятларни ўрганиш миллий маркази томонидан жиноятларни рўйхатга олиш учун ягона тизим ва бармоқ изларини автоматик аниқлаш тизими яратилган.

**Японияда** ҳам жиноятларнинг олдини олиш тизимлари мавжуд, яъни кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб оладиган жиноятларнинг олдини олиш тизимини назарда тутса, тор маънода эса аниқ мақсадли ҳукумат чораларининг мажмуи ҳисобланади. Японияда жиноят сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, жиноятчиликнинг олдини олишда давлат-ҳуқуқий майдондан “ижтимоий” соҳага айлантирилиши билан ажралиб туради.

Буюк Британияда аҳоли полиция билан ҳамкорлик қилишга кенг жалб қилинган. Жалб қилинган аҳолига бепул патрул кийими, радиоалоқа воситалари берилади [12, 68-б].

Японияда жиноятчиликнинг олдини олишда қонунчилик самарадорлигининг бир мисоли, энг йирик ривожланган капиталистик давлатлар орасида ўқотар қуролга эга бўлишни қатъий равишда ҳуқуқий тартибга солинганлигидир. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни бажаришга киришилган бўлиб, давлат органлари ва жамоатчиликнинг бу борадаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва йўналтириш учун махсус қонунлар, давлат дастурлари қабул қилинган. Шунингдек, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия, Австралия каби давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда бир қанча дастурлар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Юқоридаги хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Профилактика дастурлари ва тадбирлар лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ [13, 10-б].

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Юқоридаги санаб ўтилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб барчамиз ушбу ишларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатишимиз керак.





## REFERENCES

1. Тулаганова Г.З. Прокурорнинг ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашдаги ваколатлари. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали № 6. 2021.141-149 бетлар.
2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018.
3. mvd.uz сайтида эълон қилинган “Ички ишлар вазирлигида чорак якуни муҳокама қилинди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди” номли таҳлилий маълумот.
4. Розимова К. Бир неча жиноят содир этишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали № 6. 2021.61-65 бетлар.
5. Давлятов В. Хорижий мамлакатларда адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми. // Адвокат № 03. 2020.18-22 бетлар.
6. Тулаганова Г.З. Хорижий мамлакатлар жиноят процессида гувоҳлик иммунитети // Юридик фанлар Ахборотномаси № 02. 2017.106-113 бетлар.
7. Вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судловни амалга оширишнинг жорий ҳолати: миллий ва хорижий амалиёт таҳлили. М. Нодиров. Юридик фанлар ахборотномаси № 2. 2017. 132-136 бетлар
8. Тахиров Ф. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида номуносиб ҳуқ-атворга эга бўлган ўсмир ва оила масалалари. // Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами Т.:ТДЮУ ИФ,2021. 39-50 бетлар.
9. Розимова К.Бир неча жиноят содир этишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали № 6. 2021.61-65 бетлар.
10. Қодиралиев С. Ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда адвокатнинг роли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами Т.:ТДЮУ ИФ,2021.161-167 бетлар.
11. Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // Материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета
12. Жерновой М.В., Бутков А.В. Некоторые особенности профилактики правонарушений в зарубежных странах // Вестник Сибирского юридического института МВД России-Сибирь, 2008. № 1-С 67-70.
13. Рустамбаев М. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир масалалар. // Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами Т.:ТДЮУ ИФ,2021. 5-14 бетлар.

# ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

**Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна,**

Тошкент давлат юридик университетининг

Ихтисослаштирилган филиали

“Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси” мудири в.б.,

dilfuza.abdullayeva@yandex.ru

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатида, унинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни оила муносабатларидаги роли ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Илмий мақолада профилактика инспекторларининг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг оила муносабатларидаги ўрни таҳлил қилинган. Хусусан, оилада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталган. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширувчи ходимларнинг хизмат вазифалари ва уларнинг ваколатлари кўриб чиқилган. Хусусан, профилактика ишлари элементларидан бири сифатида профилактика инспекторларининг оила муносабатларидаги роли ва алоҳида ваколатлари кўриб чиқилади. Оила муносабатларидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамда кўриб чиқилаётган муаммо билан боғлиқ бўладиган давлат органлари тизимида ихтисослаштирилган бўлинмаларни яратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур мақолада бир қанча ҳуқуқшунос олимларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда оила муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қандай амалга оширилиши хусусида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика, профилактика инспектори, оила, вояга етмаганлар, оила муносабатлари.

## ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ В СЕМЕЙНО-БРАЧНЫХ ОТНОШЕНИЯХ

**Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна,**

и.о. заведующей кафедрой "Частноправовые дисциплины"

Специализированного филиала

Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В научной статье акцентируется внимание на роли нормативных правовых актов в семейных отношениях и широкомасштабной работе, проводимой по реализации политики, направленной на профилактику правонарушений в Узбекистане, что отражает ее сущность. В научной статье проанализировано взаимодействие инспекторов профилактики с органами самоуправления граждан и их роль в семейных отношениях. В частности, речь идет о работе по повышению эффективности



профилактики правонарушений, совершаемых в семье. Рассмотрены также должностные обязанности сотрудников, осуществляющих профилирование правонарушений, и их полномочия. В частности, в качестве одного из элементов профилактической работы рассматриваются роль и особые полномочия инспекторов по профилактике в семейных отношениях. Указана возможность создания в системе государственных органов специализированных подразделений по предупреждению правонарушений в семейно-брачных отношениях и в связи с рассматриваемой проблемой. В данной статье отражены взгляды ряда ученых-правоведов на профилактику правонарушений. Кроме того, речь идет о том, как в развитых странах осуществляется профилактика правонарушений, связанных с семейными отношениями.

**Ключевые слова:** правонарушения, профилактика правонарушений, профилактика, инспектор по профилактике, семья, несовершеннолетние, семейные отношения.

## PREVENTION OF FAMILY OFFENSES

**Abdullaeva Dilduza Saidazimovna**

Acting Head of the Department "Private Law Disciplines"  
Specialized Branch of Tashkent State University of Law

**Abstract.** *The scientific article focuses on the role of normative legal acts in family relations and the large-scale work carried out to implement the policy aimed at the prevention of offenses in Uzbekistan, which reflects its essence. The article analyzes the interaction of peace officers with the self-government bodies of citizens and their role in family relations. In particular, it deals with the work to improve the effectiveness of the prevention of offenses committed in the family. This article also considers the official duties of employees who perform profiling of offenses, and their powers. Specifically, the role and special powers of in family relations are considered as one of the elements of preventive work. It indicates the possibility of creating specialized units in the system of state bodies to prevent family offenses and in connection with the problem under consideration. This article reflects the views of several legal scholars on the prevention of offenses. In addition, there is a discussion about how family offense prevention is performed in developed countries.*

**Keywords:** offenses, prevention of offenses, prevention, peace officers, family, minors, family relations.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатига унинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, уларнинг ҳаётда амалга оширилиши ва қўлланилишини таъминловчи орган ва муассасалар фаолиятига бевосита ўзбек халқининг юксак маънавиятини ўзида акс эттирувчи инсоний туйғулар, ғазилатлар, буюк аждодлар мерослари, оила қадриятлари ҳақидаги ғоялар

сингдирилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий соҳадаги ваколатлари манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда амалга оширилмоқда [1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда жамоат тузилмалари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, уларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, оилада содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, маъмурий ҳудудда яшовчи ноқобил ва жанжалкаш оилаларни аниқлаш, ундаги ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, салбий хулқ-атворга эга бўлган шахсларда жамиятга нисбатан ижобий дунёқарашни шакллантириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишни таъминлаш борасида сезиларли даражада ишлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жамиятда адолатни қарор топтириш масаласини қуйидагича изоҳлайди: “Қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур” [2]. Давлатимиз раҳбари жамиятда адолатни қарор топтиришда ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб, унда ҳуқуқий маърифат, маҳалла ва участка профилактика инспекторларининг фаолиятини самарали ташкил этишни устувор вазифа сифатида белгилайди.

Қ.А. Сайткуловнинг фикрига кўра, жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда, ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли субъектлардан бири бўлиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аниқроқ айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади [3].





Шунингдек, А. Муродовнинг фикрига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси – инсонларни бошқаларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига, Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, жамият (оила, жамоа, ҳудуд, соҳа)даги ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, одамларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик содир этишга ёхуд унинг жабрланувчиси бўлишга мойиллик шаклланишининг олдини олишга қаратилган тарбиявий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, психологик, ижтимоий-иқтисодий ва огоҳлантирувчи профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни, деб хулоса берган [4].

Ривожланган давлатларнинг оила муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётига назар соладиган бўлсак, бир қатор мамлакатларда оила судлари мавжуд бўлиб, оила ва болалар билан боғлиқ барча масалалар билан шуғулланади.

Масалан, Польшада 1982 йилдан буён шундай судлар фаолият кўрсатиб, жиноят содир этган вояга етмаганларга, жиноий муҳит таъсири остида бўлган ва жиноят содир этишга қодир ўсмирларга нисбатан ишларни кўриб чиқади. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина давлатларда оилавий судлар жуда самарали ҳисобланади. Улар оила ва болалар билан боғлиқ масалаларнинг барчасини кўриб чиқади. Оилавий судларнинг афзаллиги шундаки, уларда нафақат чуқур касбий билимга, балки бу соҳада тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунослар, психологлар, ўқитувчилар, социологлар ҳам ишлашади [5].

АҚШда эса аксарият штатларда оилавий муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг жуда самарали усули мавжуд бўлиб, маъмурий-ҳуқуқий воситаси сифатида “Маиший (оилавий) муносабатларнинг ҳимоя ордери” деб аталади. Ушбу ордер суд томонидан уйдаги зўравонлик ҳаракатини содир этган шахсга нисбатан чиқарилади. Ордернинг моҳияти шундаки, суд қарори асосида бу шахс 100 метрдан яқинроқ оила аъзосига (кўпинча турмуш ўртоғи ёки собиқ турмуш ўртоғига) яқинлашиши мумкин эмас. Шунингдек, қўнғироқ қилиш ёки безовта қилиши мумкин эмас. Агарда бу шахс ордер талабларини бузадиган бўлса жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунингдек, болалари билан мулоқот қилиши алоҳида суд назоратида бўлиши мумкин [6].

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги Қонунига кўра, **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** – ҳуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими [7] эканлиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу Қонунга асосан, профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда оила масалаларида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

- йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга қўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган ташвиқот ишларини амалга ошириш;



- эр-хотин, қайнона ва келин, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни бартараф этиш, бузилган муносабатларни тиклашга доир амалий чоралар қўриш;
- миллий қадриятларимизга зид ҳолда мунтазам равишда нотинч яшаётган, қўни-қўшничилик муносабатлари ҳамда маҳалладаги осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларни, турли ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида оилаларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш чора-тадбирлари амалга оширилишини ташкил этиш;
- алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишга доир профилактика тадбирларини амалга ошириш;
- ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган, айниқса илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактика ишлари олиб боришда иштирок этиш;
- намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни омалаштириш;
- вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳудудда маънавий-маърифий, тарбиявий, ижтимоий, экологик ишларнинг амалга оширилишидаги ижтимоий фаоллигини янада ошириш;
- вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, оммавий маданият салбий таъсирларининг олдини олиш ҳамда бунга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- вояга етмаганлар ва ёшларни миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга фаол кўмаклашиш ва бошқалар.

Бундан ташқари, вояга етмаганларни ва ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволдаги оилаларни; таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабсиз мунтазам бормайдиган вояга етмаганларни, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни аниқлайдилар ва ҳисобга қўядилар [8].

Дарҳақиқат, ҳар қандай вояга етмаган оилада тарбияланади ва у инсон бўлиб шаклланишида оиланинг роли беқиёсдир. Шу боисдан профилактика (катта) инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда оилалар билан ишлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратишлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан оилаларда муҳитни ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларини бартараф этишда профилактика (катта) инспекторининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигининг имкониятлари кенгроқ.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар қанчалик соғлом бўлса, кичик муҳитда шахснинг маънавий шаклланишига таъсир қилувчи салбий шароитлар шунчалик кам бўлади. Шу билан бирга, кичик муҳит қанча ижобий омилларга бой бўлса, жамият шунча соғлом бўлади ва тараққий этади. Шахс маънавиятининг ижобий ёки салбий шаклланишида кичик муҳит, яъни оила, мактаб, меҳнат жамоаси, маҳалла энг муҳим ўрин тутди, чунки улар жамиятда мавжуд салбий жараёнлар, воқеалар, омилларнинг шахсга таъсир қилишнинг олдини олиш, уларни кучсизлантириш, ҳатто тозалаб ўтказиш имкониятларига эга [9].



Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилиكنинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда. Жумладан, 2020 йил 6 ойи давомида қайд этилган қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси, оғир тан жароҳати етказиш жиноятининг 20,5 фоизи оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган. Оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги натижасида оила-турмуш муносабатлари доирасида 5 минг 940 ҳуқуқбузарлик содир этилган. Мамлакатимиз бўйича 10 минг 192 оилада ҳуқуқбузарлик келтириб чиқариши мумкин бўлган турли оила-турмуш муносабатлари доирасидаги муаммолар мавжуд. Шундан 4 минг 840 таси нотинч оила ҳисобланади [10].

Шу билан бирга, оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 5 940 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, уларнинг аксарияти, яъни 52,6 фоизи (3 123 таси) Тошкент, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Хусусан, оила-турмуш доирасида тазйиққа учраган хотин-қизларнинг 2 776 нафарига “ҳимоя ордери” берилган [11].

Оила ва никоҳ муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони ҳамда 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинганлиги ҳам мазкур соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтарувчи муҳим қадам бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Фармонда шу ҳудудга бириктирилган профилактика (катта) инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тенглаштирилди. Бу тартиб, ўз навбатида, профилактика (катта) инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оила муносабатлари соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга асосан ҳаёти ва соғлиғига, шахсий эркинлигига, шаънига путур етказувчи, яқин қариндошлар ҳамда оила ўртасидаги кескин низолар ҳисобланади. Шунингдек, оила муносабатларидан криминоген вазиятларни келтириб чиқарувчи ҳолатлардан бири бу ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Бунда шахс ўзини англай олмайди, ўз-ўзини назорат қилишнинг заифлашиши ёки йўқолиши оқибатида оила аъзоларига нисбатан шафқатсизлик, қўполлик ва тажовузкорлиги оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этади.

Оилавий муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш методикаси сифатида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли хилдаги тадбирлар ўтказиш ҳам асосий омиллардан бири, деб ҳисобласак бўлади. Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг яшаш жойида махсус тарбиявий ва ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш орқали оила муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.

Бундан ташқари, оила муносабатларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўриш орқали оилалардаги вазиятни нормаллаштиришга хизмат қилади. Бунда барча манфаатдор ташкилотларни, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, сиёсий партиялар аъзолари, таълим, соғлиқни сақлаш,

маданият ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда “Тинч оила” акцияси ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оила муносабатларидан келиб чиқадиган низоларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган профилактик ишлар доимий равишда амалга оширилса, бир қанча оилавий низолар ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида ҳамкорликдаги фаолиятининг салмоғи шунчалик кенг бўлиб, ушбу соҳадаги ишларни мунтазам такомиллаштирилишини талаб этади.

## REFERENCES

1. Ruziev Z.R. Fuqarolar yzini yzi boshqarish organlarining vakolatlari (konstitucijavij-huquqij taxlil). Aftoref. jurid. fan. dok. [Powers of citizens' self-government bodies (constitutional-legal analysis). Abstract Doctor of Law]. Tashkent, 2016, p. 17.

2. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – jurt taraqqijoti va halk farovonligining garovi. Ўzbekiston Respublikasining sajlangan Prezidenti Shavkat Mirzijoeyning Ўzbekiston Respublikasi Konstitucijasi qabul qilinganining [The rule of law and the protection of human interests are the key to the development of the country and the well-being of the people. The adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan by the President-elect of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev Speech at the 24th Anniversary Ceremony]. Halk syzi gazetasi – People's Word newspaper, December 8, 2016.

3. Saitkulov Q.A. Ichki ishlar organlari profilaktika xizmatlarining fuqarolik zhamijati institutlari bilan xamkorligini tashkil jetish. Ўquv-amaliy qyllanma [Organization of cooperation of law enforcement agencies with civil society institutions. Textbook] Doctor of Law, prof. Edited by I. Ismailov. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015, 123 p.

4. Bakaev A.A. Sistema profilaktiki pravonarushenij nesovershennoletnih. Ўquv qyllanma [Juvenile delinquency prevention system]. Moscow, Logos, 2004, p. 175.

5. Kardashevskij V.V. Aktual'nye voprosy primenenija mezhdunarodnogo opyta administrativno-pravovogo regulirovanija profilaktiki i presechenija pravonarushenij v sfere semejno-bytovyh otnoshenij [Topical issues of application of international experience of administrative and legal regulation of prevention and suppression of offenses in the field of family and domestic relations]. Vestnik Moskovskogo universiteta MVD Rossii – Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2016, no. 7, p. 149.

6. Murodov A.Sh. Ichki ishlar organlarining oiladagi zy'ra vonlik bilan bo'liq huquqbuzarliklar profilaktikasini takomillashtirish. Avtoreferat [Improving the prevention of domestic violence by law enforcement agencies. Abstract]. 2017. Available at: <http://www.ziynet.uz/uploads/books.pdf/>.

7. Kodirov Je. Joshlar zhinojatchiligining oldini olish masalalari. Risola [Issues of prevention of youth crime. Brochure]. Tashkent, Republican Center for Spiritual Propaganda, Tashkent State University of Law, 2017, p. 4.

8. Ismailov I., Mirazov D.M., Muhtorov Zh.S. Huquqbuzarliklarning sabab va sharoitlarini aniqlash, taxlil qilish va bartaraf jetish. Ўquv qyllanma [Identify, analyze and eliminate the causes and conditions of violations. Textbook]. Under the general editorship of O.H. Mukhamedov.



# ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ТЕХНИКАСИ (ЮНУСОБОД ТУМАНИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)

**Рахмонова Дилдора Мирзакаримовна,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Ихтисослаштирилган филиали ўқитувчиси,  
dildorarahmonovatsul@gmail.com

**Аннотация.** *Хуқуқбузарликлар профилактикаси жамият осойишталиги учун ҳамиша энг муҳим соҳалардан бўлиб келган. Мазкур мақолада хуқуқбузарликларнинг олдини олишда энг муҳим амалий қисм — профилактика инспекторларининг фаолиятида девиант хулқ-атворли кишилар билан мулоқотни ташкил этиш муҳити, суҳбат олиб бориш усуллари, хулқ-атвор ўзгаришидаги фуқароларга таъсир этиш меъёрлари ҳақида илмий хулосалар берилган. Девиант хулқ-атворли кишилар билан ишлашда нафақат психологик тушунчаларнинг мавжудлиги, балки лингвистик, маданиятлараро мулоқот борасидаги билим ҳам муҳим ўрин тутди. Айни мана шу омиллар хуқуқбузарликка мойил шахсларнинг фикрлаш тарзини ўзгартиришга, хулқий оғишини чеклашга шароит яратади. Мазкур тадқиқот иши хулосаларидан хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат тартибini сақлаш соҳаси ходимлари фуқаролар, хусусан, хулқий оғишга учраган кишилар билан мулоқот жараёнида фойдаланишлари мумкин.*

**Калит сўзлар:** *девиант хулқ-атвор, мулоқот, мулоқот техникаси, мулоқот одоби.*

## ТЕХНИКА ОБЩЕНИЯ С ГРАЖДАНАМИ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ (НА ПРИМЕРЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ЮНУСАБАДСКОГО РАЙОНА)

**Рахмонова Дилдора Мирзакаримовна,**  
преподаватель Специализированного филиала  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** *Предупреждение преступности всегда было одним из важнейших направлений общественного порядка. В статье представлены научные выводы о важнейшей практической части профилактики правонарушений – среде общения с людьми с девиантным поведением в деятельности инспекторов по профилактике, методиках проведения собеседований, нормах воздействия на граждан с целью изменения поведения. Не только наличие психологических концепций, но и знание языковой, межкультурной коммуникации играет важную роль в работе с людьми с девиантным поведением. Именно эти факторы создают условия для склонных к правонарушениям людей изменить свой*



образ мышления, ограничить свои моральные отклонения. Результаты этого исследования могут быть использованы сотрудниками службы предупреждения преступности и общественного порядка при взаимодействии с гражданами, особенно с людьми с поведенческими расстройками.

**Ключевые слова:** девиантное поведение, общение, коммуникативные приемы, коммуникационный этикет.

## COMMUNICATION TECHNIQUES TO DEAL WITH CITIZENS WITH DEVIANT BEHAVIOR (THE ACTIVITIES OF LAW ENFORCEMENT OFFICERS OF YUNUSABAD DISTRICT AS ANA EXAMPLE)

**Rakhmonova Dildora Mirzakarimovna,**  
Teacher, Specialized Branch  
of the Tashkent State University of Law

**Abstract.** Crime prevention has always been one of the most important areas of public order. This article provides scientific conclusions about the most crucial practical part of crime prevention – the area of communication with people with deviant behavior in the activities of law enforcement officers, interview techniques, the norms of influencing citizens to change behavior. Not only the presence of psychological concepts, but also knowledge of linguistic, and intercultural communication plays an essential role in working with people with deviant behavior. Only these factors create conditions for people prone to delinquency to change their way of thinking, to limit their moral deviation. The findings of this study can be used by public order and law enforcement officers in communicating with citizens, especially those with behavioral disorders.

**Keywords:** deviant behavior, communication, communication techniques, communication etiquette.

### Кириш

Профилактика инспектори хизмат вақтининг катта қисмини одамлар билан мулоқотга сарфлайди. Мулоқот баъзан оғзаки суҳбат тарзида кечса, баъзан тақдимотлар, турли хил ҳужжатлар тузиш ва расмийлаштиришни ўз ичига олади, шунинг учун оғзаки ва ёзма нутқ ички ишлар органлари ходимлари касбий малакасининг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Сўнгги пайтларда тизим ходимларининг фуқаролар билан муомала маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, “Ички ишлар органларининг ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодекси” тасдиқланган. Халқ манфаати йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, аввало, ўзининг билими, маънавияти ва дунёқарашининг кенглиги билан ажралиб туриши керак. Дунёқараш, салоҳият, тафаккур теранлиги эса, шубҳасиз, мулоқот жараёнида кўзга ташланади.

Аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикасида шундай муаммоли вазият борки, бу девиант ҳуқ-атворли кишилар билан мулоқот қилиш масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Бу борадаги мулоқот муаммолари бўйича илмий ишларнинг таҳлили (Александров ва бошқ., 2018), девиант хатти-ҳаракатлар (Морова ва Захарова, 2017), социализация (Кутуев ва бошқ., 2017), шу жумладан, этномаданият (Морова ва Захарова, 2018),





ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (Аҳадов ва бошқ., 2011), нутқ психологияси (Ахмедова ва бошқалар, 2014) девиант хулқ-атвор билан боғлиқ муаммоларнинг асосли амалий ечимига ёрдам беради.

### **Материал ва методлар**

Девиант хатти-ҳаракатлар жамиятнинг умумэътироф этилган меъёрларидан четга чиқадиган одамларнинг хулқ-атвори ҳисобланади. Девиант хатти-ҳаракатли кишилар ўзларининг мақсадларига эришиш мотивлари, қадриятлари, идеаллари ва воситалари билан жамиятда умумқабул қилинган меъёрлардан фарқ қилади. Бундай одамлар учрашганда бир-бирлари билан саломлашмасликлари, ғайритабиий кўринишга эга бўлишлари, безорилик қилишлари, ноодатий, радикал ҳаракатлар қилишлари мумкин. Бундай хатти-ҳаракатга ўсмирлар, ёшлар, махсус ҳисобда турувчилар, руҳий касал шахслар кўпроқ мойил. Бундай одамларнинг хатти-ҳаракатлари уёки бу даражада оилада, кўчада, жамоада ва умуман жамиятда ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини бузади.

Девиант хатти-ҳаракатлар бир жамият ёки ижтимоий гуруҳ учун одатий, бошқаси учун эса хулқий бузилиш бўлиши мумкин. Бу кўпроқ маданиятлараро мулоқот жараёнида кўзга ташланади.

Т. Парсонс одамнинг бошқа одамларга бўлган муносабатига қараб девиант хулқ-атворнинг икки турини ажратиб кўрсатади [1, 124-б.]:

Биринчи тур атрофдагиларга устунлик қилиб, уларни бўйсундиришга интилади. Бу кўпинча жиноий гуруҳларда кузатиладиган девиант мотивациянинг намоён бўлишидир.

Иккинчи тур бошқа одамларга бўйсундириш, ён беришади ёки кучлироқ ва фаол шахсларга мослашиб боради.

Ушбу хатти-ҳаракатларнинг кенгроқ таснифи Р. Мертон томонидан ишлаб чиқилган [2, 305-б.]. Мазкур тасниф инсоннинг стандартларга, уларнинг қадриятлари ва эҳтиёжларига бўлган муносабатига асосланган. У девиант хулқ-атворнинг қуйидаги турларини таснифлайди:

Умумий конформизм (одатдаги хатти-ҳаракатлар). Бу жамият меъёрларини қабул қиладиган, таълим оладиган, иши бор, олдинга силжийдиган ва шу билан ҳам ўзининг ҳам, ижтимоий эҳтиёжларини ҳам англайдиган киши.

Инноваторлар – бу ўз фаолиятининг жамият томонидан маъқулланган меъёрларига кўниккан, шу билан бирга, мақсадларга эришишнинг умумий қабул қилинган воситаларига амал қилмайдиган одамлардир. Улар мақсадларга эришиш учун янги ва инновацион воситаларни таклиф қилишади. Масалан, булар давлат мулкани хусусийлаштириш, молиявий “пирамидалар”, “рекетлар” яратиш билан шуғулланадиган одамлардир.

Ритуалистлар – бу жамиятнинг меъёрлари ва тамойилларини абсурдлик даражасига етказадиган одамлардир.

Ретреатизм ҳақиқатдан қочишни англатади. Бу мақсадлар ва уларга эришиш йўллари рад этадиган одамлар. Бунга бошпанасизлар, спиртли ичимликларга муккасидан кетганлар, гиёҳвандлар ва бошқалар киради.

Радикаллар – бу эскирган мақсадларни рад этадиган ва уларни янги мақсадлар билан алмаштирадиган одамлардир.

Мослашув йўли	Жамият манфаатларига хайрихоҳлик	Ижтимоий маъқулланиш воситалари
КОНФОРМИЗМ	+	+
ИННОВАЦИЯ (янгиликлар)	+	-
РИТУАЛИЗМ	-	+
РЕТРИТИЗМ	-	-
Инкор этувчилар	±	±

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, девиант хатти-ҳаракатлар ҳам муайян ижобий кўринишларга эга. Айрим тоифалар туфайли жамият ахлоқан эскирган қадриятлар ва мақсадлардан воз кечиб, олдинга интилмоқда.

Девиант хатти-ҳаракатни психология нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Рухий саломатлик меъёрларидан четга чиқадиган хатти-ҳаракатлар. Ушбу гуруҳ психопатологиянинг аниқ ёки яширин белгиларига эга бўлган руҳий касаллардан иборат.

Ижтимоий патологияда намоён бўлган хатти-ҳаракатлар – мастлик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик. Бу турли хил жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаради.

Мазкур тадқиқотда қўлланилган турли хил тадқиқот усуллари бир-бирини тўлдирди:

илмий адабиётларни назарий-таҳлил қилиш (ўқув, этнопедагогик, фалсафий, маданий), таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

эмпирик-социологик сўров, суҳбатлар, кузатиш, натижаларни текшириш.

#### Тадқиқот натижалари

Йунусобод тумани мисолида олиб қарайдиган бўлсак, айтилган пайтда туманда 45 нафар фуқаро руҳий касал сифатида қайд этилган. 191 нафар фуқаро муқаддам судланган, 113 нафар фуқаро ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахс (сурункали ичувчи ҳамда нотинч оила вакиллари) сифатида назоратга олинган. Шунингдек, туманда истиқомат қилувчи 339 800 нафар аҳолининг 104 минг нафари ёшлар эканлигига эътибор қаратишимиз лозим. Яъни, айнан ўсмир ёшда психологик, физиологик жиҳатдан хулқ-атворнинг оғишига эътиборли бўлиш талаб этилади. Бу эса профилактик тадбирларнинг сифатини оширишни тақозо қилади. Девиант хулқ-атворнинг ижтимоий сабабларини аниқламай туриб, унинг оқибатларига қарши курашиб бўлмайди.

Биринчи навбатда – ижтимоий тафовут. Аксарият одамлар моддий қийинчиликларни бошдан кечиришади. Шу сабабли муваффақиятга эришиш, юқори даромад олиш ва жамоатчилик томонидан тан олинисига интилаётган ёш авлоднинг ўзини ўзи англашида муаммолар пайдо бўлади. Ўқиш ёки вақтни кўнгилли ўтказиш учун маблағнинг йўқлиги ўсмирларни девиант хулқ-атворга олиб келадиган пул ишлашнинг ноқонуний усуллари синаб кўришига олиб келади.

Ахлоқ ва жамият маънавиятининг номувофиқлиги. Фақат моддийга йўналтириш одамни ҳамма нарсани сотиш ёки сотиб олиш мумкин деган фикрга олиб боради. Бу нафақат фоҳишаликка, балки одамни (мижоз)ни жалб қилиш учун доимий равишда статуслар пойгасига йўналтиришга олиб келади.

Девиант хатти-ҳаракатларга бефарқ бўлган муҳит бундай одамлар тобора кўпайиб боришига олиб келади. Улар тезлик билан ижтимоий гуруҳларга бирлашадилар ва бу муҳитда уларнинг хатти-ҳаракатлари одатий ҳолга айланади.



Америкалик психолог А. Гезелл ўсмир ёшининг даврланишига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича шарҳлайди [3, 26-6]:

10 ёш – ўсмирлар мувозанатли ҳаётни тез идрок этувчи, ишонувчан, ота-оналарига итоатли, ташқи қиёфа ҳақида эътиборсиз бўлганлиги боис бу “олтин ёш” ҳисобланади.

11 ёш – организмда ўзгаришлар юз беради, болалар негативликни намоён қилади, кайфияти тез ўзгаради, ота-оналарига нисбатан норозилик билдириши кўпаяди.

12 ёш – тез жазавага тушувчан бўлади, дунёга нисбатан ижобий муносабат шаклланади, ўсмирда оиласига нисбатан автономлик ва тенгдошларига таъсири ортади. Уларда ақллилик, ҳазил-мутуйибага мойиллик, чидамлилиқ, ташаббускорлик, ташқи қиёфа ва қарама-қарши жинсдагиларга эътибори орта бошлайди.

13 ёш – ўзининг ички дунёсига эътиборлилиқ, интровертликка хос бўладиги, улар ўзини ўзи танқид қилишга ва танқидларга нисбатан таъсирланувчан, ота-оналарга танқидий муносабат билдирувчи, дўст танловчи, тўлқинланиш ва ҳаяжонланиш ортади.

14 ёш – ўсмирлардаги интровертлик экстровертликка алмашинади, шижоатли, хушмуомала, ўзига ишонч уйғонади, бошқаларга эътибори ортади ва улар ўртасидаги фарқни ажрата бошлайди.

15 ёш – бу ёшдагилар учун мустақиллик ортади, бу эса уларнинг оила ва мактаб билан боғлиқ зўриқишларга дучор этади. Уларни гуруҳли ҳаракат қилишга ва гуруҳдагиларга мослашишга интилиш ортади.

16 ёш – ўспиринлар ҳисобланиб, уларда мувозанатлашув, ҳаётдан қувониш, ички мустақиллик, эмоционал барқарорлик, муомалага мойиллик, келажакка интилувчанлик ортади.

Девиант хулқ-атвор пайдо бўлишининг асосий сабаблари ва омиллари сифатида ноқулай яшаш шароитлари, тарбиянинг етишмаслиги, билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ муаммолар, ўқишдаги муваффақиятсизликлар, ўз-ўзини англаш учун имкониятларнинг йўқлиги кўрсатилади. Ўзаро муносабатларни ўрнатишга қодир эмаслик, доимий зиддиятлар ва психологик оғишлар руҳиятнинг инқирозига ва мавжудлик маъносининг йўқолишига олиб келади.

Ўсмирларда хулқий бузилишга кўпинча ота-оналарнинг бепарволиги, болага этарлича эътибор бермаслик сабаб бўлади. Шу сабабли девиант хулқ-атворнинг дастлабки белгиларида профилактика инспекторлари ёки улар билан ижтимоий ҳамкорларга ота-оналар билан мулоқот қилишлари ва оилавий муҳитни аниқлашлари тавсия этилади.

#### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

девиант хулқ-атворнинг психологик ва ижтимоий омиллари ўзаро алоқадордир:

ирсий омиллар: алкоголизм, асаб ва руҳий касалликларга мойиллик, патологик ҳомиладорлик ва туғиш;

ижтимоий омиллар: оиладаги, мактабдаги, тенгдошлари ва дўстлари билан муносабатлар. Шунингдек, шахснинг қадриятлари, унинг мавқеи, мақсадлари;

шахсият ва темперамент, ўзини қадрлаш ва амбиция даражаси;

инсоннинг ҳуқуқий онги.

девиант хулқ-атворнинг асосий сабаблари ўспиринлик даврида ётади. Айнан шу даврда нафақат ўз-ўзини англаш ва катталар ҳаётига мослашиш, балки шахс сифатида шаклланиш ҳам амалга оширилади. Шунинг учун бу ёшдагилар билан мулоқот ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб қилади.

### Хулосалар

Мулоқотга киришувчи ҳар қандай киши низолаарга дуч келиши табиий. Чунки билдирилаётган фикрга эътирозлар туғилиши ёки мулоҳазалар натижасига кўра, манфаатлар тўқнашуви юз бериши мумкин. Бу эса, табиийки, мулоқотдаги низолаарда акс этади. Аммо нотиклик маҳорати туфайлигина низолаарнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

танқид ва айбловни кўп ишлатмаслик, кўп нолийвермаслик;

фикрни қисқароқ гапларда ифодалаш;

этиборли тингловчи бўлиш – суҳбатдошнинг фикрини бўлмаслик, суҳбатдошга ўз фикрини билдириши учун вақт бериш, унга бўлган қизиқишни кўрсатиш, суҳбатдош нутқининг хусусиятларига камроқ эътибор бериш, диалогни монологга айлантириб юбормаслик, суҳбат мавзусидан чалғимаслик;

овознинг имкон қадар самимий жаранглашини таъминлаш;

суҳбатдошнинг новербал сигналларини диққат билан кузатиш;

қатъий фикр билдиришдан сақланиш;

фикрни билдиришдан аввал у нима ҳақида эканини маълум қилиш;

суҳбатдош “тилида” гапириш (профессионализмга йўл қўймаслик);

бефойда баҳсларга киришишдан сақланиш;

буйруқ оҳангидан воз кечиш;

“ҳеч қачон” ва “ҳар доим” сўзларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;

ижобий эмоцияларни сақлаб туриш, кўпроқ табассум қилиш.

Суҳбат давомида келишмовчилик юз берса, уни бартараф этиш учун қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

1) вазминликни сақлаб қолиш (эмоционал ҳолатни имкон қадар бошқариш);

2) низоинг асосий сабабини аниқлашга интилиш (аниқлаштирувчи саволлар бериш);

3) шахсий соҳадаги тўқнашувга йўл қўймаслик (суҳбатдошнинг шахсий хусусиятларидан ранжишни, уларни ёқтирмасликни кўрсатмаслик, шахсий устунликни кўрсатишдан сақланиш);

4) ҳар бир сўз ва иборадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш (жумладан, “сиз адашдингиз”, “хато қилипсиз”, “эс-ҳушингиз жойидами?” каби негатив ибораларни ишлатишдан сақланиш);

5) мураса учун очиқ бўлиш (ўзаро манфаатли келишувга тайёр туриш);

6) суҳбатдошнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглаш ва таҳлил қилиш (унинг ҳиссиётларини тушунишга ҳаракат қилиш, шахсий позициянинг суҳбатдош позициясидан нимаси билан фарқланишини аниқлаш).

Низо бартараф этилмай муносабатлар бутунлай тугалланса, бунинг фақат нуқтаи назарларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги туфайли рўй берган ҳодиса деб ҳисоблаш лозим. Демак, профилактика инспектори ўзаро мулоқотда низо пайдо бўлмаслигига ҳаракат қилиши, суҳбатдошни тўғри тушунишга интилиши керак. Шундагина атрофдагилар билан мулоқот муваффақиятли бўлади.

Мулоқотнинг мақсади нима бўлишидан қатъи назар, қандай қилиб тўғри тинглаш бўйича профилактика инспекторларига бериладиган тавсиялар жуда оддий:

жисмонан сергак бўлиш, яъни суҳбатдошни бутун вужудингиз билан тингланг;

сўзловчига юзма-юз ҳолатда туринг;

кўз кўзга тушсин;



сизнинг хатти-ҳаракатингиз ва гавдангизнинг ҳолати тинглаётганингизни кўрсатиб турганига ишонч ҳосил қилинг;

суҳбатдошингиздан иккалангиз ҳам бемалол мулоқот қила олишингиз учун қулай бўлган масофада бўлинг;

сўзловчи девор билан эмас, балки диққат билан тинглаётган, жонли суҳбатдош билан мулоқот қилишни хоҳлашини унутманг.

“Сўзловчига нимани тушунаётганингизни кўрсатинг!” қондасига амал қилган ҳолда суҳбат жараёнида “Сизни тушуна олмадим”, “Яна бир бор такрорлай оласизми?”, “Нимани назарда тутяпсиз?” жумлаларини ишлатинг.

## REFERENCES

1. Parsons T. Social'naja sistema [Social system]. Moscow, Academic project, 2018, 529 p. ISBN 978-5-8291-2255-3.
2. Merton R. Social'naja struktura i anomija [Social structure and anomie]. Sociologija prestupnosti – Sociology of crime. Moscow, Progress, 1966.
3. Gezel A. Umstvennoe razvitie rebenka. Metodika diagnostiki umstvennogo razvitija rebenka ot rozhdenija do shesti let [The mental development of the child. A method for diagnosing the mental development of a child from birth to six years old]. Translation from English. ed. prof. E.A. Arkina. Moscow, GIZ, 1930. Available at: <https://studfile.net/preview/8710349/page:92/>.
4. Arapova P.I. Pedagogicheskoe soprovozhdenie vybora zhiznennogo puti podrostkov s deviantnym povedeniem [Pedagogical support of the choice of the life path of adolescents with deviant behavior]. Bulletin of the Volga University named after V.N. Tatishcheva, 2013, March, no. 1, pp. 43-48.
5. Borodina N.V., Mushkina I.A., Sadilova O.P. Analiz otechestvennogo i zarubezhnogo opyta v profilaktike delinkventnogo povedenija podrostkov [Analysis of domestic and foreign experience in the prevention of delinquent behavior in adolescents]. Put' nauki – The path of science, 2014, no. 9, pp. 31-37.
6. Zmanovskaja E.V. Deviantologija (Psihologija otklonjajushhegosja povedenija). Ucheb. posobie dlja stud. vyssh. ucheb. zavedenij [Deviantology (Psychology of deviant behavior). Textbook. manual for stud. higher. study. institutions]. Moscow, Publishing Center "Academy", 2003.
7. Mal'ceva N.V. Priroda i prichiny deviantnogo povedenija detej i podrostkov [Nature and causes of deviant behavior in children and adolescents]. Vestnik Ishimskogo gosudarstvennogo pedagogicheskogo instituta im. P.P. Ershova – Bulletin of the Ishim State Pedagogical Institute named after P.P. Ershova, 2012, no. 1, pp. 37-42.
8. Polujektova N.M., Smirnova A.N. Rol' sistemy otnoshenij lichnosti podrostka v profilaktike deviantnogo povedenija [The role of the teenager's personality relationship system in the prevention of deviant behavior]. Vestnik Sankt-Peterburgskogo universiteta. Sociologija – Bulletin of St. Petersburg University. Sociology, 2014, March, no. 1, pp. 196-206.
9. Rean A.A., Bordovskaja N.V., Rozum S.I. Psihologija i pedagogika [Psychology and pedagogy]. St. Petersburg, Peter, 2010, 432 p.
10. Smirnova A.N. Cennostnye orientacii i povedencheskie riski podrostkov [Value orientations and behavioral risks of adolescents]. Vestnik Sankt-Peterburgskogo universiteta. Sociologija – Bulletin of St. Petersburg University. Sociology, 2011, September, no. 3, pp. 351-358.
11. Tigunceva G.N. Kommunikativnoe (kak innovacionnoe) reshenie problemy prevencii delin-L kventnosti v podrostkovom vozraste: osnovnye Ju konceptual'nye polozhenija [Communicative (as an innovative) solution to the problem of preventing delin-L quency in adolescence: basic conceptual provisions]. Innovacii i investicii – Innovations and investments, 2014, no. 7, pp. 172-176.
12. Klimov M.A., Rashhikulina E.N. Deviantnoe povedenie podrostkov: prichinnaja obuslovlennost', vidy, riski [Deviant behavior of adolescents: causation, types, risks]. Sovremennoe pedagogicheskoe



obrazovanie – Modern teacher education, 2018, no. 2, pp. 151-154. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/deviantnoe-povedenie-podrostkov-prichinnaya-obuslovlennost-vidy-riski/>.

13. File archive of students. Available at: <https://studfile.net/preview/8710349/page:91/#128/>.

14. Usmonov Je.M., Qurbonova Ju.M. Deviant hulk-atvorli ysmirlar bilan pedagogik faolijat olib borishda ykituvchi mulot madaniyatining yri [The role of teacher communication culture in pedagogical activities with adolescents with deviant behavior]. Sovremennoe obrazovanie – Modern education (Uzbekistan), 2018, no. 1, pp. 4-11. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/deviant-hul-atvorli-smirlar-bilan-pedagogik-faoliyat-olib-borishda-ituvchi-mulo-ot-madaniyatining-rni/>.

15. Ta#lim muassasalarida suidning psihoprofilaktik chora-tadbirlarini tashkil jetish (profilaktika, diagnostika, korrekcija) [Psychoprophylactic measures of suicide in educational institutions organization (prevention, diagnostics, correction)]. Nukus, 2015. Available at: <http://kkrmoi.uz/files/uploads/files/61652eb0a8d316c030b1704923a7974f.pdf/>.



# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Хамрақулов Шавкатжон Салимович,**

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси,  
xamraqulov@sbtsul.uz

**Аннотация.** Ушбу мақолада хорижий давлатлар тажрибасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турли йўналишлар бўйича ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратилади ҳамда хорижий мамлакатлар ва миллий қонунчиликда профилактикага оид нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, халқаро тажрибани амалда қўллаш юзасидан таклиф ва кўрсатмалар берилган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик позицияси нуқтаи назаридан масъулияти, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги ва жиноятларни ҳисобга олиш усуллари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга оид чора-тадбирларини очиқ бериш назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ғайриижтимоий ҳуқ-атвор, ҳамкорлик, уюшган жиноятчилик.

## ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ОРГАНИЗАЦИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

**Хамрақулов Шавкатжон Салимович,**

преподаватель  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье уделяется особое внимание организации профилактики правонарушений в зарубежных странах по разным направлениям, а также внедрению стандартов профилактики в национальное законодательство, внедрению международного опыта, а также ответственности населения в плане общественной активности и гражданской позиции. Раскрыты вопросы уголовного законодательства зарубежных стран и методов регистрации преступлений, даны рекомендации по мерам организации профилактики правонарушений.

**Ключевые слова:** предупреждение правонарушений, противообщественное поведение, сопричастность организованная преступность.

## THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN PREVENTION OF OFFENSES

**Khamrakulov Shavkatjon Salimovich,**

Teacher of Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article focuses on the organization of crime prevention in foreign countries in different areas, as well as the implementation of prevention standards in foreign states and national legislation, the introduction of international experience, as well as the responsibility of the

population in terms of social activism and citizenship. Moreover, the article covers the disclosure of the criminal law of foreign countries and methods of accounting for crimes, measures for the implementation of crime prevention.

**Keywords:** crime prevention (prevention of offenses), antisocial behavior, cooperation, organized crime.

Жаҳон мамлакатларининг тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти нафақат давлат ташкилотларининг, балки унда яшовчи фуқароларнинг ҳам вазифасига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориш тенденцияси сўнгги йилларда яққол ва сезиларли даражада жадаллашди. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси барча соҳаларни қамраб олганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ғоя ва унинг мафкураси мамлакатимиз фуқароларига ислохотлар ким ва нима учун эканлигини, унинг бош мақсад ва моҳияти нимага қаратилганлигини тушунтириб бера олди.

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш [1] асосий вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари, ҳуқуқ-тартибот органларининг фуқаролар ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизими ҳам такомиллашиб бормоқда. Биргина 2020 йилда республикада жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб, содир этилган умумий жиноятларнинг **92,6 фоизи (57499 таси)** фош этилган, қидирувдаги **2446 нафар** шахс ушланган, бедарак йўқолган **436 нафар** шахс топилган.

Бундан ташқари, бевосита маҳалланинг ўзида хавфсиз, жиноятдан холи муҳит яратиш мақсадида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти қайта кўриб чиқилган.

Жами 9 168 та маҳаллада криминоген вазият таҳлил қилиниб, маҳаллалар “**қизил**”, “**сарик**” ва “**яшил**” тоифаларга ажратилган. Натижада 2020 йилда 4 488 та маҳаллада (49 фоиз) жиноятлар содир этилмаган, 1 551 тасида (17 фоиз) жиноятлар камайган [2].

Қуйида хорижий давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш борасидаги тажрибасига тўхталиб ўтсак.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат давлат ташкилотларининг, балки ҳар бир инсоннинг виждони олдидаги вазифасидир.



Сўнгги ўн йиллик ичида Ғарбий Европа мамлакатлари (Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция), шунингдек, Канада ва Японияда жиноятчиликнинг олдини олиш назарияси ва амалиёти фаол ривожланмоқда. Ушбу давлатлар ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда жиноятларни ижтимоий ҳолат сифатида қараб, жиноятнинг олдини олиш эмас, балки унинг аниқ сабаблари, шарт-шароит ва омилларини келтириб чиқарувчи кучни чегаралаш лозимлигини таъкидламоқдалар.

Бу борада Буюк Британия ва Германия амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат кенг қамровда ташкил этилгандагина самара бериши мумкин. Бу эса мазкур жараёнда барча даражадаги давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг кенг қўламдаги иштирокини талаб этади. Айни пайтда мазкур давлатларнинг аҳолиси ҳам ушбу заруратни тушуниб етган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Маълумки, **“The World Justice Project”** халқаро ташкилотининг **“Жиноий адолат – Criminal Justice”** бўлимида жаҳон миқёсидаги мамлакатларнинг ҳар йилги индекслари эълон қилиниб борилади, бунда қонун устуворлигини таъминлаш, айбдор шахсга нисбатан адолатли жазо қўллаш, жиноятчиларни реабилитация қилиш, жиноятларнинг олдини олиш, жабрланганларни маънавий, психологик қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ўз ичига олиб, ушбу жараёнда прокуратура, суд, адвокатура, ички ишлар органлари фаолияти инобатга олинади.

Унда жаҳоннинг 128 та [3] давлатининг рейтинги келтириб ўтилган бўлиб, жиноий адолатнинг таъминланганлиги юқори бўлган ўнталикка 1) Норвегия 0.83 %, 2) Финляндия 0.83 %, 3) Дания 0.83 %, 4) Швеция 0.80 %, 5) Австрия 0.80 %, 6) Сингапур 0.79 %, 7) Германия 0.79 %, 8) Голландия 0.76 %, 9) Япония 0.76 %, ва 10) Канада 0.74 % каби давлатлар киритилган. Ўзбекистон ушбу рейтингда 2015 йил 102 та давлат ичида 49-ўринда [4], 2016 йилда 116 та давлат ичида 64-ўринда, 2017-2018 йилларда 113 та давлат ичида 60-ўринда [5], 2019 йил 126 та давлат ичида 67-ўринда [6], 2020 йилда 128 та давлат ичида 66-ўринни эгаллаган.

Қайд этилган кўрсаткичлар мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган ижобий ва туб ислохотларга ўзининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини кўрсатиб, барча давлат ва нодавлат органлари ҳамда ташкилотларига ўз фаолиятида янада адолатни, шаффофликни, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича фаол бўлиш ва шу билан бирга, амалдаги қонунларга оғишмай риоя этиш бўйича катта масъулиятни юклайди.

Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини турли йўналиш ва ҳудудлар бўйича махсус дастурлар орқали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда полиция ёки ички ишлар идораларининг иштироки минимал даражада бўлиб, амалга оширилаётган дастурларнинг ижроси асосан аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятига асосланади. Шунингдек, ушбу дастурлар профилактиканинг классик усуллари, полиция патрули, тарғибот ва тушунтириш ишларига нисбатан анча самарали экани маълум бўлмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарори [7]га кўра, 2019 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс этган видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган видеоёзувларга тенглаштирилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши белгиланди. Шунингдек,

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар жамоат транспорти ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун автотранспорт воситаларига видеорегистраторлар ўрнатиш бўйича мажбурий тартиб жорий этилди, шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш фоизи** миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилиши назарда тутилган.

Жорий йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра, ушбу дастур фойдаланувчиларининг сони **25 037** кишини ташкил этиб, аниқланган қоидабузилишлар сони **326 436** тани ташкил этмоқда, шундан **99 698** та қоидабузилиш ҳолатлари рад этилган. Қўлланилган жарималар миқдори **89.81 млрд** сўм бўлиб, шундан рағбатлантиришлар миқдори **2.50 млрд** сўмни [8] ташкил этмоқда.

Полиция амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жиноятчилар томонидан жиноят асосан заиф ёки ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдиган жабрланувчиларга нисбатан ёки қўриқланмайдиган объектларга нисбатан содир этилмоқда. Шунинг учун профилактик чоралар жиноятчига ёки хавфсизлик тизимига ёки эҳтимолий жабрланувчига нисбатан қаратилган бўлиши лозим. Германияда ушбу учталиқдан асосий эътибор хавфсизлик тизимига ҳамда фуқаролар ва уларнинг ҳимоясига қаратилмоқда [9].

Канадада патрул қилишда фуқароларнинг иштироки кенг қўлланилади. Полиция билан ишлаш патрул фуқароларда жиноятчилар билан юзма-юз келганда юзага келадиган қўрқув ҳисси ва шахсий хавфсизлик ҳиссини сақлаб қолади. Баъзи ҳолларда жиноий фаолият билан шуғулланилаётганлиги тўғрисида хабар бўлганида ушбу масканларда тунги назорат масканлар ташкил этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари хорижий мамлакатлар ҳамда миллий қонунчиликда тўла бир хил бўлмаса-да уларни боғловчи умумий жиҳатларни кўришимиз мумкин, хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қонунчилик базасининг яратилганлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ягона йўналтирувчи ташкилотларнинг мавжудлиги, жиноятчиликнинг олдини олишга аҳолининг жалб қилинганлигидир.

Масалан, Бельгияда 1985 йил Ички ишлар вазири бошқарувида жандармерия, муниципал полиция ва қиролликнинг умумий полицияси маъмурий вакиллари билан миллий даражада ташкил топган жиноятчиликнинг олдини олиш Олий Кенгаши тузилган. Шунингдек, ҳудудий даражада губернатор бошқарувидаги жандармерия ва муниципал полиция вакиллари билан ташкил топган жиноятчиликнинг олдини олиш провинциал комиссияси тузилган.

Бу Кенгаш тегишли миллий ҳокимият вакилларига жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар беради, жандарма бўлинмаларининг олдини олиш сиёсатини режалаштиради ва йўналтиради, ҳужжатлар тўплайди, аниқ дастурларни амалга оширади ва илмий тадқиқотларда иштирок этади. 1983 йил Франция Парламентининг 5 аъзоси, 35 нафар мэр ва 25 нафар бошқа шахслардан ташкил топган бош вазир бошчилигида жиноятчиликнинг олдини олиш миллий кенгаши тузилган. Бу ташкилот ижтимоий ҳаёт, таълим, полиция ва ҳуқуқ, илмий тадқиқот ва алоқалар каби шўъбалардан тузилган [10].

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари





фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

- ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда **“жиноят ўчоқлари”**ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

- **“Республика — вилоят — туман — маҳалла”** тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

- ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Бунда, профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида **“Smart маҳалла”** ахборот дастури ишлаб чиқилган [11].

Ҳарб давлатларидаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда фуқаролар ва фуқаролик институтлари билан фаол ҳамкорлик олиб боради. Ҳамкорликнинг бу шаклларида қуйидагиларни, яъни корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи хизматлар, хусусий ва қўриқлаш тузилмалари билан ҳамкорлик ва мустақил жамоатчилик профилактика дастурларини кўрсатиш мумкин.

А. Қўзиев тадқиқот ишида ҳамкорлик хусусида тўхталиб, кўпроқ самара ва натижага эришиш учун ёлғиз терговчи, ҳатто терговчилар гуруҳи ҳам тезкор бўлинмаларнинг ёрдамисиз мураккаб жиноятларни тезлик билан очиш, ҳар томонлама тергов қилишда қийинчиликларга дуч келаётганлигини, ўзаро ҳамкорлик эҳтиёжининг мавжудлигини таъкидлаган [12].

Худди шундай, мустақил тадқиқотчи Р. Аллаёров ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг тузалишини таъминлаш ва қайта ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган профилактик тадбирлар мажмуидан иборат профилактик ҳисоб юритиши лозимлигини таъкидлаган [13].

Юқорида қайд этилган назарий қарашлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, амалиёт билан назария мақбуллаштирилмас экан, профилактикани амалга оширувчи субъектлар ҳамкорлиги кучайтирилмас экан, қабул қилинаётган қонунлар қанчалик мукаммал бўлмасин ўзининг самарасини бермайди.

Қайд этиш лозимки, АҚШ, Буюк Британия ва Канададаги ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва аҳолини жиноятчиликка қарши курашга жалб этиш технологиялари ҳам муҳим аҳамиятга эга. АҚШда уюшган жиноятчиликдан огоҳлантириш соҳасида бир қатор қонунлар қабул қилинган, булар орасида жиноятчиликка қарши курашда аҳолини жалб этиш асосий тузилмалардан ҳисобланади. Жиноятчиликнинг олдини олиш

тадбирлари комплекс ҳолда олиб борилмаса ва ижтимоий жиҳатдан ўзгаришларни юзага келтирмаса натижа бермайди.

Хусусан, АҚШда қабул қилинган ана шундай ҳужжатлардан бири “Синдирилган ойналар” дастуридир. Мазкур концепциянинг асосчилари ўз ғояларини қуйидагича ифодалайдилар: *“Агар бинонинг битта ойнаси синган бўлса ва уни ҳеч ким таъмирламаса, қисқа вақт ичида бинонинг қолган ойналари ҳам синдирилади, бинонинг ўзи тўлиқ харобага айланади ва бу жой жиноятчилар макони бўлиб қолади”*.

Бошқача айтганда, ушбу концепция муаллифлари кўчаларда тартиб ва озодаликнинг мавжуд эмаслиги девиант хулқ-атворнинг намоён бўлишига олиб келишини таъкидлайдилар. Яъни ойналар, электр чироқларининг сингани, қаровсиз ташлаб кетилган автомобиллар, бинолар ва йўлларнинг узоқ вақт таъмирланмагани, чиқиндилар кўчанинг исталган жойига ташлаб кетилиши ўша ҳудудда жамоатчилик назоратининг йўқлиги, ахлоқсизлик ва ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланмаслиги ҳамда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмалари мазкур ҳолатга бепарво қарашларидан далолат беради. Бундай белгилар эса одамлар онгида ушбу ҳудуд назоратдан ташқари, бу ерда давлат ва жамоат ҳокимиятининг кучи йўқ деган фикрни шакллантиради. Агар битта ойна синган ва бу ҳеч кимни безовта қилмаётган бўлса, демак, бошқа ойналарни ҳам синдириш мумкин. Шу тариқа одамнинг ичидаги яширин девиант хулқ-атвор унинг хатти-ҳаракатларига кўчади.

Мазкур гипотезага асосланган ҳолда, ушбу дастурда аҳоли пунктларида тозалик ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, қаровсиз автомашиналар, бино ва иншоотлар пайдо бўлишига, чиқиндиларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чоралари белгиланади. Бунда дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли пунктларидаги ҳолатни доимий равишда ўрганиб борадилар, аста-секин аҳолининг ўзи ушбу дастурнинг ҳам ижроси, ҳам назоратчисига айланади. Дастурнинг ўзи эса аҳолининг кундалик турмуш тарзига сингиб боради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида махсус дастурлар, шунингдек, бир қарашда оддий кўринган бошқа ташкилий чора-тадбирлар ҳам самара бериши мумкин. Хусусан, ўтган асрда Европанинг қатор давлатларида футбол мусобақаларида икки жамоа мухлисларининг алоҳида секторларда ўтириши ва турли эшиклардан кириб-чиқишини йўлга қўйиш орқали эҳтиросга берилган мухлислар содир этадиган ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайди.

Айни вақтда АҚШда профилактик тадбирларнинг учта модели мавжуд: ижтимоий муассасалар модели, шахснинг хавфсизлик модели ва атроф-муҳит орқали таъсир қилиш модели. Жиноятнинг олдини олиш дастурлари федерал ва маҳаллий даражада амалга оширилмоқда. Баъзи штатларда фуқароларнинг қонун устуворлигини мустаҳкамлашдаги иштироки сабабли ўғриликлар сони 30 % камайишга ёрдам берган. Шу билан бирга, тезкор ва профилактик аҳамиятга эга маълумот учун ҳақ тўлаш амалиёти кенг қўлланилади [14].

Хорижий мамлакатларнинг ушбу тажрибаси ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширишдаги фаолиятида ҳуқуқ тартибот идораларини эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг бартараф этилишидан кўпроқ манфаатдор бўлган ижтимоий муҳит ва аҳолининг аҳамияти муҳим эканлигига эътибор қаратади.

Ижтимоий муҳит ва полициянинг асосий мақсади уларни жиноятчиликдан огоҳлантиришга қаратилган. Бунини Америка полициясининг кўчаларда патрул полициясининг мунтазамлиги, фуқаролар орасида жамоат жойларда ҳуқуқбузарликка



йўл қўймаслик тўғрисида фаол тушунтириш ишларининг олиб борилиши, ҳуқуқбузарлар ва жиноятчиларнинг маълумот олиш воситалари тўғрисида аҳоли билан бирга ҳаракат олиб боришларида кузатиш мумкин. АҚШ полиция органларининг етарли молиялаштириши, уларнинг аҳолини ҳуқуқни ҳимоя қилиш ишларига жалб қилишларига имкон беради. Полиция органлари билан жиноятчиларни қидиришга фаол қатнашган фуқаролар ва кўнгилли жамоатчилик клублари аъзоларига пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар, совғалар, эсдалик нишонларининг берилиши ва бошқалар.

Барча ўқув муассасаларида – бошланғич мактабдан олий ўқув юртларигача – амалий виктимология машғулоти ўтказилади. Хоҳловчилар фақатгина маъруза тингламасдан, махсус тренингларда қатнашиб ўз-ўзини ҳимоя қилиш, экстремал вазиятларда ўзини тутиш малакаларини ўзлаштиришлари мумкин. Америка олимларининг виктимология бўйича ишланмалари фуқароларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар фуқароларга турли вазиятларда ўзини тутиш тўғрисида қулай тавсиялар беради. Хусусан, *“Сиз биринчи марта бегона шаҳардасиз”, “Кечки сайр”* методлари шулар жумласидандир.

Бегона шаҳарда ўзини тутиш бўйича айрим **тавсияларни** келтириб ўтмоқчимиз, жумладан:

- а) агар сиз меҳмонхонадан кечқурун чиқмоқчи бўлсангиз, яхшиси такси чақиринг;
- б) бегона шаҳарга саёҳатга борганда ёрқин, диққатни ўзига тортувчи кийимлар кийишдан тийилинг;
- в) аёллар ўзларига тегишли қимматбаҳо буюмларни сумкада эмас, қўйлак чўнтакларига тутгани маъқул (зарурат бўлмаса олиб юрмаслик);
- г) аниқ мақсад бўлмаса пиёда юрмасликка ҳаракат қилинг;
- д) агар икки ва ундан кўпроқ киши билан юрилса, жиноятчиларнинг эътиборига тушиш ҳолати камаяди.

Ҳозирги вақтда Япония ҳудудида кўнгилли фуқаролар ассоциацияларидан тузилган полиция билан алоқадор 690 мингга яқин пунктлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, полиция раҳбарлигида фуқаролардан тузилган *“вояга етмаганларнинг мураббийлари”* гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳларнинг асосий вазифаси тарбияси оғир бўлган ўспирин ёшлар билан ишлаш, уларга маслаҳат бериш, жамоат жойларида навбатчиликда туришдан иборат. АҚШнинг сунъий интеллект прогнози бўйича жиноятчилик эҳтимоли юқори бўлган айрим қисмларида полиция патруль назоратини кучайтириш натижасида жиноятчилик ўртача 20 %га пасайди.

МДХ давлатларида эса, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида субъектлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Қозоғистон Республикасининг қонунида *“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва Қозоғистон Республикаси фуқаролари амалга оширадилар”,* [15] деб таъриф берилган бўлса, Қирғизистон Республикасининг қонунида *“профилактика субъекти: давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, ижтимоий-профилактик марказлар, бирлашма, корхона, муассасалар ва бошқа мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ҳамда Қирғизистон Республикасида яшовчи Қирғиз Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир”,* [16] деб таъриф берилган.

Кўриниб турибдики, Қирғизистон Республикасининг қонунида Қозоғистон қонунига қараганда нисбатан кенг, батафсил таъриф берилган. Бизнингча, ушбу таърифни субъектларнинг таснифига асосланиб ишлаб чиқиш лозим.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар тоифаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланиб, улар икки гуруҳга ажратилганлигини кўришимиз мумкин, **биринчи гуруҳни** ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар; **иккинчи гуруҳни** эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи органлар, муассасалар ва фуқаролар ташкил этади, жумладан:

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимини** [17]:

- ички ишлар органлари;
- прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- адлия органлари;
- давлат божхона хизмати органлари; давлат солиқ хизмати органлари;
- меҳнат органлари;
- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ташкил этади.

**Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида иштирок этувчи субъектлар тизимини:**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ташкил этади [18].

Зеро, ҳар бир инсон ўзи яшаётган мамлакатда адолатнинг устувор бўлишини, унда тинч ва осойишта яшашни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муносиб ҳимоя этилишини, инсон ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкининг ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилинишини хоҳлайди ва уни ҳуқуқий қадриятлардан бири бўлишини таъминлашга интилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг тажрибаларини Ўзбекистон қонунчилигига қиёсий таҳлил сифатида олиш мумкин, шунингдек, мазкур тадқиқот иши орқали қуйидаги **таклифлар ишлаб чиқилди:**

**биринчидан,** Ҳуқуқбузарлик деганда, содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади;

**иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда





“Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунларида субъектларнинг ваколат доирасида вазифаларни аниқ белгилаб чиқиш;

**учинчидан,** Хуқуқбузарликлар профилактикасининг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишига эътибор қаратиш ва тарқоқ бўлган нормаларнинг ягона Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

**тўртинчидан,** Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва умумий профилактикасида иштирок этувчи субъектлар тизимининг ушбу соҳани амалда ишлаши учун ички меъёрий ёки аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури (стратегияси)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш [19].

## REFERENCES

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2.4-банди. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон).
2. “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2020 йил якуни бўйича ахбороти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори 12.03. 2021 й., СҚ-245-IV-сон.
3. World Justice Project Rule of Law Index 2020. Available at: <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2020/>.
4. World Justice Project Rule of Law Index 2015. Available at: <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2015/>.
5. World Justice Project Rule of Law Index 2017–2018. Available at: <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2018/>.
6. World Justice Project Rule of Law Index 2019. Available at: <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2019/>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 20.09.2018 й., 747-сон. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 09/18/747/1950-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 12.11.2020 й., 09/20/713/1504-сон.
8. eJarima. Let's make our paths safe together. Available at: <https://dyhxx.ejarima.uz/login/> 2021 йил 14 апрель ҳолатига.
9. Majorov A.V. Mezhdunarodnyj opyt zashhity zhertv prestuplenij. Materialy 66-nauchnoj konferencii Juzhno-Ural'skogo gosudarstvennogo universiteta [International experience in the protection of victims of crime. Proceedings of the 66th scientific conference of the South Ural State University]. April 2014. Available at: <http://www.susu.ac.ru/>.
10. Majorov A.V. Mezhdunarodnyj opyt zashhity zhertv prestuplenij. Materialy 66-nauchnoj konferencii Juzhno-Ural'skogo gosudarstvennogo universiteta [International experience in the protection of victims of crime. Proceedings of the 66th scientific conference of the South Ural State University]. April 2014. Available at: <http://www.susu.ac.ru/>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони 26.03.2021



й. ПФ-6196-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон

12. Кузиев А. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва тергов бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тенденциялари //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2020. – Т. 1. – №. 6. – С. 116-124.

13. Алоярлов Р. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактик ҳисоб ҳамда уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 1/С. – С. 46-52.

14. Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // Материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт – <http://www.susu.ac.ru>.

15. Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК «О профилактике правонарушений» // [www.online.zakon.kz](http://www.online.zakon.kz).

16. Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // [www.cbd.minjust.gov.kg](http://www.cbd.minjust.gov.kg).

17. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” қонуни 14.05.2014 й., № ЎРҚ-371, 9-моддаси.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” қонуни 14.05.2014 й., № ЎРҚ-371, 7, 8, 20, 21-моддалар.

19. Хамракулов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъекти сифатида унинг бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 1/С. – С. 53-57.

20. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали // <https://huquqiportal.uz/dictionary/index?alphabet=%D0%A3&page=10&per-page=10/>.



# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Эшмуродов Элбек,

Тошкент давлат юридик университетининг  
Ихтисослаштирилган филиали  
“Хусусий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси ўқитувчиси,  
elbek.eshmurodov.91@mail.ru

**Аннотация.** Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар тушунчаси, уларнинг моҳияти, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси вазифаларини амалга оширувчи субъектлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хориж тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу соҳада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул органлар функцияларини ўрганиш, дунёда профилактик функция самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида мазкур тизимни такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик таъсир чораларини қўллаш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар томонидан қайта ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишнинг профилактик чоралари ва механизмини ишлаб чиқиш, профилактик функция самарадорлигини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солишнинг йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш, халқаро тажрибани амалда қўллаш юзасидан таклиф ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш кабилар назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хорижий тажриба.

## ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Эшмуродов Элбек,

преподаватель кафедры "Частноправовые  
дисциплины" Специализированного филиала  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются понятие правонарушений, их сущность, субъекты профилактики правонарушений. Проанализировано законодательство о предупреждении правонарушений, выявлены особенности зарубежного опыта профилактики правонарушений, изучен опыт развитых стран в этой сфере, в том числе профилактики правонарушений в России. Совершенствование системы должно быть основано

на выявлении конкретных характеристик эффективности, применении превентивных мер с учетом социальных характеристик правонарушений, усилении имплементации международных стандартов в национальное законодательство, разработке превентивных мер и механизмов для предотвращения рецидивов правонарушений. Важно повысить эффективность превентивной функции. С целью совершенствования нормативной базы, систематизации, применения закона на практике, автором даны предложения и рекомендации по практическому применению международного опыта, а также повышению правовой культуры и правовой грамотности граждан.

**Ключевые слова:** зарубежный опыт в сфере преступности, предупреждение преступности, ответственность за правонарушения, неконтролируемый, профилактика правонарушений.

## PREVENTION OF OFFENSES: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

**Elbek Eshmurodov**

Teacher of the Department of Private Law Disciplines,  
Specialized Branch of Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article describes the concept of offenses, their essence, the subjects of crime prevention, legislation on crime prevention, and the peculiarities of foreign experience in crime prevention, the study of the experience of developed countries in this field, the study of crime prevention in foreign countries. Moreover, the article covers improvement of the system based on the identification of specific features of efficiency, application of preventive measures based on the social characteristics of offenses, strengthening the implementation of international standards in national legislation, development of preventive measures and mechanisms to prevent recidivism by offenders, increasing the effectiveness of preventive function. The study gives scientific proposals on improvement of the regulatory framework, systematization, application the law to improve the practice, study the directions and prospects of legal regulation, the practical application of international experience, as well as enhancement of the legal culture and legal literacy of citizens.

**Keywords:** foreign experience in the field of crime, crime prevention, criminal liability, uncontrolled, crime prevention.

Ижтимоий муносабатлар ривожланган сари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва содир этилиши сабабларини тадқиқ қилиш орқали чек қўйиш амалиётини ўрганишни тақозо қилмоқда.

Мазкур соҳада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул бўлган давлат органлари билан тажриба алмашиш айти муддаодир.

Сўнгги йилларда Ғарбий Европа, АҚШ, Канада ва Россияда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш назарияси ва амалиёти фаол ривожланиб бормоқда. Шунга қарамай, ҳуқуқбузарликларнинг ортиб бориши ҳам мазкур соҳада янги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширилиши лозимлигини, давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш ва соҳага инновацион технологияларни жалб қилишни талаб этмоқда.

“Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – ижтимоий, ҳуқуқий, тарбиявий ва бошқа хусусиятларга эга бўлган, жиноятлар содир этилишининг сабаблари ва шартларини



бартараф этишга қаратилган бўлиб, ижтимоий таъсирга эга бўлган шахсларга мақсадли ва профилактик таъсир кўрсатишдан иборат” [1].

Бизга маълумки, профилактика ноқонуний фаолият ва жиноий ҳаракатлар содир бўлишининг олдини олишдир. Ҳуқуқбузарликнинг жазосиз қолиши нафақат янги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ҳисса қўшади, аксарият ҳолларда шахсни қонунларни менсимаслик руҳида тарбияланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, “**ҳуқуқбузарлик** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)”дир.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими ҳисобланади [1].

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан, илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кабилардан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси турларига бўлинади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ички ишлар органлари, прокуратура органлари, давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бевосита амалга оширадилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур қонуннинг 3-моддасида **вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими эканлиги қайд этилди [2].

**Россия Федерациясида** ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари Президент томонидан белгиланади.

Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг ҳуқуқий асослари мамлакат Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, халқаро шартномалар, федерал конституциявий қонунлар, 2016 йил 23 июндаги “Россия Федерациясида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг асослари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунлар, Президентнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Россия Федерацияси ҳукумати, федерал ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, Россия Федерацияси субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва жиноятчилик соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади [3].

“Россия Федерациясининг юқорида номи келтирилган Қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мақсади шахс, жамият ва давлатни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишдир.

Мазкур Қонунга асосан профилактик тадбирларнинг қуйидаги турлари:

1) ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа сабабларни, шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, йўқ қилиш (минималлаштириш, зарарсизлантириш)га қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий олдини олиш ёки федерал, минтақавий, маҳаллий ва идоравий даражалар, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражасини ошириш;

2) ушбу шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ижобий тузатиш, криминоген фактларни йўқ қилиш ёки зарарсизлантириш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг субъектлари томонидан шахснинг жиноятгача бўлган хатти-ҳаракатларининг фактлари асосида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг индивидуал профилактикаси назарда тутилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мажбурлов чораларига эса:

- 1) профилактик суҳбат;
- 2) ҳуқуқбузарликлар содир этишга олиб келадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш;
- 3) ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан махсус талабларни белгилаш;
- 4) профилактик ҳисобга олиш ва назорат;
- 5) суд томонидан белгиланган тиббий мажбурлов чоралари;
- 6) маъмурий назорат;





7) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда профилактика тизимининг субъектлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ-бузарликларнинг индивидуал профилактикасининг бошқа чоралари кабилар киради.

**Беларуссия Республикасида** ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш 2014 йил 4 январдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асослари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади [4].

Мазкур Қонуннинг 6-моддасига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларига: ички ишлар органлари; прокуратура органлари; давлат хавфсизлик органлари; чегара хизмати органлари; божхона органлари; давлат муҳофазаси органи; Давлат назорат қўмитаси; фавқулодда вазиятлар бўйича органлари ва бўлимлари; Қуролли Кучлар, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, бошқа давлат ҳарбий тузилмалари ва ҳарбийлаштирилган ташкилотлар; маҳаллий ижро этувчи ва маъмурий органлар; Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ижроия қўмиталарининг таркибий бўлинмалари; Таълим вазирлиги; Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари; Адлия вазирлиги, вилоят ижроия қўмиталарининг таркибий бўлинмалари, Минск шаҳар Ижроия қўмитаси; Президент ҳузуридаги Ҳайвонот дунёси ва флорани муҳофаза қилиш давлат инспекцияси; давлат оммавий ахборот воситалари таҳририятлари вазифалари юклатилган юридик шахслар; ҳуқуқни муҳофаза қилиш жамоат пунктлари кенгашлари; ихтиёрий отрядлар; жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар киради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш Беларуссия Республикаси Бош прокурори ва ҳудудий ва транспорт прокуратураларининг бўйсунувчи прокурорлари томонидан, шу жумладан, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар томонидан олиб борилади [4].

**Германияда** ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бирламчи, иккиламчи ва учинчи даражали профилактикага ажратилади [5].

Бирламчи омил, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижтимоийлик, адолат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иккиламчи омил, полиция томонидан амалга оширилади ва бу ҳуқуқбузардан сақланишнинг қонуний воситалари билан боғлиқ.

Учинчи даражали профилактика – бу ҳуқуқбузарларни жазолаш ва қайта ижтимоий ҳаётга мослаштириш жараёнида қўлланиладиган профилактик чоралар ва воситалар йиғиндисидан иборат.

Германия полиция амалиётида ҳуқуқбузарликлар кўпинча ҳимоясиз жабрланувчи ёки объект билан учрашганда содир этилади деган тезис кенг тарғиб қилинади. Шунинг учун профилактика чоралари ҳуқуқбузарга ёки хавфсизлик тизимига ёки потенциал жабрланувчига (индивидуал, умумий ва жабрланувчининг профилактикаси) қаратилган бўлиши керак. Ушбу учликда ҳимоя профилактикаси ва ўзини ўзи ҳимоя қилишга қаратилган аҳоли билан мақсадли ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Германия Федератив Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ички ишлар органларининг «қўшимча иши» деб ҳисобланиб келинган. Чунки полиция органларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш эмас, ҳуқуқбузарлик содир этилгандан сўнг ҳуқуқбузарни аниқлаш ва жазолаш вазифалари асосий қилиб белгилаб қўйилган эди.

Аммо 1960 йиллардан бошлаб, полиция органлари томонидан аҳоли орасида ўзини ҳимоя қилишга йўналтирилган ишларни кенг татбиқ этиш бошланди. Бунда аҳолига

мулкни ўғрилардан қутқариш учун техник воситалардан қандай фойдаланиш ва ҳуқуқбузар қурбонига айланмаслик учун қандай ҳаракат қилиш тўғрисида маслаҳат бериш бошланган.

Шу сабабли ҳозирги кунда ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича маслаҳатларни бепул тарқатиш, радио ешиттиришлар ва телевизион дастурларда намоиш этиш амалиёти кенг тарқалган.

Хусусан, полиция томонидан “Ҳуқуқбузар полицияси маслаҳат беради” номли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича махсус дастур мавжуд бўлиб, унинг асосий ғояси полиция ходимининг жамоатчилик билан кенг алоқасини таъминлашга хизмат қилади [6].

Фуқароларнинг патрул хизматидаги иштироки **Канадада** кенг қўлланилади. Полиция билан биргаликда фуқаролик патрули ҳуқуқбузарлардан қўрқувни камайтиради ва шахсий хавфсизлик туйғусини оширади. Ҳуқуқбузарликлар ошганлиги аниқланган ҳудудларда махсус назорат постлари жойлаштирилади [7].

**Буюк Британияда** ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун минимал стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини полиция билан ҳамкорлигини ошириш учун кенг қўлланми махсус чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, фуқароларнинг патрул хизматида ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойларда махсус навбатчилик қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Ҳатто полиция ишида иштирок этиш фикрини билдирган фаол аҳоли вакиллари учун полиция транспорт воситаларида ҳаракатланиш, полиция кийимларида бўлиш (нишонлар ва хизмат лавозимларисиз ҳолда), радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш, таёқчалар, кишан ва ҳатто қуроолларни олиб юриш ҳуқуқларига эга бўлиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Мазкур ҳуқуқларнинг берилиши полиция ишида иштирок этувчи фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда, уларда махсус органлар зиммасидаги масъулият ҳиссини уйғотишга хизмат қилади деб баҳоланиб, ҳукумат томонидан бундай чора-тадбирларнинг барчаси қўлланиб келинмоқда [8].

**Америка Қўшма Штатларида** ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш чораларининг учта модели мавжуд: давлат муассасаси модели, индивидуал хавфсизлик модели ва атроф муҳитга таъсир қилиш модели. Масалан, баъзи штатларда фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида иштирок этиши орқали ўғирлик жиноятларининг содир этилиши 30 фоиз камайтишига эришилган [9].

АҚШ полиция департаментларининг фаолиятини текширган кўплаб комиссиялар ушбу тузилмалар аҳолидан ажратилган ва мамлакатда ҳуқуқбузарликлар ҳолатининг ривожланишини назорат қила олмайдилар деган хулосага келишди. Янги стратегия жамоатчилик полицияси деб аталади. Унга кўра, полициянинг асосий вазифаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол бўлиш ҳисобланиб, асосий урғу аҳоли яшайдиган жойларда полициячилар мавжудлигини намоиш этишга қаратилди. Шу билан бирга, полиция одамларга яқинроқ бўлиш учун автоуловлардан фойдаланишни деярли тарк этди. Худди шу мақсадда улар велосипедлардан ёки пиёда патрулдан фойдаланишни бошладилар.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш учун кўплаб мамлакатларда тегишли органлар (масалан, миллий кенгашлар) ташкил этилган.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хусусий секторнинг жалб этилиши ва хусусий амалиёт билан



шуғулланувчи изқуварларнинг фаолияти қўллаб-қувватланиши ҳам муҳим таъсир қилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, давлат томонидан мазкур соҳага катта моддий харажатларни талаб қилмасдан соҳани ривожлантиришга хизмат қилади.

Гарбий Европа ва АҚШда шахсларни, оилани, уй ва мол-мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мавзуларида кўплаб машҳур қўлланмалар мавжуд бўлиб, мазкур турдаги қўлланмалар полиция органлари томонидан ҳудудларда оммавий равишда тарқатилиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бундай вазиятга тушиб қолганда қандай ҳаракатларни амалга оширишини очиб беради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёшлар саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва содир этилганда жавобгарликка тортилиш тушунчалари ҳақидаги амалий дарслар бошланғич мактаблардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган барча таълим муассасаларида ўқитиб келинади. Истаганлар нафақат маърузаларни тинглашлари, балки махсус тайёргарликдан ўтиш орқали ўзини ҳимоя қилиш усуллари ва экстремал вазиятларда мақбул хатти-ҳаракатларни амалга оширишни ўзлаштиришлари мумкин.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходим-ларининг касбий билимларини бойитиш, ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқбузарнинг тақдирини ҳал этишдаги бурч ва жавобгарлик ҳиссини ошириш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш орқали ушбу соҳада юқори натижаларга эришишга имкон беради.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014. <https://lex.uz/docs/2387357/>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ЎРҚ-263-сон, 29.09.2010. <https://lex.uz/docs/1685726/>.
3. Россия Федерациясининг 23.06.2016 йилдаги «Россия Федерациясида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг асослари тўғрисида» қонуни. [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=64951/](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=64951/).
4. Беларуссия Республикасининг 04.01.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлари профилактикаси асослари тўғрисида”ги қонуни. <https://pravo.by/upload/docs/op/H11400122/>.
5. Криминология: учебник для вузов. Под ред. В.Д. Малкова. Москва, Юстицинформ. 2006.
6. Криминология : учебник для академического бакалавриата / В. И. Авдийский [и др.] ; под редакцией В. И. Авдийского. — 2-е изд., перераб. и доп. Москва : Издательство Юрайт, 2018, 301 с.
7. <https://www.studme.org>
8. Криминология: учебник для вузов / под ред. В. Д. Малкова. Москва, Юстицинформ, 2006.
9. <https://www.studme.org>

# KRIMINOLOGIYA VA JINOIY ODIL SUDLOV

ILMIY-AMALIY JURNAL

2021/1-2

**MUASSIS: TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI**

**BOSH MUHARRIR:**

Q. Abdurasulova

Toshkent davlat yuridik universiteti “Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish” kafedrası professori, yuridik fanlar doktori

**BOSH MUHARRIR:**

Y. Kolenko

O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi boshlig‘i

**BOSH MUHARRIR O‘RINBOSARI**

N. Salayev

Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, yuridik fanlar doktori, professor

**Mas‘ul muharrir:** K. Hakimov

**Muharrirlar:** Sh. Jahonov, Y. Yarmolik

**Texnik muharrirlar:** U. Sapayev, D. Rajapov

**Tahririyat manzili:**

100047. Toshkent shahar, Sayilgoh ko‘chasi, 35.

**Tel.:** (0371) 233-66-36, 233-41-09.

**Faks:** (0371) 233-37-48.

**Web-sayt:** [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)

**E-mail:** [iztdyu@mail.ru](mailto:iztdyu@mail.ru)

Jurnal 2022-yil 23-fevralda tipografiyaga topshirildi.

Qog‘oz bichimi: A4.

Shartli 23,52 b.t. Adadi: 100. Buyurtma: № 5.

TDYU tipografiyasida chop etildi.

ISSN 2181-2179

© Toshkent davlat yuridik universiteti